

323

М 37

Тилаб МАҲМУДОВ

МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЊНАВИЯТ




Тилаб МАҲМУДОВ



МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЊНАВИЯТ

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ асарлари асосига)*



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2001 йил

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари
вазирлигининг «Гулистон» журналі кутубхонаси

**Масъул муҳаррир — сиёсий фанлар номзоди
Нарзулла ЖЎРАЕВ**

Фалсафа фанлари доктори, профессор, Республика Давлат мукофотининг совриндори Тилаб Маҳмудовнинг «Мустақиллик ва маънавият» рисоласида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мустақиллик ва маънавиятга оид назарий қарашлари мухтасар равишда баён этилган.

Президентимиз асарларини ўрганиш кишиларни мустақил фикр юритишга, тафаккурини янгилашга, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга, шу азиз Ватан учун пок ва ҳалол меҳнат қилишга чорлайди.

Юртбошимиз асарларини мутолаа қилишда, мустақиллик, миллат ва отечество вазифини чуқурроқ

акциядорлик
ияти, 2001 йил

СЎЗБОШИ

*Бугунги кунда ғояни, фикрни тақик билан,
маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди.
Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши
фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат
маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш
мумкин.*

Ислом КАРИМОВ

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида мамлакатимиз та-
момила янги жамият, янги турмуш ва янги ҳаётни
бошлаб юборди. Мустақиллик деб аталмиш ижтимоий
адолат сари интилишнинг натижаси юртимизда қарор
топди.

Одамларимиз қалби, тафаккури ва тасавурида яр-
қираган нур пайдо бўлди. Эркинлик ва эпкинлик, де-
мократия ва адолат ижтимоий ҳаётимизнинг барча
бўғинларида куртак ота бошлади.

Ана шундай миллий уйғониш даврида Президенти-
миз И. А. Каримов мустақиллик билан боғлиқ барча
ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий масалалар қаторида
инсон маънавияти, эркин ва озод шахс маърифатига
алоҳида эътибор берди. Наинки янги жамиятни, янги
ижтимоий-тарихий тизимни юксак маънавий мадани-
ятсиз, миллий қадриятларни тиклаб, давом эттирмас-
дан барпо эта билмаслик аён бўлди.

«Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок, —
деб ёзади Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўса-
ғасида» асарида, — аждодларимиз томонидан кўп аср-
лар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо
маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати
даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб
қолди. Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий

ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдишларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз».¹

Президентимизнинг бутун фаолияти, асарлари ва маърузалари ватанимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги, одамларимиз маънавиятини юксалтиришга қаратилган.

Ёшларимиз истиқболи ва маърифий қиёфаси доимо Ислом Абдуғаниевичнинг диққат марказида. Шундай экан, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, айниқса, ўқувчи ёшлар ва талабалар маънавиятга доир назарий-фалсафий билимга ва тушунчага эга бўлишлари жоиз.

Бу фикрлар, қарашлар академик И. А. Каримов асарларида ўз ифодасини топган. Президентимиз таъкидлаганларидай, маънавият масаласи миллат тарихи, ахлоқий ва диний қадриятлар, маданий мерос, анъана ва расм-русумлар, миллий мафкура, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, миллий ўзликни англаш сингари жуда кўп омиларни ўз ичига олади ва, пировардида, инсон шахсини белгилашда асосий мезон вазифасини бажаради.

Шунинг учун «Халқимизнинг келажаги, — деб ёзади Ислом Каримов, — энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир. Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиш эҳтиёжига ров бўлмаслиги лозим. Маънавийлик ва маърифийлик халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида доимо унинг энг кучли ўзига хос хусусияти бўлиб келди».²

Маънавиятга доир масалалар биринчи марта Президентимиз томонидан удқан ижтимоий-маданий вазифалар тарзида ўртага ташланди ва унинг назарий ҳамда амалий томонлари кўрсатиб берилди.

2000 йил 6 апрель куни Оқсарой қароргоҳида миллий мафкура масалаларига бағишланган йиғилишда «Энг

¹ Ислом Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Тошкент, «Ўзбекистон», 1997, 137-бет.

² Ислом Каримов. Ўша асар, 151-бет.

муҳими, — деди Президентимиз Ислоҳ Каримов, — биринчи навбатда ўқув масканларида, болаларимиз учун аниқ ва равшан, шу билан бирга, таъсирчан ўқув қўлланмалари, дарсликлар тайёрлаш, уларни амалиётга татбиқ қилиш бутунги кундаги энг долзарб масала деб биламан».

И. А. Каримовнинг маънавий ва маърифат, миллий мафкура ва инсон камолотига оид назарий қарашлари билан ўқувчи ёшларни, талабаларни ва меҳнаткаш оммани баҳраманд этиш эҳтиёжи ушбу рисоланинг пайдо бўлишига олиб келди.

1. «МАЪНАВИЯТ»НИНГ МАЪНОСИ

«Маънавият» сўзи жуда кўп ишлатиладиган бўлиб қолди. Маънавият масалалари билан алоҳида машғул жамоатчилик марказлари, олий ўқув юртларида маънавият бўйича проректорлар лавозими таъсис этилди, ўзини маънавият масалаларидан мутахассис санайдиган кишилар гуруҳи шаклланмоқда. Жамият ва шахснинг маънавий қиёфаси, бойлиги ва истиқболи давлат миқёсидаги вазифа тарзида идрок этилмоқда.

Маънавиятга бунчалик катта эътибор берилаётган экан, бу тушунча ва унинг ҳаётдаги амалий кўринишлари ҳақида турли-туман қарашлар мавжудлигини назарда тутган ҳолда бу масалани чуқурроқ ўрганиш эҳтиёжи туғилади.

Аввало «Маънавият» сўзининг маъноси ва мазмунини кўриб чиқмоқ жоиш. «Миллий Тикланиш» газетасининг 1996 йил 12 ноябрь сонида Исматуллоҳ Абдуллоҳнинг «Маънавият ва маърифат» мақоласи босилган. Муаллиф ўз мақоласини шундай бошлайди. «Маънавият» арабча сўз бўлиб, «маъно» феълидан олинган руҳ, ақл, онг, идрок, руҳий ҳолат, ички кайфият, дадиллик, жасорат, хусусият, моҳият, ғамхўрлик, қайғуриш, дид каби бир қанча маъноларни англатади».

«Маънавият»ни бундай таърифлашда кўп нарсалар кўшилиб кетганга ўхшайди. Унда «маънавият»га тегишли хусусиятлар билан бирга «тафаккур»ни ва «руҳият»ни ифодаловчи маънолар ҳам учрайди.

«Дадиллик, жасорат» сингари сўзлар эса бевосита «маънавият»га дахлдор эмасдай туюлади. Масалан, андишали одамлар орасидаги бирор безорининг дадиллиги-ю, ўғри ё қотилнинг кечаси қилган кирдикорларини «жасорат»га йўйсак бўладими? Безори дадиллиги ёки ўғри жасорати уларнинг маънавиятини эмас (ҳатто паст ва тубан маънавият кўзда тутилганда ҳам), уларнинг умуман қандай шахс эканлигини кўрсатади. Шунингдек, яхши ҳамда маънавияти юксак барча одамлар дадил ва жасоратли бўлмасликлари мумкин. Одамларни «маънавиятли», «маънавиятсиз» тарзда ажратиш ҳам

масалани ойдинлаштира олмайди. Аввало одамларни «маънавиятли» ва «маънавиятсиз»ларга ажратиб бўлмайди. Чунки одамзод пайдо бўлибдики, у ижтимоий тараққиёт жараёнида албатта «маънавиятли» бўлиб шаклланади. Маънавиятсиз одам йўқ, Фақат маънавияти баркамол ёки тубан, бой ёки қашшоқ, юксак ёки паст бўлиши мумкин. Лекин «маънавиятсиз» шахс учрамайди. Умуман онгсиз одам бўлмайди. Инсон боласи мўътадил бир муҳитда вояга етган экан, у албатта онгли мавжудот сифатида шаклланади. Бироқ биз «онгли киши» ёки «онгсиз одам» деган ибораларни ишлатамиз. «Онгсиз одам» деганда мазкур шахснинг тамомила онги йўқлиги эмас, балки онги пастлиги, фаҳм-фаросати ожиз эканлиги кўзда тутилади.

«Маънавиятсиз» тушунчаси ҳам шундай. Ҳатто баъзи саводсиз одамларнинг маънавияти жамиятнинг юқори зинапояларидан жой олган айрим мансабдор кимсаларнинг маънавиятидан кўра бойроқ ва жозибалироқ бўлиши мумкин.

Бинобарин, «Маънавият» умумий тушунча бўлиши билан бирга у конкрет ҳаётий шарт-шароитларда «фанолият» кўрсатувчи ва конкрет шахсларнинг конкрет хатти-ҳаракатларини ифодаловчи ақлли қалб мулки, тажрибали қалб тарзида амал қилади. Инсон маънавиятини ушлаб бўлмайди, бироқ уни инсоннинг табиат ва жамиятдаги амаллари орқали ҳис қилиш ва идрок этиш мумкин.

Қачонки «маънавият»нинг амалий кўринишларидан айримларини санаб, мана шу хусусият, белги ҳамда фазилатлар маънавиятни ифодалайди, десак, бу тушунчага кирувчи, уни тўлдирувчи ва бошқа конкрет ҳаётий амалларда нурланувчи маънавият қирралари очилмай қолади, натижада маънавиятни маълум қолиб ёки чегара доирасида тасаввур этиш тамойили вужудга келади.

Аслида «маънавият» ўз моҳияти, объекти ва «кўриниш» доираси жиҳатидан инсоннинг яхлит бир ижтимоий мавжудот сифатида олиб фикр юритишни тақозо этади. Шунинг учун Исматуллоҳ Абдуллоҳнинг «Маънавият — энг аввало меҳр-шафқат, халққа муҳаббат, ўз диёрини севмоқ, ватанпарварлик демақдир», — деган сўзлари умуман тўғри бўлса-да, маънавият моҳиятини торайтирса торайтирадики, кенг кўламда қамраб ололмайди.

«Халқ сўзи» газетасининг 1997 йил 4 февраль сони-

да «Маънавиятга элтувчи нур» сарлавҳаси остида Хуршид Дўстмуҳаммад, Азамат Зиё ҳамда Муҳаммаджон Имомназаровларнинг маънавиятга доир фикр-мулоҳазалари берилган.

Хуршид Дўстмуҳаммад маънавият моҳиятини инсон тафаккури ва қалбига йирилган маърифий нурда кўради, қалбдаги нурнинг кўлами бошқалар қалбини мунаввар этиш даражаси билан ўлчанишини таъкидлайди. Бу образли мулоҳазаларда ҳақиқатга яқин жиҳатлар йўқ эмас.

Инсон ҳаёти билан боғлиқ жуда кўп ҳолат ва ҳодисалар борки, улар жисмоний, биологик ва физиологик «маъно»лари билан маънавиятга бевосита дахлдор бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолат ва ҳодисаларда «маъно» бор ё йўқлиги эмас, қандай ва қанақа аҳамиятга эгаллиги, маънавиятга дахлдорлиги асосий масаладир. Масалан, бирор кишининг чайқовчилик билан шуғулланиши, нарсани арзон гаровга ундириб, бошқа жойда уни қимматга пуллашида «маъно» борми?... Бор, албатта! У бадавлат бўлишни ўзининг ҳаёт маъносига айлантирган. Лекин уни том маънодаги маънавиятга алоқаси қандай? Аксарият ҳолларда бундай одамларнинг маънавияти суст ва тубан бўлади.

Бирор одамнинг фирибгар ва устамонлигида «маъно» борми? Бор, албатта! Бироқ бу ўринда қанақа маънавият ҳақида гап бўлиши керак?!

«Маънавият» сўзи ва тушунчасининг ўз тадбиқ жойи ва кўлами мавжуд. Уни ҳамма жойда ва бир хил ишлатиб бўлмайди. Масалан, «Чақалоқ маънавияти» деган ибора йўқ. Биз «чақалоқ саломатлиги», «чақалоқ соғлиги» ҳақида кўпроқ гапирамиз ва қайғурамиз.

Инсон боласининг туғилишидан тортиб маънавият пиллапоясига кўтарилгунча бўлган даврлар халқ томонидан илмий бўлмаса-да, ҳаётий тажрибаларга асосланган ҳолда жуда ихчам ва аниқ ўз ифодасини топган. Агар «Чақалоқ маънавияти» эмас, «чақалоқ саломатлиги» ҳақида гапириш жоиз бўлса, мактабгача бўлган болалар ҳақида гап кетганда «болалар одоби» ҳақида кўпроқ гапирилади ва қайғурилади. Болалар саломатлиги, соғломлиги ўз-ўзидан назарда тутилган ҳолда, асосан, болалар одоби, яхши ва ёмон қилиқлари устида қайғуришни билдирувчи «одоб» сўзи ва тушунчаси асосий аҳамият касб этади. Ҳатто «бола одоби» (одобли ва одобсиз, мўмин-қобил ёки тўполончи, қулоғига гап кирадиган ёки кирмайдиган), ахлоқи сингари тушунча-

лар орқали боланинг юриш-туриши ва хулқ-атвориға, пировардида, боланинг шаклланиб келаётган маънавиятиға баҳо берилади.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоизки, боғча болаларидан тортиб мактаб ўқувчиларигача назарда тутилганда уларнинг тарбияли ва ақлий хусусиятларини белгилувчи «одобли», «зеҳнли», «уқувли», «ақлли» сингари сўз ва тушунчалар ишлатилади. Бу сўз ва тушунчалар келажакда шахс сифатида шаклланадиган боланинг маънавиятини белгилашда катта аҳамият касб этади.

Кўпинча мактаб ўқувчиларининг юриш-туриши, тарбияси ва савияси ҳақида гап кетганда ҳам «маънавият» тушунчаси кам ишлатилади. Уларга нисбатан фалончи ўқувчининг «маънавияти юксак» ёки «маънавияти паст» деган иборалар ишлатилмайди. Ўқувчилар ҳақида гап кетса, асосан, уларнинг ахлоқи, тарбияси, яхши ёки ёмонлиги, билими паст ёки баландлиги ҳақида гапирилади. «Маънавият» тушунчаси инсон боласининг балоғат палласи билан боғлиқлиги «талабаларнинг маънавияти», «фалон талабанинг маънавияти» сингари ибораларда кўринади.

Демак, маънавият — инсоннинг маълум даражадаги жисмоний, ақлий, ахлоқий ва руҳий балоғати ва дунёқарашини ифодаловчи тушунчадир. Муҳаммаджон Имомназаров эса маънавиятни бошқача талқин этади: «Маънавият инсон қалбида акс этган илоҳий нур. Олий ҳақиқат нуридир. Шу сабабли инсон кўнглини «ҳақиқат асрорининг ганжинаси» демишдир. Фақат инсон қалби ўзида ҳақиқат нуруни акс эттира олиши учун унга сайқал бермоқ зарур. Зеро, сайқалланмаган кўнглини худбинлик занги, ғараз чирки эғаллаб олади ва бундай инсон руҳиятида жаҳолат ва зулмат устунлик қила бошлайди».

М. Имомназаров маънавиятнинг моҳиятидан кўра кўпроқ оқибати ҳақида тўғри гапиради.

Гарчи маънавият ва маърифат бири иккинчисини тақозо этиб, бири иккинчисини тўлдириб турса-да, ҳаётда маънавияти юксак, аммо маърифатсиз, илмсиз, саводсиз кишиларни учратамиз. Бир неча дипломли, яъни билимли, саводли, маърифатли, бироқ маънавияти тулбан шахслар ҳам бор.

Собир Мирвалиев «Маънавият уфқлари» («Мулоқот» журнали, 1997, 6-сон) мақоласида маънавият тушунчасининг уфқи кенлиги ва маъноси бойлигини

эътироф этган ҳолда уни «одамийлик, инсонийлик мажмуаси, имонли, эътиқодли инсон мақоми деган оддий таъриф билан» кифояланади.

Бу таъриф умуман олганда ҳақиқатдан йироқ эмас ва маънавият «инсонни табиат ва ҳайвонот олаmidан ажратиb, фарқлаб турувчи сўнмас бир нур» эканлигига ишора. «Инсонийлик мажмуаси», «сўнмас нур»... бундай қараганда ушлаб бўлмас «маънавият»нинг ушлаб бўлмас тавсифлари... Масалан, «имонли, эътиқодли инсон мақоми» деган таърифни олайлик. Ҳар бир диндор, динга бутунлай муккасидан кириб кетган ва ўз ҳаёт-мамотини дин ва охират билан ўлчайдиган «имонли, эътиқодли» шахс маънавияти, ҳақиқатан, чин маънодаги маънавият мақомини белгилайдими? Имонли, эътиқодли бўла туриб, бошқа дунёвий фан ва маданиятдан узоқ, диний экстремизм касалига мубтало бўлса-чи?

С. Мирвалиевнинг маънавият бир вақтнинг ўзида «маданият, маърифат ва мафкура тушунчаларини ўзида сингдиради» деган фикрида жон бор. Бу нарса маънавиятни айрим хусусиятлар ва жиҳатлар, белгилар асосида эмас, балки инсонни бир бутун ижтимоий мавжудот тарзида олиб, унинг миллий ва индивидуал қиёфасини белгилаш имконини беради. Маънавият нуқтаи назаридан баҳолаганда ё жамият, ё халқ-миллат, ё шахс маълум қиёфада гавдалантирилади, унинг шахсий, миллий ёки умуминсоний қиёфаси, моҳияти, мазмуни, тарихдаги ўрни ва аҳамияти белгиланади. Ижобий ва ижодий баҳо олган тарихий, миллий ва шахсий қадриятлар маънавият оламининг мулки ҳисобланади. Ана шу маънода Собир Мирвалиев маънавият, маърифат ва мафкура ўртасидаги диалектик алоқадорликни тўғри талқин этади.

Маънавият тушунчаси ўз ичига маданият, маърифат ва мафкура тушунчаларини сингдирса-да, у анча кенг маънони қамрайди. «Нега деганда, — давом этади олим, — маънавият инсон ҳали хат-саводли, маърифатли, маданиятли бўлиб улгурмасдан олдинроқ унинг тили, онги, тафаккури билан дунёга келади. Одамийлик, инсонийлик каби асосий сифат белгилари, фазилатлари шакллана боради. Соддароқ қилиб айтганда, инсон оққорани, яхши-ёмонни, хунуклик ва гўзалликни англай бошлайди. Табиатга, жонзотга ва дунёга қизиқиш уйғонади. Зеро, маънавият қандайдир бир жонзот ёки бирор бир махлуқот белгиси бўлмай, балки ҳазрати

Инсоннинг сифат, инсонийлик даражаси, одамийлик унвони бўлиб барқарорлашади». Маънавият ва маданият эгизак ва муштарак тушунчалардир. Инсонда онг шаклланиб, «тил»нинг пайдо бўлиши маданиятнинг илк қадамлари. Одамзот ҳали маърифатли бўлмасдан, «ўқиб ёза билмасдан» аввал расм чизишлари, куй ва диний расм-русумларни бажо келтиришнинг ўзи маданиятнинг дастлабки шаклланиш ва ривожланиш давридан дарак беради. Сўнгра, инсоният ўз тарихий тараққиёт йўлига тушиб олгач аста-секин маърифатли бўла бошлайди ва маданиятнинг юксак поғоналарига кўтарилади. Бу жараён, шубҳасиз, маънавиятнинг маданият ва маърифатдан ажралмаган ҳолда бирга ва ўзаро алоқадорликда бўлишини, маълум дунёқараш билан мустаҳкамланишини тақозо этади.

Маънавият билан мафкура орасидаги алоқадорлик ҳам мураккаб. Олим «маънавиятга қараганда мафкура тор тушунча, у айрим синф ва сиёсий партиялар, гуруҳларнинг қарашлари йиғиндисидир» деганда ҳақ.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, маънавият, юқорида зикр этилгандай, ўз ичига мафкурани, яъни дунёқарашни ҳам олади, демак «маънавият мафкурасиз яшай олади» деб бўлмайди. Инсон борки, унинг маънавияти бор, бу маънавият унинг маданияти, маърифати ва маълум мафкурага, дунёқарашга эътиқодини белгилайди.

Ҳақиқатан, мафкура маънавиятга нисбатан тор тушунча бўлса-да, у доимо сиёсий, фалсафий ва юридик тизимлар қўлидаги қурол бўлгани учун ўзида реал куч имкониятларини жамлайди ва маънавиятга тез ва дадил таъсир қилиш хусусиятига эга. Агар мафкура миллат, мамлакат тараққиётининг объектив қонуниятларини назарда тутмаган, шахсий майл, субъективизм, тарафқашлик ёхуд антигуманистик ғоялар билан суғорилган бўлса, умуммиллат ва мамлакат маънавиятини таназзулга томон етаклаши мумкин. Шунинг учун маънавият ва мафкура алоқадорлигида инсонийлик ва инсонпарварлик, шахс, миллат ва жамият тараққиёти асосий мезон қилиб олинсагина мафкура маънавиятга хизмат қилади. Агар мафкура маънавият устидан зўравонлик қилса ёки унга ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш воситаси сифатида муносабатда бўлса маънавиятнинг объектив ва эволюцион тараққиётига путур етказилади.

Собир Мирвалиев маънавият тушунчасини атроф-

лича тушунтиришга ҳаракат қилади ва диққатга сазовор мулоҳазалар билдиради:

«Маънавиятсиз шахс бўлмайди. Бироқ, у кимдодир сустроқ, ўртачароқ, кимдодир юксакроқ бўлиши мумкин... Умуман амалда маънавият тушунчаси ҳам умумий, яхлит ҳолда (масалан, жамият маънавияти), ҳам якка тарзда мавжуд бўлади. Яъни, ҳар бир шахс, ҳар бир оила, ҳар бир жамоа ва, ҳатто ҳар бир касб-ҳунар эгасининг ўзига хос шаклланган маънавияти бўлади».

«Маънавият» тушунчаси ва масаласи кўриниб турмайдиган ва ушлаб бўлмайдиган, бироқ ботинан жамият ва инсонлар онги, шуури ва фаолиятида амал қиладиган шундай руҳий қадриятки, уни бошқариш умуман жамият ва инсонларни ўзгартиришга, жамиятни инсон манфаатлари нуқтаи назаридан қайта қуришга ва инсонпарварлик ғояларининг амалдаги ифодасига боғлиқ бўлади.

«Маънавият» тушунчаси «ҳаёт», «олам», «муҳаббат», «ўлим» ва ҳоказо тушунчалар сингари кенг маънога эга. «Бахт уйлари» ташкил этиш мумкин. У ердан никоҳ қоғозлари олинади, аммо муҳаббат тортиқ этилмайди; ҳар ким «ўлим» ҳақидаги тушунчага эга, аммо ўлмасликка эришиш қўлидан келмайди; «маънавият» ҳам Ислом Абдуғаниевич Каримов айтганларидай, худди «ҳаёт», «олам», «муҳаббат» ва «ўлим» тушунчалари сингари бепоён Оламдир.

Маънавият одам боласидан табиат манзараларига-ча, кийимдаги тугмача рангидан бадий ва илмий салоҳият меваларига-ча, диний эътиқоддан фалакиёт мўъжизаларига қадар инсон қалбига, онгига, тасаввурига ва дунёқарошига таъсир этадиган моддий ҳамда руҳий қадриятлар мажмуасидан ташкил топади.

Шунинг учун маънавиятни жамиятнинг умумий маданий, маърифий ва мафкуравий такомилдан алоҳида ажратиб олиб бўлмайди. Маънавиятни юксалтириш учун жамият ва мамлакат миқёсида жуда кўп алоҳида-алоҳида тузилмалар, жараёнлар ва фаолиятларни тўғри йўлга қўймоқ, юксак маънавият учун муҳит ва шароит яратмоқ, унинг ибрат тимсолларини рағбатлантириб, умумжамиятни инсонийлаштириб бормоқ зарур. Наникинги маънавиятни юксалтириш мақсадида «Маънавият» деган алоҳида нашрлар ташкил этган билан ҳамма маънавиятли бўлиб қолмайди.

Ғ.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, «Ёзувчи», «Меҳнат», «Медицина», «Фан», «Шарқ»,

«Ўзбекистон» нашриётларининг фаолияти маънавийт эмасми? Фалон журнал маънавийт ва маърифат масалаларига бағишланади дейиш ҳам нотўғри. Наҳотки барча газета ва журналларнинг умумий фаолияти маънавийт ва маърифат масалалари бўлмаса?

Мана ҳозир барча ўқув юртларида маънавийт масалалари бўйича проректорлар таъсис этилди. Бу яхши. Лекин асрлар мобайнида шаклланган, инсон маънавийтини тадқиқ этиб келган этика, эстетика, психология, маданият ва санъат назарияси ҳамда тарихи сингари ўз предмети ва вазифаларига эга бўлган фанларни камситиб ёки бу фанларни талабаларга етказувчи кафедралар ўрнига, умуман, «маънавийт» деб аталадиган кафедрани очган билан иш битмайди. Чунки «физика», «химия», «математика», «биология» кафедралари ёпилиб, уларнинг ўрнига «фан» деган умумий кафедра ташкил этиш мумкин эмас.

Амалиётда ҳар бир фаннинг ўз ички бўлинма ва муаммоларини ўрганувчи тармоқлари алоҳида-алоҳида кафедралар орқали талабаларга етказилади. Фан тармоқлари умумийликдан кўра алоҳидалик орқали ҳақиқат сари яқинлашиб боради ва шу тариқа одамзодда «фан» ҳақида, гуманитар ва аниқ фанлар, тарихий ва замонавий илмий изланишлар бўйича тушунча, тасаввурлар вужудга келади. «Маънавийт»ни ҳам алоҳида фанлар, ижод турлари ва фаолиятлари орқали ўргатиш ва ўрганиш уни мавҳум ҳолда тасаввур этишдан кўра минг марта фойдалироқ ва мақбулроқдир.

Мана шунинг учун «маънавийт» деб аталмиш тушунчани ўрганиш ва амалиётини тасаввур қилишнинг қийинлигидан қайси соҳа одамлари маънавийтдан оғиз очса ўз соҳасини маънавийтнинг асоси қилиб кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Рухонийлар диний эътиқодни маънавийт асоси деб тушунтирмоқдалар, ижодкорлар маънавийтни адабиёт ва санъатдан баҳраманд бўлишда деб биладилар, олимлар илмсиз одам маънавийтсиз бўлади, деган тасаввурда, маънавийт ва маърифат асослари бўйича олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун дастур тайёрлаган муаллифлар маънавийтга таъриф беришга ва унинг таркибий қисмлари ҳақида фикр билдиришга ҳаракат қиладилар. Улар «Ахлоқий, бадиий, диний ва миллий қадриятлар маънавийтнинг энг қадимий таркибий қисмлари» эканлигини тасдиқлайдилар.

Аввало, маънавийтнинг таркибий қисмлари юқори-

да санаб ўтилган соҳа, ҳодисалардан кўра кенг ва кўп. Иккинчидан, «миллий қадрият» тушунчаси ўз ичига шу миллатнинг ахлоқий, бадиий, эстетик, диний «тушунча ва тасаввурларни ҳам қамраб» олади.

«Маънавият» тушунчасини таърифлашга ҳаракат қилган муаллифлар янада мавҳумлик ва чалкашликка йўл қўядиларки, бу нарса масаланинг бошдан нотўғри қўйилиши билан боғлиқ. Бу нарса ушлаб бўлмайдиган нарсани ушлашга, кўринмаётган нарсани кўришга, тушуниб етилмаган нарсани тушунишга иштиёқдан бўлак нарса эмас. Бу нарса мураккаб ижтимоий ҳодисага ҳаваскорлик билан муносабатда бўлишдан бўлак нарса эмас!

Агар маънавиятнинг таркибий асослари ҳақида гап кетар экан, нега тарих, фалсафа, эстетика, психология, маданият, урф-одатлар, анъаналар, билим ва маърифат ва ҳоказо ва ҳоказолар ҳақида гапирилмайди?

Гап шундаки, биз юқорида эслатиб ўтгандай, ким қайси соҳа бўйича мутахассис бўлса шу соҳа маънавиятнинг қадимий ва асосий таркибий қисми деб мулоҳаза юритмоқда. Бундай ҳолда «маънавият»нинг моҳиятини тушуниб ҳам бўлмайти, унинг маълум зарур нуқталарига урғу бериб такомиллаштиришнинг имконияти ҳам қолмайди. Чунки ҳолва деган билан оғиз чучимайти, ҳолвани кўрмоқ, тайёрламоқ ва емоқ зарур. Ана шунда яхши ва ёмон тайёрланган ҳолва ҳақида тасаввур туғилади. Асосий мақсад «маънавият» деб аталмиш умумий ва яқинлашганинг сари кенгайтиб ва узоқлашиб борадиган тушунчага тўн бичиш эмас, уни конкретлаштирадиган, зоҳиран фаолият, қадрият тарзида амал қилишга имкон берадиган шароит, муҳит ва тарбия йўлларига эътибор қаратилса ёмон бўлмас эди. Наинки Президентимизнинг маънавият бўйича барча фикр-мулоҳазалари ана шу томонга жалб этилган.

«Маънавият» тушунчасининг тарихан ривожланиб, инсоннинг табиат, жамият ва одамзодни идрок этиш эволюцияси ва салоҳияти сифатида шаклланиб, фақат инсонга хос руҳий қадрият тарзида амал қилишини унутмаган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, бу тушунча XX асрда мазмунан анча кенгайтиди ва дунёвийлик касб этди. Бу ҳақда Абдураҳим Эркаев «Гулистон» журналининг 1997 йил 2-сонида чоп этилган «Маънавият тушунчаси ҳақида фараз» мақоласида ёзади: «Рус тилида бизнинг «маънавият»га «духовность» тушунчаси мос келади. Лекин «духовность» ўзбек тилига айнан ағда-

рилса, «маънавият» эмас, «руҳият» ёки «руҳоният» бўлади. Демак, «маънавият» «духовность» тушунчасининг калкаси—айнан нусхаси бўлмасдан, балки эквивалентидир.

Бизнинг тилимизда бу тушунчанинг дастлабки шаклланишиёқ рус ва Европа тилларидагига нисбатан бошқача кечган. «Духовность» асосида «дух» тушунчаси ётибди. «Дух» яҳудий ва христиан анъаналарига кўра икки мазмунда қўлланилади: 1) руҳ ва 2) нафас. Ҳар икки мазмун ҳам худога бориб тақалади. Демак, руҳ — худонинг нафаси, инсоннинг жони, ҳаёти, ички дунёси, қалби. Тавротнинг 2-боби 7-оятида шундай дейилган: «Худованди Карим ернинг тупроғидан одам ясаб, унинг димоғига ҳаёт нафасини пуфлади. Шу йўсинда одам тирик жон бўлди».

А. Эркаевнинг таъкидлашига кўра, XX асрда «руҳоният» («духовность») тушунчаси анча кенг маънода ишлатила бошланди. Руслар «духовность» тушунчасининг кўпроқ руҳонийлар билан боғлиқлиги туфайли «духовная культура» иборасини ишлата бошладилар. Бу билан улар моддий маданиятдан фарқ қилувчи маънавий, руҳий маданиятни кўзда тутдилар. Ўзбекчага ўтирилган «духовная культура», «руҳоний маданият» каби тор ва диний қобиққа эмас, «маънавий маданият» тарзида кенг маъно ва мазмун касб этади. «Совет даврида моддийликка кирмайдиган барча ижтимоий ҳодисалар мажмуи «маънавий маданият» деб аталди. Булар — илм-фан, фалсафа, ахлоқ, ҳуқуқ, дин, таълим-тарбия, оммавий ахборот ва тарғибот, мафкура, урф-одатларнинг мафкура ва эътиқод билан боғлиқ жиҳатлари ва ш. к. Бундай кенг талқиндаги «маънавий маданият», табиийки, «маънавият» тушунчасини бойитди ва унга нафақат диний, шунингдек, ва кўпроқ дунёвий мазмун бахш этди».

А. Эркаев тарихий ва фалсафий манбаларга мурожаат этади ва «маънавият»нинг этимологик мазмунини аниқлашга ҳаракат қилади, ҳақиқатга яқин ўз фарзларини келтиради.

А. Эркаев «маънавият»нинг икки ўзаги ҳақида фикр юритади:

биринчи ўзаги — арабча «маъно»ни англатса, иккинчиси — қадимги ҳинд фалсафасининг «маънас» тушунчасига бориб тақалади.

Шарқ фалсафаси тарихидаги муътазилийлар таълимотига кўра табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодиса-

ларнинг, руҳоният оламидаги сиру асрорларнинг моҳияти «маъна» тушунчаси билан изоҳланган.

Шундай қилиб, А. Эркаев фаразига кўра муътазиллийлар илк бор исломда қадимги юнон фалсафаси ва мантиқнинг услубларини қўлладилар ҳамда ислом фалсафасининг кўплаб атамаларига, шу жумладан, маънавият тушунчасининг ўзаги «маъна»га атама сифатида асос солдилар.

Қадимги дунё моддий ва маънавий маданияти бири-бирига таъсир қилгани ва ўзаро яқинлашув ҳамда бирикув асосида муайян муҳит ва иқтисодий шарт-шароитларга мослашган ҳолда ривожланиб боргани маълум. Ана шу маънода Ҳиндистоннинг қадимги маданияти, фалсафий тушунча ва атамалари Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари дунёқараши, тили ва маданиятига таъсир қилган бўлиши табиий. Жуда кўп тарихий воқеа ва мисоллар шундан далолат беради.

Тарихий таққослар асосида А. Эркаев «маънавият» тушунчаси шаклланишида «маънас» тушунчаси ўз ҳиссасини қўшган, деган фаразга келади: «Маънас» санскрит тилида «ақл» дегани. Қадимги ҳинд фалсафасининг арконий тушунчаларидан бири сифатида у онгнинг барча кўринишларининг, барча ҳолатининг ва барча фаолиятининг — ақлнинг, фаҳм-фаросат, ҳиссиёт, туйғулар, сезгиларнинг, ироданинг, ижоднинг ва ҳ.к.нинг манбаидир. У танага оид ҳисобланади ва тана билан бирга пайдо бўлади ва ўлади. Маънас, «Ригведа»га биноан, қалбда жойлашган».

Кўриниб турибдики, «маънавият» тушунчасининг моҳияти иккита иддиз (арабча «моҳият», ҳиндча «қалбадаги ақл») билан боғланади.


Бу иккала тушунчаларни бирлаштирувчи «маънавият» тушунчаси тарихан гоҳ торайиб, гоҳ кенгайиб боради ва бизнинг замонамизда инсоннинг бутун ақлий ва ҳиссий оламини қамраб олувчи тасаввурий қадрият тарзида шаклланади.

Бизда «маънили одам» ва «бемаъни киши» деган иборалар мавжуд. Агар чуқур мулоҳаза этилса, бунда гап фақат одамнинг ақлли ёки нодон эканлиги устида бормади. «Маънили одам» нафақат ўз ақли, заковати, билими ва идроки, шунингдек, диди-фаросати ва тарбияси билан ҳам ажралиб туради. «Бемаъни одам» ҳам ўзича ақлли, зийрак ва уддабурон бўлиши мумкин. Бироқ унинг қиёфасида тутуруқсизлик, беорлик ва бевандишаллик устунлик қилади. Қисқаси, шахснинг инсон

сифатида одамлар орасидаги ўрни, мавқеи ва хатти-ҳаракатлари унинг маънавиятини намоён этади. Тасаввурда туфилган образ, туйғу, шуур ва тушунчаларни бевосита «ушлаб» бўлмаганидай, «маънавият» ҳам бепоён макон хусусиятига эга бўлгани учун унинг аниқ-ўлчови ва чегараси йўқ. Унинг мазмунини аниқлаш ва таърифлашнинг қийинлиги шундаки, маънавият «олам», «ҳаёт», «севги», «ўлим» сингари бепоён тушунча бўлиб, онг ва қалбда макон топиб, ёруғ дунёда руҳий қадрият тарзида конкретлашиб, моддийлашган-инсонийлашган ҳолдагина кўзга ташланади. Инсон, муайян жамият ва миллат эҳтиёжи нимани устувор санаса маънавият оламида ана шу нарсалар кўпроқ аҳамият касб этади. Маънавиятнинг тарихийлиги ҳам шунда. У бепоён «қалб ақлининг» маҳсули сифатида ўзининг азалий ва абадий хусусиятларига эга.

Бироқ ҳар бир юрак севгини янгилаганидай, ҳар бир давр, миллат ва мамлакат маънавият оламига ўз эҳтиёжи ва мақсади асосида муносабатда бўлади.

Агар алоҳида шахс маънавияти устида гап кетса мазкур шахс қалбининг ақллилик даражаси, маърифий маданияти кўзда тутилади. Миллат маънавияти эса ўтмиш ва замонавий маънавий қадриятлар, миллий анъаналар оламини қамраб олади. Мамлакат маънавияти эса табиий, ижтимоий-фалсафий, адабий-эстетик, диний ва сиёсий қадриятлар инсонийлашуви билан белгиланади. Ана шу тариқа одамзоднинг табиат ва жамиятни инсонийлаштириш даражаси, ижодкорлик туйғуси, илмий, диний, сиёсий, фалсафий, ахлоқий, ҳуқуқий, бадий ва эстетик тасаввурларининг, мафкура ва дунёқарашининг мезони сифатида «маънавият» тушунчаси шаклланиб ҳамда ривожланиб боради. Шунингдек, ҳар бир одамнинг ўз «мен»и бор. Бу «мен» кўпинча яширинган ва қалб қаърида ётади. Ана шу «мен»нинг мазмуни, моҳияти ва йўналиши билан мазкур шахс маънавияти ойдинлашади. Инсон «мен»и унинг «маънавияти»ни ифодалаган тақдирдагина «маънавият» «мен» билан муштарак мазмун касб этади. Ҳар қалай, одам моддий мавжудот бўлгани ҳолда «мен» ва «маънавият» моддий бўлмаган, аммо моддийлашиш, инсонийлашиш даражасига қараб қадрият тарзида кўзга ташланади. Инсоннинг асл инсоний моҳиятини белгиловчи «мен» бу ўринда «маънавият»нинг эквиваленти ҳам бўлади. Қачонки киши ўз «мен»ини тасдиқламоқчи ёки таъкидламоқчи бўлса, у албатта «маънавият»ини ҳам



ошкор этади. «Маънавият»сиз «мен» ўзини тасдиқлай олмайди. Жамият «мен»и ҳам шахс ва миллатнинг ёзма ва оғзаки, қадимги ва ҳозирги, иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маънавий қадриятлар мажмуасидан ташкил топади.

И. А. Каримов маънавият моҳияти ҳақида шундай деган эди: «Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У — инсон учун бутун бир Олам... Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик — маънавиятнинг маъноси ана шундай жуда кенг. Инсон уни Инсон даражасига кўтарадиган асосларнинг асосини ўз ақли билан том маънода қамрай олмайди. Инсон ўзини халқининг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади. Бизнинг одамларимиз Ватандан узоқлашганда жуда изтироб чекадилар, чунки уларнинг маънавият чашмаси гўё узоқлашиб кетгандек бўлади. Шунинг учун ҳам халқ Ватандан йироқликни офир қабул қилади, чунки унда ҳар бир қадрдон киши учун қайғурадиган умумий қалб бор»¹.

Маънавият ана шундай миллат ва шахснинг бутун инсоний фаолияти ва идеалларини қамраб олувчи универсал тасаввур. Маънавият шахс ва миллатнинг «ақли қалби»ни ифода этадиган, тарих тақозосига биноан унинг турли томонлари намоён бўладиган, табиат, жамият ва инсоннинг инсонийлашув даражасини билдирадиган руҳий идрок, зийрак қалб Оламидир.

2. МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ

Ҳақми ё ноҳақми маълум муддат қамокхонада бўлиб, у ердан озодликка чиқиб олган одам ҳолатини кўз олдингизга келтиринг: унинг кўзига ва ўзига дунёда озодликдан бўлак бахт ва неъмат бўлмайди. Оддий нафас олишдан тортиб, кўчада истаган томонга кета олиш ва истаган одам ёнига бориб савол-жавоб қилиш унга улкан бир бахт бўлиб туюлади.

Агар бир одамнинг озодлиги шунчалик буюк ҳик-

¹ И. А. Каримов. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». Тошкент, «Ўзбекистон», 1993, 78-бет.

мат бўлса, миллат ва мамлакат эркинлиги, мустақиллигини нима билан қиёслаб бўлади? У денгиздай қудратли, осмондай чексиз, тоғлардай азалий жавоҳирона неъматмикан?

Миллат ва мамлакат мустақиллигини таърифлашдаги тил ожизлиги, дил қувончларининг чексизлиги ана шу неъматнинг юки оғир ва қадри беқиёс эканлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси ана шундай неъматни 1991 йил 31 августдан эътиборан ўз қўлига киритди.

Соат милларининг тинимсиз ва орқага қайтмас юриши, одамларимиз юрак уришларидаги шуурий ҳапқирришлар мустақиллик шарофати билан ўлчана бошлади.

Бундай мустақиллик нашидасини тотиб кўриш учун айрим халқлар қирғинбарот урушларни, инқилобий бўҳронларни ўз бошидан кечирган бўлсалар, халқимиз унга тинч йўл билан эришди. Ана шу тинчлик ва осойишталикни сақлаб қолган ҳолда мустақилликни мустаҳкамлаш ва халқимиз истиқболини белгилаш вазифаси кун тартибига қўйилди. Ҳамма жиҳатдан синов ва кураш даврида юртбошимиз ўз ижтимоий тараққиёт йўлимиз борлигини ўртага ташлади.

Бу ҳам жуда катта воқеа бўлди. Айрим мамлакатлар ривожланган давлатлар андозасини қабул қилган, айрим раҳбарлар боши берк кўча олдида иккиланиб қолган пайтда Ўзбекистон ўз тараққиёт йўли борлигини баралла айтди. Тарихий жараён олдидаги бундай дарак, балки айрим сиёсий арбоблар ва мамлакатларда турлича кайфият уйғотган бўлиши ҳам табиий. Бироқ ўтган мустақиллик даврида олиб борилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ислоҳотлар илк қадам ташлашдаёқ ўз йўлимизни тўғри белгилаб олганимиздан дарак берди.

И. А. Каримов XII қақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида (1992 йил 2 ва 3 июлда сўзлаган нутқида) мамлакатимиз истиқболининг ўз тараққиёт йўлини кўрсатиб берди.

Булар нималардан иборат эди?

Мустақиллик туфайли халқимиз ўз миллий бойлигига (ер ости ва ер устидаги моддий-маънавий қадриятларга) абадулабад эга бўлди. Демократик жамият қуриш йўлидаги мафкуравий яккаҳокимлик тизими тугатилди, кўшпартиявийлик ва ғоялар хилма-хиллигига имконият яратилди, умумбашарий қадриятлар усту-

ворлиги, инсон эркинлиги масалалари кун тартибига қўйилди. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳоқимияти ваколатларини таъминлаш принципи изчиллик билан амалга оширила бошланди.

И. А. Каримов 1993 йил 12 февралда «Комсомольская правда» газетаси саволларига берган жавобида Ўзбекистоннинг танлаб олган ўз тараққиёт йўлининг мазмуни ва моҳиятини очиб берди:

а) иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги ва бунда иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши; б) давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши; в) қонуннинг ҳамма нарсадан устун туриши; г) кучли ижтимоий сиёсатни ҳаётга тадбиқ этиш; д) бозорга босқичмасосқич ўтиш.

Мустақиллик истиқболини ифодаловчи бу принциплар халқимизнинг янги уй қурмай туриб, эскисини бузма деган доно нақли асосида амалга оширила бошланди. Натижада инқилобий сакрашларсиз, мақсад сари қадам-бақадам ҳаракат асосида тараққиётнинг эволюцион йўлини танланган ҳолда мустақиллик мустаҳкамлана бошланди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида миллий-тарихий турмуш тарзини ҳисобга олиш жоиз.

Социалистик жамият қуриш пайтида юқорида тилга олинган миллий ижтимоий омилар иккинчи даражага ўтиб қолган эди. Миллат мустақиллиги тилда эътироф этилса-да, умумий абстракт социалистик ижтимоий ҳодисалар устуворлиги кўзда тутилиб, ҳар бир миллатнинг тарихан ташкил топган турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналарини йўқотиш, уларнинг ўрнига ягона, умумий ҳаёт тарзини вужудга келтириш ҳаракати ҳукмрон эди.

Мустақиллик шарофати билан халқимизга азалдан хос бўлган жамоа туйғуси барча ишларимизда қўл келиши назарда тутилди. Тўйда ҳам, азада ҳам бир-бирининг ёнида турадиган, одамгарчиликни ҳамма нарсадан устун қўядиган халқимиз урф-одатларини қўллаб-қувватлаш имконияти вужудга келди.

Халқимизнинг энг ноёб фазилатларидан бири — у ҳеч қачон бир миллатни иккинчи миллатдан юқори кўрмаган; ўз қўни-қўшни ва танишлари бўлган бошқа миллат вакилларига ўғай кўз билан қарамаган, аксинча, ўзида бор бўлган барча ноз-неъмат, меҳр ва мурувват билан ўзгаларни баҳраманда қилган. Мана шу фазилатларсиз мустақилликни мустаҳкамлаб, миллий истиқ-

лолга эришиб бўладими? Республикамизда яшовчи барча миллат ва элатларни ўз маданияти ва анъаналарини бемалол тараққий эттиришга барча шарт-шароитларни яратилиши бунга яққол далил бўла олади.

Шунингдек, она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат халқимиз эътиқодига айланган. Халқимиз, мабодо тақдир тақозоси уни мажбур қилмаса, ўз хоҳиши билан ҳеч қачон она заминни ташлаб кетмаган. Шу замин, шу Ватан ҳавоси, нафаси билан яшаш халқимиз қони ва тирикчилигини таъминлаб келган.

Саводсиз ва қолоқликда айбланиб келинган халқимиз аслида илм-фан, маърифат ва маънавият, ахлоқийлик ва гўзаллик намуналарининг шайдоси бўлган. Илмли кишилар, санъаткор ва ҳунармандлар доимо иззат-икромда, халқ қалбининг тўридан жой олганлар.

Асрлар мобайнида халқимизнинг имон ва эътиқодини белгиллаган поклик ва софлик, бефаразлик ва олийжаноблик фазилатлари диний сарқит тарзида қораланган эди. Оталар билан болалар, оналар билан қариндош-уруғлар, миллат билан мамлакат ўртасидаги покланиш туйғусини тарбияловчи динимизнинг ижтимоий моҳияти қайта халқ орасига таралди.

Ўзбекистон Парвардигори Оламнинг меҳри тушган мамлакат. У тарихан Ипак йўли қарвони ўтган, ўз иқлим шароитлари, моддий-маънавий бойликлари жиҳатидан ажралиб туради.

Ана шундай бойликларга эга бўлган мамлакатнинг ўз тараққиёт йўлини ўзи белгилаши ва унга оғишмай амал қилиши табиий эди.

Бу йўлдан дадил қадам ташлаш учун ғов ёки тушов бўладиган омиллар бормиди? Ҳа, бор эди. Бу ижтимоий онгда, одамлар психологиясида шаклланиб қолган айрим хусусиятлар эди. Мамлакатни бозор иқтисодиётига мослаб ислоҳ қилиш жараёнида ана шу психологик ғовларни олиб ташлаш ва одамлар онгини ўзгартириш асосий вазифалардан бири бўлиб қолди.

Биринчи навбатда одамлардаги боқимандачилик кайфиятини йўқотиш керак эди. «Кишилар онгига ижтимоий тенглик тушунчаси, яхши ишласам ҳам, ёмон ишласам ҳам давлат барибир боқади, деган мафкура кириб қолган. Бундай ёндашиш кишилардаги ташаббусни бўғиб қўйди. Ҳамма нарса — давлат мулки, деган ақида одамларнинг миясига сингдирилиб, кишилар муқдорлик, эгалик туйғусидан бегона бўлиб қолган. Ўз мулки ва молига эга бўлмаган одамнинг иш деб жон

куйдириши жуда қийин»¹. Ана шундай шароитда одамлардаги ташаббус ва ғайрат, шижоат ва ижодкорлик туйғуларини қўллаб-қувватлаш, янги ижтимоий онг, психологик кўникмаларни вужудга келтириш жуда катта аҳамият касб этди.

Бошқа мамлакатларда узоқ йиллар, ҳатто асрлар мобайнида шакланган бундай маънавий кўникмалар қисқа вақт ичида халқимиз руҳига сингдирилиши ва рағбатлантирилиши зарур бўлди. Бунинг учун халқчил, адолатпарвар жамият вужуга келтириш зарурияти туғилди.

Мамлакатимизда қарор топган мустақиллик, биринчи навбатда, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда устувор йўналишларни белгилаб олишни талаб этди: қишлоқ хўжалигига етакчи тармоқ сифатида қарала бошланди. Халқимизнинг кўпчилик қисми қишлоқда яшаган ва барчани тўйдириб, кийдириб келаётган инсонлар турмуш ва меҳнاتини янгича мезонлар асосида уюштириш лозим бўлди. Бунинг учун фермер хўжалигига кенг имконият яратилди, деҳқонлар даромад ва қўшимча қиймат солиғидан озод қилинди, улар ҳосилининг ярмини келишилган нарҳда сота бошладилар; мулкчиликнинг барча шаклларига эрк берилди, шахсий ташаббус ва ишбилармончиликка кенг йўл очилди. Бу нарса одамлар онгидаги боқимандачилик тушунчаларига, лоқайдлик ва танбалликка барҳам бера бошлади; иқтисодни жонлантириш учун корхоналарни хусусийлаштириш ишига жиддий киришилди, одамларга, хўжаликларга иқтисодий эркинлик бериш тамойили ишлаб чиқилди.

Дунёда бир-бирига ўхшайдиган ва бир-бирининг феълү атворини айнан такрорлайдиган одамлар бўлмаганидек, иккита бир-бирига ўхшаш давлат ҳам бўлмайди. Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини белгилашда ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасига, халқимизнинг миллий, тарихий мероси, турмуш тарзи, анъаналари ва маънавий-руҳий хусусиятларига таянган ҳолда ижтимоий турмушни шаклантиришга ҳаракат қилмоқда.

Бу йўл Ўзбекистон халқининг муносиб турмуши, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш, миллий анъаналари ва маданиятининг қайта тикланиши,

¹ И. А. Каримов. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». Тошкент, «Ўзбекистон», 1993, 13-14-бетлар.

инсоннинг шахс сифатида маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлашга қаратилган.

Ана шу тариқа мустақил Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш давридаги стратегик мақсад ҳамда вазифалари белгиланди ва аста-секин босқичма-босқич амалга оширила бошланди.

Бозор муносабатларига ўтиш ниҳоятда мураккаб ва ўз ичига жуда кўп муаммоларни қамраб олишини аниқлаган И. А. Каримов XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессияси минбаридан туриб маънавият масалаларига ҳам жиддий муносабатда бўлиш зарурлигини уқтирди: «Бозор муносабатларига ўтиш, — деди у, — кўр-кўрона мақсад эмас, балки иқтисодни ўнглаш, жамиятни янгилаш йўли.

Демократик давлат қурмоқчи эканмиз, энг аввало, ижтимоий адолат принципларига содиқ бўлиб қолишимиз керак. Агар бозор етим-есирларнинг, қариялар ва камбағал-ночор одамларнинг кўз ёши эвазига қуриладиган бўлса, бунақа бозорнинг уйи куйсин.

Юксак маънавий бурчлар кеча ёки бугун ўйлаб топилган эмас. Улар инсониятнинг минг йиллик тарихи, ота-боболаримизнинг неча-неча авлодлари тажрибаси давомида юзага келган.

Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан қувсақ-да, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса — бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ!»¹

Шунинг учун мустақилликнинг биринчи куниданоқ, маънавият масаласи энг зарур ижтимоий масала сифатида кун тартибига қўйилди.

Одамларнинг моддий эҳтиёжларини таъминлаш билан баробар уларнинг маънавий қиёфаларини унутмаслик кераклиги Президентимиз томонидан қайта ва қайта огоҳлантирила бошланди: «Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак, дейдиганлар ҳақ бўлмасалар керак. Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Нафақат кўҳна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради.

Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маб-лағни аяш ўз келажагига болта уриш демақдир»².

¹ И. А. Каримов. Ўша асар, 25-бет.

² И. А. Каримов. Ўша асар, 79-бет.

Демак, мустақиллик ва маънавийят бир-биридан ажралмайдиган, бири иккинчисини тақозо этадиган буюк мақсад сифатида қарала бошланди. Миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун халқимиз қалбига яқин қадриятларга бўлган муносабатни ўзгартириш, яъни ўтмиш маданий-маънавий қадриятларимизни рўёбга чиқариш, миллий онгни ўстириш, диний-руҳоний покланишимизга шарт-шароит яратиб бериш, ноҳақ жабрланган сиймолар номини юзага чиқариш, анъанавий қадриятларни тиклаш олий мақсад қилиб қўйилди. Бинобарин, мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш биринчи навбатда меҳнатсевар ва бадавлат, маънавий етук ва маданиятли кишиларни шакллантиришга қаратила бошланди.

Бу жараённинг сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий-маънавий соҳалардаги аҳамияти Президентимиз томонидан ҳар томонлама асослаб берилди.

Сиёсий соҳада:

— халқнинг турмуш тажрибасига, республика аҳолисининг миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократия принципларини қарор топтириш;

— қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш; барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устуворлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳолининг хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлат барпо этиш;

— Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир, деган инсонпарварлик ва ватанпарварлик қоидасини рўёбга чиқариш;

— бир мафкурани, бир дунёқарашнинг яккаҳоқимлигидан қатъиян воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олиш;

— кўп партиявийликни амалда шакллантириш.

Иқтисодий соҳада:

— миллий бойликларнинг кўпайишини, республиканинг мустақиллигини, одамларнинг фаровонлигини таъминлайдиган барқарор иқтисодиётни барпо этиш;

- бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шаклантириш, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш, тадбиркорликка эркинлик бериш;
 - мулкчилик шакллариининг ҳуқуқий тенглигини қарор топтириш;
 - корхоналар ва ташкилотларнинг мустақиллигини кенгайтириш;
 - одамларнинг ижтимоий муҳофазалари учун шарт-шароитлар яратиш;
 - табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик вазиятни соғломлаштириш учун курашиш.
- Ижтимоий ва маънавий соҳада:
- инсонпарварлик ғояларига содиқлик;
 - маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш;
 - маданий меросга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлмоқ;
 - ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш;
 - миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш ва Ўзбекистонга қайтариш;
 - қадимги ва замонавий маданий бойликларни библиш ва кўпайтириш;
 - ўзбек тилини ривожлантириш ва бу тилнинг давлат мақомига эришиш;
 - бошқа миллат тили ва маданиятига хурмат билан муносабатда бўлиш;
 - ҳурфикрлик, виждон ва дин эркинлигини қарор топтириш;
 - ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш, одамларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг давлат томонидан кафолатланишига эришиш;
 - янги демократик таълим концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
 - ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароитлар яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилиш;
 - маънавий потенциални илдам ривожлантириш...¹.
- И. А. Каримов бундай маънавий потенциал ўзбекиона оилалар яшаш тарзида ва анъаналарида мавжуд эканлигини, халқимизнинг нафақат ўз оиласи, балки қариндош-уруғлари, яқин одамларини, кўни-қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиши

¹ И. А. Каримов. Ўша асар, 43—48-бетлар.

юксак маънавий қадрият ва инсон қалбининг гавҳари эканлигини таъкидлади.

Мустақиллик ана шундай йўқола бошлаган ёхуд кўринмай қолган инсон қалби гавҳарларини янада ярқираб миллий маънавий қадрият сифатида яшай бошлашига имконият туғдирди.

Ўзбекистон ўз истиқлолининг дастлабки одимларидаёқ халқ манфаатларига жавоб берувчи мустақил ижтимоий-иқтисодий сиёсат дастури билан чиқди. Бу ниҳоятда катта сиёсий жасорат ва башорат эди. Бу сиёсат негизида Ўзбекистонни узоқ йиллар мобайнида хом ашё базаси бўлиб қолган мавқеини ўзгартириш ва ривожланган мамлакатлар сингари ўз мустақил иқтисодиёти ва идеалига эга бўлган мамлакатга айлантириш ётарди.

Асосий мақсад — «Инсон манфаатларига қаратилган меҳнатни рағбатлантириш кучли механизмига эга бўлган ва аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини давлат йўли билан ҳимоя қиладиган бозор иқтисодиётини қуришдан иборат»¹ бўлиб қолди.

Бундай тадбирлар, наинки, одамларда мулкка, хўжаликка хўжайинлик сезгисини, балки она-замин, миллат ва мамлакатга эгалик-хўжайинлик, мансуб-алоқадорлик туйғуларини ҳам кучайтириб юборди. Озодлик ва эркинлик ҳиссиёти инсон имкониятлари ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириб, унга янгича парвоз бахш этадиган маънавий кучга айланди. Бунга эришиш учун бозор иқтисодиётига ўтишнинг янгича усулини қўллаш зарур эди. Президентимиз «Бозор иқтисодиёти сари буюк сакрашлар, инқилобий қайта ўзгаришлар йўли билан эмас, балки собитқадамлик ва изчиллик билан — босқичма-босқич ҳаракат қилиш керак»² лигини уқтирди. Халқни эсанкиратмасдан, мамлакатда алғов-далғов қилмасдан, мамлакатнинг моддий-маънавий потенциали ва ижтимоий-миллий анъаналарини умуминсоний тажрибалар билан бойитган ҳолда янги мустақиллик ўзанига буриб юбориш лозим бўлди. Кишиларнинг тафаккурини, қотиб қолган тушунчаларини ўзгартириш, яъни инсон маънавиятининг янги қатламларини шакллантиришга ва тараққий эттиришга тўғри келди.

Бунинг учун мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари белгиланди:

¹ И. А. Каримов. Ўша асар, 60-бет.

² И. А. Каримов. Ўша асар, 62-бет.

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

— инсонпарварлик ва ватанпарварлик.

Халқимиз асрлар мобайнида ўз маданияти, урф-одатларини қанчалик кўз қорачиғидай сақлаб, турли тарихий бўҳронлар ва талафотлар даврида ҳам миллий қадриятларимиз улуғворлиги ва гўзаллиги устида қайгуриб келган бўлсалар, шунчалик бошқа халқлар ва мамлакатларнинг умуминсоний қадриятларига эҳтиром туйғуси ила муносабатда бўлганлар. Қадимги Эрон, Ҳинд, Хитой ва Юнон маданиятининг юксак намуналарига қанчалик қизиқиш кучли бўлган бўлса, араб ва Европа фалсафаси, адабиёти ва санъатига нисбатан ҳурмат ва эътибор ҳам шунчалик бўлган. Натижада халқимиз онги ва шуурида умуминсоний қадриятларга муносабат ижтимоий ва ҳаётий заруриятга айланган. Халқимиз қалби ва мамлакатимиз сарҳадларидаги дунёга очиқлик ва очиқ кўз билан қараш тарихида Шарқ ва Ғарбни боғловчи Буюк Ипак йўлини бунёд этган, Самарқанд ва Бухоро, Термиз ва Туркистонларни ислом таълимотининг шамчироқларига айланиши бежиз эмас. Ислом динининг дунёнинг кўп мамлакатларида кенг тарқалиши ва иддиз отиши халқлардаги умуминсоний қадриятларга бўлган интилиш ва иштиёқнинг ҳам бир кўринишидир.

Умуминсоний қадриятларни ўзлаштириш совет даврида бошқача тус олган, миллий ўзликни йўқотиш эвазига умуминсоний қадриятларга яқинлашиш ва уларни ўзлаштириш тамойиллари вужудга келган эди.

Мустақиллик эса бундай мураккаб ва хайрли фаолиятнинг ўзлигини йўқотиб бошқа нарсага эга бўлиш сингари бир томонлама тараққиётга чек қўйди. Энди ўз маданиятимиз, қадриятимизни тиклаш, ривожлантириш, яратиш жараёнини умуминсоний қадриятларни ўзлаштириш билан қўшиб олиб бориш имкониятига эга бўлди.

Миллат ва мамлакат тарихи ва тақдирида жуда катта роль ўйнайдиган омил — бу халқнинг руҳини мустаҳкамлаш ва тетиклаштиришдир. Тарихда мисоллар жуда кўп бунга. Ҳар қандай кучли қуролланган босқинчи ҳам охири у бостириб келган мамлакат аҳолиси томонидан зарбага ва ҳалокатга учрайди. Босқинчилик

шиддати билан эркинлик руҳининг фарқи катта. Босқинчилик руҳи жазава ва ур-йиқитлик, ҳадик ва чўчиш билан ёнма-ён келади, эркинлик ва озодликка интилиш, Ватан ҳимояси туйғуси эса узлуксиз ва тонг ёғдуси каби барча қалбларга умидбахш илиқлик, шижоат ва жасорат олиб киради.

Мустақиллик туфайли халқимиз руҳида содир бўлган маънавий ўзгаришларни, руҳий кўтаринкиликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасига айланди.

«Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, — дейди И. А. Каримов, — у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун Инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади. Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради. Табиатга яқинлик, жонажон ўлканинг бениҳоя гўзаллигидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, кучайтиради. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданият ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди»¹.

Маънавият миллат ва мамлакат тақдири билан боғлиқ, инсоннинг табиат ва жамиятга бўлган муносабати мезони экан, уни шакллантириш ва ривожлантириш ҳам объектив қонуният касб этади. Фақат маънавияти юксак одамларгагина миллат ва мамлакат тақдирини ишониш мумкин, фақат маънавияти баркамол инсонларгина ўз она замини ва халқи истиқболини тўғри тушуниб етиши мумкин.

Маънавият тақдирнинг эҳсони ёки туғма бир салоҳият бўлмагани ҳолда унинг камол топиши учун ижтимоий шарт-шароитлар зарур бўлади.

Мустақиллик маънавият такомили йўлини нурафшон айлади. Галдаги вазифа бу нурафшонликда қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилмоқ ва маънавиятнинг янги, юксак миллий хазинасини яратмоқдир. «Бу хазина, — дейди И. А. Каримов, — инсон-

¹ И. А. Каримов. Ўша асар, 78-бет.

га ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди»¹.

Ўзбекистонда мустақилликни мустаҳкамлашнинг мураккаб жараёнлари кечирилаётган шароитда, бир томондан, сиёсий-ижтимоий, иккинчи томондан, иқтисодий ислоҳотлар кенг авж олдирилган пайтда бу тарихий ҳодисалар фидирагини айлантирадиган ва унга куч-мадад бағишлайдиган маънавий маданият масалалари ҳам четда қолмади.

Бунда авваламбор миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклашга алоҳида эътибор берилди. Жаҳон халқлари ўзаро маданий алоқаларида миллий маданият дурдоналари билан алоқа қилишлари, миллий маданият миллатлар тенглиги ва ҳамкорлигини тақозо этиши уқтирилди.

Ҳар бир миллатнинг ўз ўрнини англаши ва жаҳон халқлари орасида мустақил қадрият ва маънавиятини тасдиқлаши мустақилликни мустаҳкамлаш ва шу тариқа умумбашарий идеаллардан, кўп миллатли жамиятимиз маданий анъаналаридан баҳраманда бўлишга ва шу тариқа жаҳон инсонпарварлик маданиятини юксалтириш имкониятига эга бўлди.

Миллатларнинг бирикиб кетиши, яхлит ва ноаниқ, рангсиз-нурсиз маданиятни вужудга келиши ҳақидаги афсона ўрнига ҳар бир миллатнинг ўз миллий қадриятларини тиклаш, шакллантириш ва ривожлантириш тамойили кучайди. Бу нарса таълим системасидаги ислоҳотларни тезлаштиришни тақозо этди. Ўз илмий-техник, бадий-ижодий потенциалига, мутахассис ва ижодкорларига эга бўлмаган халқнинг яратувчилик ва бунёдкорлик соҳаларида келажаги бўлмайди. Мустақил жамият фақат чет эл ёки яқин хорижий мамлакатлар кўмаги-ёрдами, хайрихоҳлиги ва ташаббуси билан илгари боролмайди. Ўзимиздан мустақил ва ижодий фикрлай оладиган ёшларни вояга етказмоқ ва уларни жаҳон цивилизацияси, маданияти ҳамда маънавияти ютуқларидан баҳраманда этиш билан мамлакатимиз маданий-маънавий потенциалини оширишимиз зарур эди, худди шундай қилина бошланди.

Шунингдек, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг

¹ И. А. Каримов. Ўша асар, 79-бет.

қўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ҳар бир фуқаро, ҳар бир шахс ва инсон ҳаёти ва келажагига қаратилганини ҳис қилиш зарур эди. Халқимиз бунини тез англаб етди. Халқимиз мустақил давлат, мустақил Ватан ва эркинлик билан фахрлана бошлади. Бу фахрланиш туйғуси маънавий оламида силжиш ва ўзгаришларга туртки бўлди.

Мустақиллик шахс билан жамият ўртасидаги муносабатларни янгиледи. Миллий манфаатлардан ўзга мақсади бўлмаган давлат ўз фуқаролари эркинлиги ва фаровонлигини ўйлар экан, ҳар бир шахс ҳам мустақил давлат сиёсатини қўллаб-қувватлагандагина, мустақилликни мустаҳкамлашни ўз виждон амри деб билгандагина шахс билан жамият манфаатларининг муштараклиги вужудга келади. Қачонки давлат кишиларнинг ўз қобилиятлари, билим ва кучларини эркин намоён этиши учун шарт-шароит яратиб берса, мамлакатнинг ақлий ва маънавий потенциали тобора кенгайиб, ривожланиб боради.

Ҳар бир инсон такрорланмас бир жавоҳир экан, жавоҳирнинг ўзлигини англаб, ўзини ижодий жараёнда тасдиқлаши учун адолатли ва инсонпарвар жамият қуриш лозим. Шу йўл билан фазилатлар мисқолаб йиғилади ва, пировардида, миллатнинг бетақрор миллий маданият хазинаси бунёд этилади.

Одамларда пайдо бўладиган фахрланиш кечинмалари уларнинг қанчалик инсонпарварлик ва ватанпарварлик туйғуларини эркин, бемалол тараққий эттиришларидан далолатдир.

«Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги, — дейди И. А. Каримов, — бу қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир.

Ўзбекистонга, унинг ери, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жипслаштирувчи асоси ҳисобланади».¹

Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамға, мадҳия халқимизнинг ифтихор туйғулари, миллий ғурури рамзига айланди. Миллий туйғу тарихан ва ҳозир ҳам одамлар-

¹ И. А. Каримов. Ўша асар, 81-бет.

ни шу азиз Ватан, шу муқаддас замин, она халқ ва кўҳна тарихимизни англаш ва севишга чорловчи маънавий мезон бўлиб қолмоқда.

И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Давлатимизнинг қанчалик тез улғайиши, куч-қувват ато этиши, дунё ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши, авваламбор, халқимиз маънавий савияси, ғурури ва фахри нечоғлик юксак бўлишига боғлиқдир».¹

Кўриниб турибдики, маънавият олами жуда кенг ва улуввор макон. Унинг ўлчови йўқ. Шунга қарамай, ҳар бир шахс, миллат ва жамиятнинг ўз маънавият гулшани ва бу гулшан униб-ўсиши учун шароит яратувчи ижтимоий омиллар мавжуд. Маънавиятни чегаралаб, маълум қолишга солиб, ёхуд уни тушовлаб, камситиб, ривожланиш ва гуллашига халал бериш ҳоллари бўлганидай, маънавиятни юксалтирувчи асосий ижтимоий омил ҳам мавжуд. Бу — ҳар бир миллат танлаган йўл ва эришган демократик тартиботлар мажмуасида ўз ифодасини топади. Чунки «Умумий ғоясиз бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда мустаҳкам маънавий маконни яратиш мумкин эмас».²

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси халқимиз ва у қураётган янги жамиятнинг ҳуқуқий ва маънавий йўлини асослаб берган ҳужжат бўлди.

Мустақиллик туфайли содир бўлган ижтимоий ўзгаришларнинг энг каттаси — бу халқимизнинг маънавий уйғониши бўлди. Бу деган сўз мустақиллик туфайли барча нодон одамлар ақли, барча лаёқатсиз кимса истеъдодли, барча гумроҳлар ишбилармонлар ва удабурон бўлиб қолгани йўқ. Октябрь тўнтарилишидан кейин кечаги чўпон, деҳқон ва дурадгор бирдан бутун давлат ишини бошқарувчи раҳбарга айланиб қолган эди. Кечаги чўпон, чўчқабоқар бутун мамлакат қонун лойиҳасини тасдиқловчи арбобга айланиб қолган эди. Мустақиллик барчадан маънавий баркамоллик талаб этади ва шунга яраша жамиятдан ўрин ажратади. Чунки мустақиллик миллат ва мамлакат ҳаётини тубдан ўзгартирди, ўзининг табиий ва ижтимоий тараққиёт йўлини белгилашда, халқимиз онгида, қалбида ҳақиқий маънавий уйғониш рўй берди: она тилимизга давлат мақоми берилди, Наврўз ва ҳайитлар тикланди, миллий қадриятларимизга эътибор кучайди, ўзбекона урф-одатларимиз ҳаётдан тобора кенг ўрин ола бошлади.

¹ И. А. Каримов. Ўша асар, 84-бет.

² И. А. Каримов. Ўша асар, 82-бет.

Барча қилинаётган катта-кичик ижтимоий, иқтисодий ва маданий саъй-ҳаракатлар, ислоҳотлар ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш, унинг тарихий ўрнини ва истиқболини кўрсатишга қаратилди. Инсонпарварлик ва бошқа халқларга ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлмоқ маънавий бурчга айланди.

Мустақилликни мустаҳкамлаш борасида олиб борилган ижтимоий-маънавий ҳаётда бир нарсага амал қилиндики, бу билан халқимизни, унинг фаол кишилари маънавий бўлиб ташлашнинг олди олинди. «Сен — коммунист», «Сен — диндор», «Сен — кофир» деган каби ўртага раҳна солувчи маломатлар бўлмади. Билардикки, биз ҳаммамиз эски замондан ўсиб чиққанмиз. Ўтмишни тафтиш қилиш ёки уни инкор этиш — ўз илдизимизни ўзимиз кесишимиз билан баробар эканини яхши англадик ва шу тариқа халқимизни пароканда бўлиш балосидан асраб қолдик¹. Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлида умуминсоний қадриятларга содиқлигини асосий принциплардан бири деб эълон қилган экан, бошқа ва қўшни ҳамдўстлик мамлакатлари ва халқи билан нафақат иқтисодий, энг муҳими, маънавий муносабатларни мустаҳкамлашни ҳам асосий мақсад, деб билди. И. А. Каримов таъбири билан айтганда, «Иқтисодий алоқалардан муҳимроқ алоқалар ҳам бор. Бу маънавий алоқалардир. Бунда жуда катта маъно бор».²

Агар иқтисодий алоқалар заминиде кимдандир нимани олишга, баъзан қарзга, баъзан алмаштиришга тўғри келса, маънавий алоқалар доимо ҳар икки томоннинг ихтиёрий ва беминнат маънавий қадриятлар билан танишуви ва маънавий бойишига олиб келади. Сидқидиллик, беминнат муносабат, ғаразсиз кайфият, эстетик, ахлоқий ва маърифий алоқалар халқлар ва мамлакатлар маданияти ва маънавияти юксалишига олиб келади.

Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқ жоиз. Соғлом маданий алоқаларда мафкуравий диверсия бўлмайди. Тоталитаризм мафкураси ҳукмрон бўлган даврда турли бадий-эстетик ва инсоний-ахлоқий изланишлар, кўникмалар ва замонавий интилишларга қарши капиталистик тузум сарқитлари тарзида кураш бўларди. Маънавият оламини чегаралаб ва қолиплаб бўлмаганидек,

¹ И. А. Каримов. Ўша асар, 104-бет.

² И. А. Каримов. Ўша асар, 136-бет.

қайси мамлакат, қайси халқ маънавият гулшанида қандай ноёб гул ўстирган бўлса ва у бошқа халқ қалбидан ҳам жой олиши табиий бўлганидай, бадий-эстетик қадриятлар қанчалик қатагон қилиниб ёки бошқа халқлардан, умуминсониятдан ихоталаб қўйилмасин, у кўринмас иплар, истеъдод нурлари орқали ўзга сарҳадларга, ўзга қалб ва тасаввурларга эркин кўчиш хусусиятига эга бўлади.

Агар маънавий алоқалар қанчалик самимият ва умуминсоний қадриятлар тамойилидан келиб чиққан бўлса, халқлар орасидаги муносабатлар, бир-бирининг маънавий бойлигидан қувониш ва ҳайратланиш шунчалик кучайиб бораверади.

Ўзбекистонда мустақиллик эълон қилиниши ва унинг ўз тараққиёт йўли белгиланиши билан боғлиқ яна бир улкан вазифа бор эди. Давлат йўли ва сиёсатини амалга оширмақ учун одамларнинг қалбига кириб борадиган, ғурурини, қадр-қимматини тиклайдиган, онгига ёруғлик бағишлайдиган буюк мақсад ҳам бўлиши керак эди. Бу мақсад она заминга, халқимизнинг удумларига, анъаналарига, турмуш тарзига, миллий идрок ва гўзаллик ҳақидаги тушунчаларига мос тушиши зарур эди. Бундай мақсадга эришишнинг тўғри ва оқилона йўл-йўриқларини белгилаш ҳам ҳаводай зарур бўлди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида 1993 йил 6 майда сўзлаган нутқида масалани кескин ва мардона қўйди: бизлар асли ким? Олдимизга қўйилган буюк мақсадга муносиб одамлармизми? Истиқлол — мустақилликни эълон қилиб, энди бўладиган курашларга тайёрмизми ёки йўқми? Тағин, ўзимизни-ўзимиз алдаб юрган бўлмайлик? Шиор этиб юрган гапларимиз қуруқ, баландпарвоз сўзлар бўлиб чиқса-я? Янгича, адолатли жамият қуришга қурбимиз етадимиз? Ярим йўлда ҳориб-чарчаб қолмаймизми?

Бу саволлар фақат халқ ноибларига эмас, барчага қаратилган эди. Мустақиллик вориси — халққа, ёшларга ва маънавият олами шифокорларига қаратилган эди. Гап одамларимизни маънавий қиёфаси устида борарди.

«Моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар, — деди И. А. Каримов, — ўз йўлига. Уларни ҳал этиш мумкин. Халқимиз таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо, маънавий ислоҳотлар — қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, отабоболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб

ворис бўлиш — бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда!»¹

Тоталитар тузум даврида миллатнинг ўз тарихидан, мамлакатнинг ўз заминидан узилиб қолиши туфайли юз берган маънавий инқироз бўронидан чиқиб олиш керак эди.

Халқимиз жуда узоқ ва катта маънавий пойдеворга эга, унутилган бу пойдевор устига мустақилликнинг янги маънавий кошонасини бунёд этиш имконияти туғилди. Бунинг учун «Олдимизда турган энг муҳим масала, бу — миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизда татбиқ этишдир.

Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим»².

Бинобарин, мустақиллик даври ва мустақилликни мустаҳкамлайдиган одамлар мафкурасини шакллантирмак ва ривожлантирмак маънавий инқироздан чиқиб, янгича маънавий қадриятларга эришмоқ йўлидир. Маънавий инқироздан чиқишда халқимиз маънавий пойдеворини чуқур эгаллаш ва ундан истиқболимиз йўлида унумли фойдаланишдан ташқари айрим кишилар онгидаги лоқайдлик, бепарволик ва калтабинлик сингари маънавий иллатлардан фориг бўлмоқ зарур. Мустақиллик нури ва шуури ҳар бир юракни тўлқинлантирувчи кучга, унинг ижодкорлик ва бунёдкорлик кайфиятини уйғотувчи неъматга айлансагина эркинлик ва миллий истиқлол шунчалик мустаҳкамланиб боради. Мустақилликни, истиқлолни мустаҳкамлаб олға юриш ҳар бир фуқаронинг маънавий эҳтиёжига айланиши керак.

Бу борада маданият ходимлари, адабиёт ва санъат намояндалари олдида катта вазифа ва масъулият мавжуд. Санъаткорлар, биринчи, навбатда, халққа маънавий озук беради. Маънавий уйғониш — нозик жараён. Уни тезда ва енгил амалга ошириб бўлмайди. Қуруқ сафсатабозлик ёки жанговар шиорлар билан ҳақиқий маънавий уйғониш содир бўлмайди. Бу жараённинг нозик қирраларига И. А. Каримов ёзувчилар билан бўлган учрашувда эътиборни жалб қилади: «Оч одамнинг қулоғига мусиқа кирмайди, яъни унга минг марта

¹ И. А. Каримов. Ўша асар, 167-бет.

² И. А. Каримов. Ўша асар, 168-бет.

ташвиқот қилсангиз ҳам у қорнидан бошқа нарсани ўйламайди. Чунки, одамда, аввало, кайфият бўлиши керак. Шунда у қандайдир сезгир, кўнгли очик, нияти пок бўлади. Ана шундай пайтда унга ким тарбия беради, таъсир ўтказади? Албатта, сизлар. Ажойиб шеърларни ўқиганингда қандайдир ғурур, ифтихор туйғуси пайдо бўладики, одам ўзини ҳам руҳан, ҳам жисман ҳар нарсага қодир ҳис этади, буни мен сезганман. Айтмоқчиманки, сизларнинг кучингиз мана „шунда, Оллоҳ сизларга шундай иқтидор берган“.¹

Демак, ижодкорлар мустақилликни одамни одам қиладиган, миллатни миллат, мамлакатни эркинлик дийри тарзида одамлар онгига сингдирадиган тушунча тарзида ўз асарларида тараннум этишлари зарур. Одамлар ўз мамлакати ва миллати ҳаётида содир бўлаётган ҳодисаларга бажонидил муносабатда бўлишлари, ўзини ана шу жараёнлар кўйида кўришга чорлаши, кураш ва яратиш туйғуларига бурканиши лозим. Бундай кайфиятлар кўпроқ бадий ижод маҳсулотлари таъсирида вужудга келади. Бундай кайфиятлар эса маънавиятга озук беради, уни Ватан, миллат манфаатлари сари чорлайди. Чунки ислоҳотларда жуда кўп нарса одамларнинг руҳиятига, тафаккурига, янги қадриятларни англаб олишга, меҳнатга янгича муносабатга, меҳнатга қизиқтирувчи омилларга боғлиқ. Шундай экан, бундай фазилатлар ўзидан ўзи пайдо бўлмайди. Улар бутун жамиятда олиб борилаётган ижтимоий ўзгаришлар, маданият ва санъат аҳди саъй-ҳаракатлари эвазига шаклланади. Ана шунда одамлар турмуш «ҳади этаётган қувончларни, ҳаёт қувончини, гўзаллик, табиатга ошнолик завқини чинакам»² қадрлаган бўлади. Шунинг учун бизга фақат моддий бойлик яратувчи деҳқон ва ишчиларгина эмас, «мустақиллик ҳимоячилари — ма-лакали зобитлар ҳам, халқимизнинг маънавияти камол топишига хизмат қиладиган етук асарлар яратувчи адиблар ҳам, миллий ғурурни тарбияловчи мукамал шеърлар ҳам, санъат асарлари ҳам керак»³ бўлади.

Одамлар руҳияти, кайфияти ва онгини ўзгартирмай туриб, уларнинг бахти ва саодати мустақилликни мустақамлаш билан боғлиқ эканлигини тушуниб етмасдан маънавият оламида силжиш бўлаётир, деб бўлмай-

¹ И. А. Каримов. Ўша асар, 210-бет.

² И. А. Каримов. Ўша асар, 231-бет.

³ И. А. Каримов. Ўша асар, 238-бет.

ди. Бинобарин, маънавият масаласи миллий истиқлол режаларининг ҳамда вазифаларининг асосини ташкил этади.

Бунинг учун мамлакатда кучли ижтимоий сиёсат тизимига эришиш ва уни оғишмай амалга оширмоқ лозим. Чунки мустақиллик туфайли барча иқтисодий, демократик, сиёсий ва ҳоказо «ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад инсоннинг меҳнат, ижодий ва маънавий имкониятларини рўёбга чиқаришни таъминлайдиган муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат»¹.

Мустақиллик биринчи навбатда одамлардаги меҳнат ва ўзига бўлган муносабатни ўзгартириши лозим эди. Ўтган ижтимоий тузум шароитида инсон ўзининг жамиятдаги ўрни ҳақида нотўғри тасаввурга келиб қолган эди. У ўзини йирик механизмнинг бир парраги, қўли калта бир одам, ҳамма нарсани давлат ҳал қилиб, унга етказиши, у эса истеъмолчи бўлиб қолган эди. Бундай ижтимоий ҳаётда инсон маънавиятидаги яратувчилик салоҳиятлари рўёбга чиқмайди, аксинча, ташаббус, шижоат ва тадбиркорлик сўниб боради. Барча баробар бўлгач, ишлаган ҳам, ишламаган ҳам баробар миллий даромадга шерик бўлгач, ишламай кун кўришни афзал топадиган кўпаяди. Жамиятда юлғичлик, текинтомоқлик ва ижтимоий фаолсизлик ортиб боради. Бу нарса инсон маънавиятининг табиий таркиб ва тараққиёт йўналишини музлаб қолишига олиб келади. Музлаган руҳиятда эса ҳаёт ва ижод бўлмайди.

Ижтимоий ҳаётнинг фақат умумдавлат манфаатини қондиришга қаратилиши шахсий ташаббусларга ғов бўлиб, индивидуал ва жамият эҳтиёжларини ҳам чеклаб келган.

Шахсий эҳтиёжларни умумдавлат эҳтиёжларига бўйсундиришга ёки тамомила унга қарам қилиб қўйиш маънавият оламини ҳам чеклаб ва тушовлаб қўяди. Аввалги жамият шахсий ва умуминсоний маънавий қадриятлар хилма-хиллигини эмас, балки давлат ва мафкуравий ақида йўналишига мос келадиган қадриятлар тизимини қўллаб-қувватлаб келган. Мустақиллик эса миллий ва давлат эҳтиёжларининг бирлигини тақозо этгани учун маънавият оламида ҳам анъанавий ва замонавий, миллий ва умумбашарий қадриятлар тақомили, тараққиётини кўзда тутади.

¹ И. А. Каримов. «Биздан озода ва обод Ватан қолсин». Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 48-бет.

Мустақиллик туфайли инсон ўз тақдирининг фаол соҳибига айланади, ўзининг ижтимоий фаровонлиги, эркинлиги ва ижодқорона меҳнатига масъул шахс бўлиб шаклланиши кўзда тутилади. Бунинг учун ижтимоий, ҳуқуқий, маданий кафолатлар қарор топиши, мустақилликнинг демократик асослари маънавиятнинг ижтимоий негизини ташкил этиши зарур.

Мустақилликка эришилгач, халқ ва жамият ҳаётини янги йўлга буриб юбориш учун жуда кўп ислохотлар ва амалий тадбирларни бажаришга тўғри келди; биринчи гада моддий ва маънавий инқироздан чиқиш, тарихимизни ва ўзимизни англашимиз, истиқбол сари қаратилган тараққиёт йўлимизни танлаб олиш зарур эди. Бундай перспектив мақсадларсиз маънавият масалаларини ҳам ҳал этиб бўлмас эди. Шунинг учун маънавият соҳасида таълим ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ислоҳ қилиш, ақлий ва маънавий салоҳиятни мустаҳкамлаш, аҳоли салоҳиятини ижтимоий ҳимоя қилиш сингари устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Мамлакат моддий ва маънавий бойлиги аввало кадрлар потенциалига боғлиқ. Шундай экан, билимдон ва маданиятли кадрларни халқимиз маданий тарихи илдизларидан ажралмаган ҳолда жаҳон цивилизацияси эришган ютуқлар даражасида тарбиялашдан иборатдир.

Бунда миллий илмий ва бадиий тафаккур анъаналарини давом эттириш ва ривожлантириш асосий мақсад бўлиб қолди. Бир томондан, аждодларимиз руҳи ва урф-одатлари, ажойиб маданий-маънавий анъаналаримиз тикланиб борса, иккинчидан, миллий мустақилликнинг янги қадриятларини вужудга келтириш ва ривожлантириш эҳтиёжи ортиб боради. «Демак, бизнинг вазифамиз, — деб ёзади, — И. А. Каримов, — авваламбор, мана шу маънавиятимиз сарчашмаларини ва бобокалонларимизнинг бой анъаналарини давом эттиришдир. Маънавиятимизни яратаётганларни: ёзувчилар, шоирлар, маданият ва санъат ижодкорларини, халқ талантлари ва иқтидорли ёшларни доимо қўллаб-қувватламоғимиз лозим».¹

Мустақиллик ана шундай эзгу ниятлар ва орзуларнинг ушалишига имконият ва шарт-шароит яратиб беради. Унда барча ўз тарихи ва маданиятининг вориси

¹ И. А. Каримов. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 105-бет.

ва ижодқорига айланади. Ниятлар бирлашади, орзулар Ватан ҳусни-жамоли ва хулқи-камолига қаратилган бўлади.

Президентимиз сўзи билан айтганда, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида шундай меҳнат қилиш лозимки, «Токи, юртимиз гўзал, фойзли, эркин ва адолатли юрт бўлсин. Токи биздан элга фойдали ёдгорликлар қолсин, боғ-роғлар қолсин, қалбни поклайдиган ибратли сўзлар қолсин. Токи, биздан олис авлодларга озода ва обода Ватан қолсин!»¹. Чунки биз қадимдан жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган халқ ва мамлакат ворисларимиз. Халқимиз тарихи илдизлари жуда чуқур ва уч минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. Қадимий замонлардан қолган осори атиқалар, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент ёдгорликлари ва ҳунарманд усталарнинг санъати халқимиз маънавиятининг бепоён уфқидан дарак беради.

Кўриниб турибдики, «Маънавий, илмий ва эстетик қадриятлар халқимизнинг турмуш тарзида, анъанавий маданиятида муҳим ўрин олган. Биз ўзимизнинг тарихимизни ва жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшган буюк аجدодларимиз — Шарқнинг мутафаккирлари Ал Бухорий, Ат Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек ва бошқаларни эъзозлаймиз ҳамда улар билан фахрланамиз. Бинобарин, Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, ўзининг маънавий қадриятларини ва ақлий салоҳиятини қайта тиклаш даврига, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришлар даврига қадам қўйди».²

Бу йўлдаги энг катта муваффақиятлардан бири Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилинишидир. Ўзбекистон Конституцияси республикамизнинг наинки сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаёти, шунингдек, унинг маънавий тараққиёти кафолатномасига айланди.

Ўзбекистон Конституциясининг ўзига хос томони ва афзалликлари нимада? Авваламбор, бу Конституция мустақил Ўзбекистоннинг демократик тамойиллар йўлига кирган даврининг асосий ҳужжатидаир.

У тарих синовларидан ўтган, ўзга мамлакатлар ҳаёти ва тақдирини белгилаб келаётган умумбашарий ва инсонпарварлик қадриятларнинг мужассам маж-

¹ И. А. Каримов. Ўша асар, 129-бет.

² И. А. Каримов. Ўша асар, 140-бет.

муаси бўлди. У энг ривожланган давлатларнинг тажрибасига таянган, уларнинг инсон манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи жиҳатларини ўзлаштирган ҳолда яратилди.

Ўзбекистон Конституциясида халқимиз тарихида амал қилган давлатчилик ва бошқарув тизимидаги миллий анъаналарнинг акс этиши ҳам унинг янгилиги ва мазмунан бой эканлигидан далолат беради.

Биобарин, бу «Конституция умуий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар, Хўжа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, буюк Амир Темур замонида шакланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттиради. Шу кўҳна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тан依лик каби улф хислатлар бу муборак ҳужжатдан муносиб ўрин олган»¹.

Бу ҳужжат мамлакатимизда яшаб келаётган одамларнинг дунёқарашини, тафаккур тарзини, бадий-эстетик ва ахлоқий идеалини, ўзига хос ўзаро муомала ва муносабатларини, бошқа миллат-элатларга нисбатан бўлган ҳурматини, илм-фан ва маданиятга интилиш, эзгулик сари йўналган инсонпарварлик ва ватанпарварлик туйғуларини ўзида мужассамлаштирди.

Биобарин, бундай Конституциянинг умуминсоний ғоялар — тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги, тинчлик каби ғояларга хизмат қилиши шак-шубҳасиздир. Бу ҳужжатга биноан ҳамма сиёсий, ижтимоий ва маънавий масалалар инсон манфаатига, фуқаролар манфаатига бўйсундирилди. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъул эканлиги алоҳида таъкидланди. Инсоннинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддас саналиб, давлат ҳимояси остида ўтади. Шунингдек, Ўзбекистон фуқароларининг ўзларининг насл-насаби, ирқи, миллатидан ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, тенг ҳуқуққа эгаллиги ҳам Конституция-мизнинг демократик принциплар асосида қурилганидан дарак беради.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон фуқаролари имон ва виждон эркинлигига эга бўлдилар. Диний эътиқод таъқиб этилмайдиган, аксинча, халқимизнинг асрлар мобайнида шакланган урф-одатларининг, маънавий

¹ И. А. Каримов. Уша асар, 186-бет.

анъаналарининг инъикоси эканлиги Конституцияда қайд этилди.

Маънавият — ниҳоятда кўлами кенг, тоши офир, камалак янглиғ ранг-барангликни тақозо этувчи руҳият муштараклиги бўлгани учун уни шакллантириш ва бошқариш йўллари ҳам ҳар хилдир. Бир томонламалик — маънавият кушандаси. Ундан фориг бўлгандагина маънавият дунёси янгиланади ва камол топади. Масалан, совет тузуми шароитида миллий қадриятларга бўлган қизиқиш камситилди, диний эътиқодлар таъқиб этилди, айрим осори атиқалар ўтмиш сарқитлари тарзида бузиб ташланди, масжид қуриш у ёқда турсин, унга бориб ибодат қилиш ман қилинди.

Мустақиллик шабадаси мамлакатимиз бўйлаб эсан заҳоти худди баҳорги ёмғирдан сўнг қад кўтарган кўзиқоринлардай шаҳар ва қишлоқларда катта-кичик масжидлар қад кўтарди, ярим ой туғи ҳилпирай бошлади. Усталарнинг устаси ҳар бир гиштни меҳр ва иймон малҳами билан жипслаштирди. Араб алифбосидаги бир варақ қоғознинг нима ҳақдалигини тушунмаса ҳам кўлига олиб кўзига суртадиган халқимизга Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифлар етиб борди. Нашриёт ва газета-журналлар диний адабиётни ким ошди савдосига олиб чиққандай кетма-кет ва узлуксиз нашр этишга тушдилар. Сифатли қоғозлар топилди, хайриячи ноширлар кўпайди. Халқимизнинг ислом қадриятларига бўлган маънавий эҳтиёжи тўла-тўқис қондирила бошланди.

Диний адабиётларни оммавий тусда кўпайтиришдан мақсад айрим шахсларнинг ўз чўнтагини қаппайтиришни кўзлаганларини инобатга олмаган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, халқимиз кўз ўнгида қулфлаб қўйилган ислом қадриятлари хазинаси эшиги очилди. Ҳар қандай маънавият жавоҳирларига кўркўрона эмас, онгли ва иймонли туйғу билан муносабатда бўлиш имконияти пайдо бўлди. Президентимиз И. А. Каримовнинг ўн иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида (1995 йил 23 февраль) таъкидлаб ўтганидек, нақшинкор масжидлар қаторида замонавий компьютерлар билан жиҳозланган мактаблар ва мадрасалар, ўз илм-ҳунарини халқ орасида шижоат билан ваъз эта оладиган домлалар билан баробар умумбашарий идеалларни дилга жо айлаган ўқитувчилар, жаҳон инсонпарварлик маданияти руҳида тарбия топган врачлар, қардош ва қондош халқлар бадий-эстетик мулкидан баҳраманд бўлиб, ўз

миллий адабиёти ва санъатини тараққий эттирувчи руҳият шифокорлари керак.

Гўзал масжидларимиз ичидаги ял-ял товланган гиламлар устида намоз ўқиб мактабга борган ўқувчиларнинг кўзи тешик пол ва нураб ётган парталар, синик ойналарга тушмаслиги керак.

И. А. Каримов ўз маърузасида инсоннинг тўлақонли ҳаёти учун ниҳоятда зарур бўлган мактаблар, кутубхоналар, театр ва бошқа маданият ўчоқларини кўпайтириш, уларнинг шароитларини яхшилаш, бу соҳаларда ишлаётган кадрларга ғамхўрлик қилиш, айниқса, ўсиб келаётган авлодга, унинг маънавий тарбиясига ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Яқин ўтмишда бутун таълим-тарбия тизимимизда оврупоча тартиб-қоидалар устувор эди. Миллий анъаналар, тарихимизнинг миллий ўзига хос қирралари умумбашарий тарихнинг бир чеккасидаги нуқталар тарзида ўрганиларди. Умумбашарий кадриятларни ўзлаштириш ва ўрганиш баҳонасида миллий маънавият сарчашмаларидан баҳраманд бўлиш иккинчи даражага ўтиб қолган эди. Умумбашарий кадриятлар рус халқи тарихи ва маданияти билан кўпроқ чегараланди.

Маънавият ворислари бўлмиш ёшларга нима берамиз, нима билан уларнинг ақли ва қалбини тўлдирамиз — бу мустақиллигимиз ва истиқлолимиз истиқболни белгиловчи асосий масаладир. Бозор иқтисодиётига ўтиш болаларни ялпи бозорга чиқариб юбориш деган гап эмас. Уларни иймонлари ақлига, ақли иймонига таянадиган, келажак эса иймонли ватанпарвар ҳамда иймонли инсонпарварлар қўлида эканлигини тушуниб етадиган шахс этиб тарбиялашимиз керак. Ана шунда врачларимиз одамларнинг қўлига эмас, кўнглига ва дардига қарайдиган бўлади.

Кўриниб турибдики, маънавиятни юксалтириш ва маданиятни ривожлантириш, биринчи навбатда, ёшлар ҳақида қайғуришдир. Ёшларнинг қалбини чирмай бошлаган «бойлик орттириш касали»дан қанчалик тез тозаласак, уларнинг онги ва кўнглига шунчалик тез маънавият шуури кира бошлайди.

Бу борада ислом кадриятлари жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга. И. А. Каримов айтганларидай, жамиятнинг маънавий ҳаёти билан диний муносабатларни уйғунлаштириш зарурияти туғилади. «Назаримда, — дейди И. Каримов, — улуғ аждодимиз, Бухорои шарифнинг

буюк фарзанди Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти бу борада бизга бениҳоя қўл келади. Ул зотнинг «Оллоҳ дилингда, қўлинг ишда бўлсин» деган ҳикматли шиорини биз бу соҳада дастуриламал қилиб олсак, янглишмаган бўламиз деб ўйлайман».¹

Диннинг ўзи иймон ва виждон тарбия дастури бўлиши билан бирга дин пешволари ва диндорларнинг ўзи инсоний фазилатлар тарбиясида ўрнак бўлишлари лозим.

Президентимиз, охирги пайтларда диний эркинликлардан ғаразли мақсадларда фойдаланишга уринаётган, ҳаром-хариш топилган пуллар эвазига ҳашаматли масжидлар қуришга интилаётган кимсалар пайдо бўлгани, айрим маъракалар миллион-миллион пул сарфланадиган тўйларга ўхшаб кетганини эслатиб ўтади.

Ахир масжиднинг ободлиги ундаги намозхонларнинг сероблиги ва ихлос-эътиқоднинг покизалиги билан белгиланадими ёки унинг қуруқ савлати биланми?

Маъракаларнинг моҳияти жудо бўлган одамлар хотираси учун чин юракдан таъзия билдиришми ёки маърака бераётган одамнинг обрў-эътибори ва шон-шавкатини кўз-кўз қилишми?

Ҳақиқий дин пешволари ва чинакам иймон соҳиблари доимо камтар ва камсуқум бўлганлар, одамлар орасида ажралиб ёки кибрланиб эмас, ўз юксак маънавияти билан бошқаларга адолат, инсоф ва диёнат уруғини сочиб келганлар.

Моддий бойликнинг, зебу зарнинг ҳали ҳеч кимга вафо қилмаганидай, маънавий бойликнинг ҳам бенаф бўлиши мумкин эмас. Маънавиятнинг балоғат белгиси, аввало, она-Ватанга, муқаддас замин ва жонажон халққа муҳаббатдан, ўтмиш авлод-аждодлар руҳи ва маданиятини қадрлашдан, бошқа миллат ва мамлакат урф-одатлари, анъаналарини ҳурмат қилишдан, ўз миллий истиқлоли ва истиқболдан фахрланишдан бошланади. Буни тушуниб етмоқ, учун кўп нарса керак эмас.

3. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ

Ватанни севмоқ иймондандир. Иймонли одам эса ўзини ва ўзлигини маданиятдан топади, маънавият йўлида фидокорона меҳнат қилади.

Халқимизга хос бўлган одамгарчилик, маърифат-

¹ И. А. Каримов. Уша асар, 290—291-бетлар.

парварлик, меҳнатсеварлик, ор-номуслик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, камтарлик ва камсуқумлик сингари фазилатлар маънавият қасримизнинг тамал тошларидир.

Бу фазилатлар, ўз навбатида, янги мафкуранинг, мустақиллик мафкурасининг ҳам асосини ташкил этади.

Янги мафкура эркин фикрлайдиган, мутеълик ва журъатсизлик туйғусидан ҳоли, мустақил инсонни тарбиялашни кўзда тутар экан, бу инсон, ўз навбатида, мўътабар она заминда камол топганлигини ҳис қилиши ҳамда уни катта умидлар билан вояга етказган миллат ва жамият олдидаги муқаддас бурчини билиши керак. Ана шунда ҳар ким «Шу давлат, шу жамият менга нима берди?» ва «Мен ўзим Ватанга, эл, юртимга нима бердим?» деган саволларга жавоб топа билади.

Янги мафкуранинг моҳияти ана шунда!

«Мустақиллик мафкураси» тўғрисида мулоҳаза юритиш ниятида ўзбек тилининг изоҳли луғатига кўз ташладим:

«Мафкура, — деб ёзилган унда, — муайян бир синфнинг манфаатларига қаратилган фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий қарашлар системаси: пролетариат мафкураси, буржуа мафкураси»...

Шу кунгача биз асосланиб келган, билган ва амал қилган тушунча эди бу. Биз дунёда илғор ва тўғри, одил ва объектив, инсониятни бахт-саодатга олиб чиқувчи ягона пролетариат мафкураси тўғрисидаги тушунчамиз, ақидамиз ва эътиқодимиз ана шу эди. Мафкурани «муайян бир синф манфаатига қаратилган», хусусан, пролетариат диктатураси ва коммунистик ҳаёлий идеални қарор топтириш учун бўлган барча мафкуравий хатти-ҳаракатларнинг қандай натижалар берганини гапирмаса ҳам бўлади. Энди коммунистик мафкуранинг «муайян бир синф манфаати» йўлида қандай оқибатларга олиб келгани ва турли халқ, миллат ва мамлакатларни қай аҳволга, қандай сиёсий-иқтисодий ва маданий исканжага солиб қўйгани аён бўлиб қолди.

Бутун халқ ҳаёти, онги ва фаолиятини пролетариат ва буржуа мафкураларининг келишиб бўлмайдиган зиддиятлари тарзида идрок этишнинг аччиқ мевасини қарийб бир аср мобайнида татиб келдик. Гарчи мафкура — фалсафий, сиёсий, ахлоқий, диний, бадий-

эстетик қарашлар бирлиги деган тушунчага асосланган бўлсада, унда айрим қарашлар бошқаларига бўйсундирилди, айримлари камситилди, айримларига умуман эътибор берилмади. Унда пролетариатнинг сиёсий қарашлари биринчи ўринга ўтди ва барча мафкуравий омиллар унга бўйсундирилди, оқибатда мафкура борган сари яхлит ва ягона миллий маънавий қадрият ўрнига синфий тазйиқ ва таҳдид қуролига айланди. Фалсафада ва амалиётда социалистик революция тўғрисидаги таълимот асосий ҳал қилувчи тезис сифатида қабул қилинди, диний маданиятга маънавий таназзул тарзида қаралди. Натижада миллатнинг бир бутун маънавий қадриятлари орасига «синфий кураш» деб аталган миршаб қўйилди ва бир-бирига душман мафкуравий томонлар кураши вужудга келди.

Мафкуравий яккаҳоқимлик даврида мустақиллик сўзи ҳам ишлатилмас эди. Ким мустақиллик, эркинлик, миллийлик, озодлик ва инсон ҳуқуқлари ҳақида гап очса, у миллатчи ва буржуа мафкураси тегирмонига сув қуювчи шахс сифатида қораланади. «Ватанпарварлик» деганда кўз олдимизга нурсиз ва рангсиз, аллақандай хаёлий ва рамзий бир ватанни севиш, унинг истиқболи йўлида курашиш ва қурбон бўлиш келар эди. Ватанпарварлик шахснинг коммунистик мафкура йўлидаги қурбонлигини тан олар, ватанпарварлик туйғуларининг миллий, тарихий ва шахсий белгилари, сифатлари назарда тутилмас эди. Миллий ғурур ва ифтихор туйғулари ҳам хаёлий ватанга нисбатан бўлган абстракт туйғунинг соясида қолиб кетарди.

Бундай тарихий, миллий ва маънавий ноҳақликка хотима берилди. 1991 йилдан буён мустақил давлат фуқаролари сифатида ҳаёт кечирмоқдамиз. Бундай бахт, бундай шукроналикнинг қадрини тўла-тўқис ҳис қилишимиз керак. Инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз келган мустақиллик худди бошимизга қўнган хумо қушидек туюлди. Аслида бу буюк миллий уйғониш, улуғ истиқлол бўлди.

Биринчи навбатда сиёсий мустақилликни қўлга киритдик. Дунёга танилган ва танилаётган, жаҳон халқлари томонидан тан олинган ва олинаётган мустақил давлат, мустақил ватан ва мустақил миллатга эга бўлдик. Мустақилликнинг биринчи ва асосий шарт — сиёсий эркинликка эришилди. Чунки сиёсий жиҳатдан муста-

қил бўлмаган халқ мустақилликнинг бошқа неъматларига эга бўлмаслиги аниқ. Иккинчидан, иқтисодий мустақилликка ҳам эриша бошладик. Агар сиёсий мустақиллик нисбатан тез қўлга киритилган, сиёсий гуруҳ ва шахсларнинг ўз вақтида олиб борган сиёсатлари бунга имконият яратган бўлса, иқтисодий мустақилликка эришиш, уни мустақамламоқ учун бутун ишлаб чиқариш ва ўзаро муносабатлар тизимини ўзгартириш, бутун интеллектуал потенциалларни ишга солишни тақозо этмоқда. Уни бир кунда, бир ойда ёки бир йилда тўғри йўлга солиб юбориш мумкин эмаслигини, иқтисодий мустақиллик жамият ҳаётининг жуда кўп ва чигал қатламларини қамраб олгани ва ҳар бир қисми, бўғинларида сабот, матонат билан иш кўришни тақозо этади. Бир асрдан ортиқ вақт мобайнида издан чиққан ишлаб чиқариш ва тақсимот, яъни иқтисодий тизим шохобчаларини қайта қуриш, хўжаликни жаҳон бозори талаблари даражасига олиб чиқиш учун янги иқтисодий сиёсат ва дастур ишлаб чиқиш зарур эди. Учинчидан, маънавий мустақилликни қўлга киритмоқдамиз. Бу жараён эса иқтисодий мустақилликдан ҳам мураккаб ва узоқ даврни, кўплаб интеллектуал кучлар фаолиятини талаб этади.

Ўз миллий тилимиз, динимиз, анъаналаримиз, мерос ва маънавий қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, мустақил жумҳурият қонунлари мажмуасига эга бўлиш, ўз гимн ва байроқларимизнинг жаҳон бўйлаб тарқалишига эришиш маънавий мустақиллик рамзидир. Маънавий мустақилликнинг сиёсий ва иқтисодий негизлари қанчалик тез ва оқилона ҳал қилинаётган бўлса, унинг психологик ва руҳий қирралари ҳам тобора чархланиб, нурланиб ва жилоланиб бормоқда. Бунинг учун вақт ва осойишта макон зарур. Сиёсий, иқтисодий мустақилликни янада мустақамлаш ва маънавий-маданий мустақиллик учун шарт-шароитларни тобора ўзгартириб, миллийлаштириб бориш давр эҳтиёжига айланди.

Мустақиллик мафкураси бўйича фикр юритишдан аввал халқимиз ва тарихимиз тараққиёт йўналиши бўйича назарий тушов ролини бажарган бир ижтимоий-фалсафий қарашга тўхтаб ўтиш жоиз. У ҳам бўлса бир қатор мамлакат ва халқларнинг капитализмни четлаб ўтиб, феодализмдан социализмга сакраш туфайли эришилган муваффақиятлар тўғрисидаги латифагамо назариядир. Бу ғайриилмий ва тарихийликдан маҳрум

бўлган назарияга биноан, Ўрта Осиё халқлари, хусусан, ўзбек халқи гўё қоқоқлик, саводсизлик ва маданиятсизлик палласидан социализмга сакраб ўтиб бахтсаодат ва жаҳон цивилизацияси эришган ютуқларни қўлга киритди, ўз иқтисодий ва маданий камолотига эришилди, деб айюҳаннос солинди. Бу назарияга биноан қишлоқ ва шаҳарлар ўртасидаги зиддият тобора камайиб бораётгани, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовут йўқолиб кетаётгани хусусида том-том асарлар, юзлаб диссертациялар ёзилди. Амалда ҳаёт ўзгача давом этар, тажрибалар назарияга, назария ҳаётга ҳеч тўғри келмас эди. Бу назарияга кўра социализм халқларни озодлик, эркинлик ва бахтли ҳаётга олиб чиққан тарихий тажрибанинг тимсоли сифатида қайд этиларди.

Социалистик революцияларнинг давлат, миллат, ватан, мулк, шахс, эркинлик ва мустақиллик сингари ижтимоий ҳодисаларни ягона мафкура, синфий кураш ва пролетариат диктатураси билан боғлаб қўйгани ва пировардида, миллат, жамият ва эркинлик тушовланиб қолгани тан олинмасди.

Инсоният тарихи ва замонавий цивилизация шундан далолат берадики, жамият ва инсон такомилли ҳам худди табиий жараёнлар сингари узлуксиз ва мантиқан, табиий ва қонуний эволюцияни талаб этар экан. Зўравонлик, куч ишлатиш, хоҳ табиатга, хоҳ инсон, хоҳ жамият ҳодисаларининг объектив тараққиёт йўлига ҳалал бериш ва, ниҳоят, диалектик ижтимоий жараённи якқаҳоқимлик ақидаси, мафкураси ва ниятига бўйсундириш қанчалик оғир оқибатларга олиб келишини XX аср тарихи яққол кўрсатиб берди. Халқимизнинг мураккаб зиддиятлар қўйнида таркиб топган ва амал қилиб келаётган ижтимоий-тарихий ва моддий-маънавий тажрибаси фақат бир қолип ичига солиб қўйилган эди. Ана шу қолипдан четга чиқиш мумкин эмас, деган мафкура билан яшадик. Миллий ҳаётимизни янгилаб, камол топтириш эмас, аксинча, уни бузиш ва иддизига болта уриш йўлидан борилди.

Социализмга сакраб ўтишнинг ижтимоий-тарихий оқибатлари шундан иборатки, давлат тизими қурилишидан миллий, демократик, бамаслаҳат иш кўриш тажрибаси инсонийлик ва инсоний меъёрлардан ҳоли бўлган тоталитар давлат машинаси билан алмаштирилди; ишлаб чиқариш соҳасида тарихан шаклланиб, миллий қадриятлар даражасида камол топган ишлаб чиқариш ва

мактаблар шахссизлантирилди, миллий иқтидорларнинг такомилига зарба берилди; мамлакат ва миллат эркинлиги, мустақиллиги топталди ва қарамлик, маҳдудлик, манқуртлик идеали асосида иш кўрилди; диний, маънавий, ахлоқий ва эстетик қадриятлар камситилди, миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғулари ривожига тўсқинлик қилинди. Ҳамма нарсада зўрма-зўракилик, сохта идеаллар кетидан қувиш, мафкуравий яккаҳо-кимлик, табиий ва тарихий жараёнларни миллий ғурур ва эҳтиёжлардан ҳоли бўлган маънавий ўзанларга буриб юбориш феодализмдан социализмга капитализмни четлаб ўтиб сакрашнинг, социалистик тажрибанинг на-тижаси бўлди.

Мустақиллик фалсафаси, мафкураси ва амалий тажрибаси энди жуда кўп тарихан кечиккан ва кечиктирилган, эътибор берилмаган ва камситилган, тазйиқ этилган ва қатағон бўлган ғоялар, ниятлар, орзулар ва идеалларни рўйи рост амалга оширишга ва миллат маънавиятини қайтадан тиклаб, тўхтаб қолган тарих филдиракларини қайтадан юргизиб юборишга, манзилга етмаган ва етолмаган шахс ва қадриятларни қайта оёққа турғозишга имконият туғилди. Ўзбекистон мустақиллигининг қанчалик оламшумул воқеа эканлиги йиллар ўтган сайин янада ойдинлашиб боради. Мустақиллик ғойибдан келган бахтдек руҳимизга тобора сингиб бормоқда. Унинг ҳаётбахш ниҳоллари яқин йиллар ичида шундай мева берадики, ана шунда биз бутунги мустақилликнинг чинакам қадрини, улуғворлигини ва аҳамиятини янада чуқурроқ ҳис қиламиз. Бу мустақиллик бахти, саодати ва эркини ушлаб қолмоқ учун, унга садоқат билан хизмат қилмоқ учун, келажак авлодларга энг ноёб ва мўътабар хазина сифатида қолдирмоқ учун миллий мустақиллик мафкурасини, бир синф ёки бир гуруҳнинг бошқа синф ёки гуруҳ устидан ҳукмронлигини ифодалайдиган эмас, балки барча учун баробар ва халқпарвар мустақиллик, эркинлик мафкурасини яратмоқ ва унга асосланган ҳолда ҳаётни қурмоқ лозим.

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов 1993 йили 6 май куни республика Олий Кенгашининг XII сессиясида сўзлаган нутқида ҳозирги пайтда энг олий мақсадимиз — мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида маънавий инқироздан чиқишимиз керак, деди. Дарҳақиқат, ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетди. Биз кўниқиб қолган эски идеаллар барбод бўлди. Қийинчиликлар кетидан

қийинчиликлар келиб чиқмоқда. Бозор иқтисодиёти эшик тақиллатмай ҳар бир хонадонга кириб келмоқда. Бундай мураккаб ўтиш даврида эсанкираб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Лекин бу қийинчиликларни ўткинчи эканлигини тушуниб етсак, мустақил Ўзбекистон фарзанди эканлигимизни чуқур ҳис қилсак, ҳар ким ўз йўлида ва ўрнида қўлидан келганча мустақиллик учун хизмат қилса, энг муҳими, ўзимизни мустақил мамлакатнинг эркин ва жавобгар фуқароси этиб ҳис этсак маънавий инқирозлардан чиқишнинг бирдан-бир тўғри йўли белгиланган бўлади.

Бизнинг миллий-маънавий пойдеворимиз мустаҳкам, анъаналаримиз бой ва ҳаётбахш, халқимиз меҳнат ва ижодга чанқоқ. Ана шундай халқ ва ватанга мустақиллик, эркинлик, озодлик ва бахт муносибдир. Унга эришиш учун, асрлар мобайнида орзу бўлиб келган мустақилликни мустаҳкамлаш учун етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган миллатимизга хизмат қиладиган мустақиллик мафкураси, яшаш ва яратиш дастури зарур. Бинобарин, «Олдимизда турган энг муҳим масала, — деди Президентимиз, бу — миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизда тадбиқ этишдир. Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга синдириши лозим»¹.

Республикамиз Конституциясида таъкидланганидек, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғоялари, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулият, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибаларига таяниш, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиш, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш Ўзбекистоннинг мустақиллик мафкурасини белгилайди. Конституцияда қайд этилган юқоридаги вазифа ва масъулиятлар кетма-кет, поғонама-поғона ҳамда мунтазам равишда ижтимоий-маънавий фаолиятни тақозо этади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистондаги тинч-тотув ҳаёт тар-

¹ И. А. Каримов. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». Тошкент, «Ўзбекистон», 1993, 168-бет.

зининг ўзи мамлакатимизда олиб борилаётган тўғри ижтимоий-сиёсий ва маданий жараённинг натижасидир.

Миллий истиқлол мафкурасининг қарор топиши йўлида энг хавфли иккита иллат бўлиши мумкин эди. Улардан бири — миллатчилик, иккинчиси — диний фанатизм ёхуд ислом фундаментализми. Давлатимиз олиб борган доно сиёсат туфайли миллатчилик аломатлари вужудга келмади, бироқ айрим диний экстремистик шахслар 16 февралда ўз башараларини ошкор этдилар.

16 февраль воқеаларидан кейин шу нарса аён бўлдики, халқ ўз Президентига ва мустақиллик мафкурасига содиқ экан, халқ учун энг улуғ неъмат мустақиллик ва мамлакат тинчлиги, осойишталиги экан.

Мустақиллик муносабати билан, ўзбек тилига давлат мақоми берилиши билан, миллий қадриятларимизга эътибор кучайиши билан юз йиллик тарихимизни ва ҳукмрон ижтимоий тузум оқибатларини қайтадан кўриб чиқиш бошланди. Шунда мустамлакачилик сиёсати, қарамлик ва маҳдудлик психологиясини вужудга келтирган шарт-шароитлар танқид қилиниши оқибатида ўзлари ҳам биздан кам жабр кўрмаган ва тоталитар тузум, буйруқбозлик мафкураси қурбони бўлган рус халқига нисбатан муносабат ўзгариши мумкин эди. Республикамизда олиб борилган тўғри сиёсат туфайли бошимиздан кечирган нохуш ижтимоий ҳодисаларда рус халқи ва рус маданиятининг айби йўқ эканлиги, умуман тарихий қатағон ва зулмларда халқ эмас, сиёсий тузум, мафкура ва алоҳида шахслар роль ўйнаши тўғри идрок этилди. Ана шу тариқа рус самодержавие-си, мустамлакачилик сиёсати, миллатларни муштарақ социалистик турмуш тарзини яратиш мақсадида бирлаштириш ва сийқалаштириш фалсафасининг танқид қилиниши ва инкор этилиши билан бирга рус халқи маданиятининг умумбашарий қадрият жилоларига ҳурмат ва эътибор сақлаб қолинди.

Ҳар қандай миллат мустақиллик мафкурасини яратар ва унга асосланиб турмуш тарзини барқарор этар экан, миллий ғурур ҳамда ватанпарварликни юксалтириш билан баробар умумбашарий қадриятларга содиқ қолиши ҳам даркор. Халқлар дўстлиги ва ҳамжиҳатлигига содиқлик ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган маънавий қадриятларимиздан биридир.

Мустақиллик даврида асрлар мобайнида орзу қилиб

келинган чинакам демократия, инсон эркинлиги, ғоялар ва фикрлар хилма-хиллиги, моддий ва маънавий миллий бойликларга эгалик қилиш шарт-шароитлари таркиб топмоқда. Тарихий чорраҳада турган, узоқ йўлнинг бошида турли-туман танг ҳолатларни кечираётган халқимиз ва жумҳуриятимиз яқин йиллар ичида ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий жараёнларни бир-бири билан узвий боғлаган миллий истиқдол ва истиқбол йўли тарзида идрок этмоқда.

Миллий истиқдолимизнинг мураккаб ва оғир кечаётганининг сабаби шундаки, ҳали шу бугунгидек ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жараёнларни бир йўла амалга ошириш ва бунга барча имкониятларни қаратиб иш кўрилмаган эди. Мустақиллик муносабати билан эскича фикрлаш ва эскича иш юритиш тарғиботидан воз кечишга, миллат ҳаёти, турмуши, онги ва мафкурасини белгиловчи барча ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-маънавий жиҳатларни қўшиб олиб боришга, миллий тараққиётнинг ўзига хос йўл-йўриқларини ишлаб чиқишга тўғри келди.

Ўзбекистоннинг мустақиллик мафкураси биринчи навбатда демократия ва ижтимоий адолат жамияти барпо этиш учун хизмат қилади. Бундай халқчил ва адолатли жамиятни қуришдан мақсад меҳнатсевар ва бадавлат, маънавий етук ва маданиятли инсон учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборатдир. Мустақиллик мафкураси халқ билан биргаликда халқ учун яратилади. Бунинг учун биринчи навбатда иқтисодий-сиёсий ва маънавий муҳит барқарор бўлиши керак. Мустақиллик мафкурасини яратиш ва бу мафкура амал қиладиган моддий-маънавий муҳитни барпо этиш — бир ижтимоий жараённинг икки томони, бири иккинчисини тақозо этади. Бири иккинчисисиз амалга ошмайди. Мустақиллик мафкурасини яратиш учун уни қабул қиладиган, ҳис этадиган ва тушунадиган халқ маънавияти зарур. Мустақилликнинг энг буюк неъматларидан бири шу бўлдики, халқимизнинг ҳар бир фарзанди ўзини она юртининг ажралмас бўлаги эканлигини ҳис этиб, чинакам фахрланмоқда. Бу фахрланишнинг чин инсонийлик касб этишида катта ҳикмат бор. Бу фахрланиш қуруқ ваъзхонлик ёинки миллатчиликка элтадиган мақтанчоқликдан ҳоли бўлганлиги билан ибратлидир.

Мустақиллик билан фахрланиш миллат истиқболи-

ни белгиловчи йўлга ишонч туйғулари билан бойиб бормоқда. Бу жуда катта ижтимоий ҳодиса.

Бундан бир неча йил аввал чорраҳада йўл танлаш чоғида турли кишилар, турли кайфиятлар, турли томондан дўлдай отилган таънаю дашномлар бўрони ичида қолган эдик. Эскича тартиб, кўникмалар, собиқ иттифоқни кўнгли тусаб юрган кимсалар ҳали топиларди. Ана шундай синовли ва ташвишли дамларда изчиллик билан демократик ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилиши одамлар онгида ва тасаввурида келажак учун ишонч туйғусини кучайтирди. Энг буюк инқилоб — халқимизнинг орқага қайтиш мумкин эмаслиги ва олға интилиш мустақиллик мезони ва истиқболи эканлигини ҳис этиш бўлди. Ишончсизлик барча хатти-ҳаракатларни чипакка чиқаради. Ишонч эса кучга-куч, ақлга қанот, тафаккурга мадад беради. Ўз истиқболини фақат мустақиллик билан боғлаган халқгина эркин меҳнат, тинчлик, биродарлик қадрига етади, ўз ватанпарварлик ҳамда инсонпарварлик бурчини адо этишга астойдил киришиб кетади.

Ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг илдизи маънавий уйғонишдадир. Маънавий уйғониш эса ўзга мамлакат ёхуд бошқа жойлардагидек айрим шахс ёки гуруҳларнинг ҳукмрон мафкура ёки қарашларга нисбатан оппозиция кураши тарзида эмас, балки умумхалқ маънавий силжиши ва юксалиши сифатида қарор топмоқда. Агар авваллари ўз она тилини ҳимоя қилган, отонасининг жанозасида қатнашган, Наврўз айёмини нишонлаган шахслар қатағон этилган бўлса, энди миллий қадриятларни тиклаш ва нишонлаш умумхалқ байрамига айланди.

Халқимизнинг кўнглини кўтарадиган, обрўсини оширадиган ва ҳаётига қувонч олиб кирадиган ишларни қилиш одат тусига кирди, бундай фаолиятлар фақат рағбатлантирилмоқда.

Халқ иззатини жойига қўйган одамгина ўзи ҳурмат-эътибор қозонади. Ана шунинг учун маънавият соҳасида кенг кўламда иш олиб бориш мустақиллик мафкурасининг мазмуни ва йўналишини белгилаб беради.

Бинобарин, мустақил Ўзбекистоннинг мафкураси қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади: ватанпарварлик билан боғлиқ миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини ривожлантириш; маданий мерос ва халқ анъаналарини асраб-авайлаш ва ҳаракатимиз, ижодий

келинган чинакам демократия, инсон эркинлиги, ғоялар ва фикрлар хилма-хиллиги, моддий ва маънавий миллий бойликларга эгаллик қилиш шарт-шароитлари таркиб топмоқда. Тарихий чорраҳада турган, узоқ йўлнинг бошида турли-туман танг ҳолатларни кечираётган халқимиз ва жумҳуриятимиз яқин йиллар ичида ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий жараёнларни бир-бири билан узвий боғлаган миллий истиқдол ва истиқбол йўли тарзида идрок этмоқда.

Миллий истиқлолимизнинг мураккаб ва оғир кечаётганининг сабаби шундаки, ҳали шу бугунгидек ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жараёнларни бир йўла амалга ошириш ва бунга барча имкониятларни қаратиб иш кўрилмаган эди. Мустақиллик муносабати билан эскича фикрлаш ва эскича иш юритиш тарғиботидан воз кечишга, миллат ҳаёти, турмуши, онги ва мафкурасини белгиловчи барча ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-маънавий жиҳатларни қўшиб олиб боришга, миллий тараққиётнинг ўзига хос йўл-йўриқларини ишлаб чиқишга тўғри келди.

Ўзбекистоннинг мустақиллик мафкураси биринчи навбатда демократия ва ижтимоий адолат жамияти барпо этиш учун хизмат қилади. Бундай халқчил ва адолатли жамиятни қуришдан мақсад меҳнатсевар ва бадавлат, маънавий етук ва маданиятли инсон учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборатдир. Мустақиллик мафкураси халқ билан биргаликда халқ учун яратилади. Бунинг учун биринчи навбатда иқтисодий-сиёсий ва маънавий муҳит барқарор бўлиши керак. Мустақиллик мафкурасини яратиш ва бу мафкура амал қиладиган моддий-маънавий муҳитни барпо этиш — бир ижтимоий жараённинг икки томони, бири иккинчисини тақозо этади. Бири иккинчисисиз амалга ошмайди. Мустақиллик мафкурасини яратиш учун уни қабул қиладиган, ҳис этадиган ва тушунадиган халқ маънавияти зарур. Мустақилликнинг энг буюк неъматларидан бири шу бўлдики, халқимизнинг ҳар бир фарзанди ўзини она юртининг ажралмас бўлаги эканлигини ҳис этиб, чинакам фахрланмоқда. Бу фахрланишнинг чин инсонийлик касб этишида катта ҳикмат бор. Бу фахрланиш қуруқ ваъзхонлик ёинки миллатчиликка элтадиган мақтанчоқликдан ҳоли бўлганлиги билан ибратлидир.

Мустақиллик билан фахрланиш миллат истиқболи-

ни белгилловчи йўлга ишонч туйғулари билан бойиб бормоқда. Бу жуда катта ижтимоий ҳодиса.

Бундан бир неча йил аввал чорраҳада йўл танлаш чоғида турли кишилар, турли кайфиятлар, турли томондан дўлдай отилган таънаю дашномлар бўрони ичида қолган эдик. Эскича тартиб, кўникмалар, собиқ иттифоқни кўнгли тусаб юрган кимсалар ҳали топиларди. Ана шундай синовли ва ташвишли дамларда изчиллик билан демократик ислохотлар ҳаётга татбиқ этилиши одамлар онгида ва тасаввурида келажак учун ишонч туйғусини кучайтирди. Энг буюк инқилоб — халқимизнинг орқага қайтиш мумкин эмаслиги ва олға интилиш мустақиллик мезони ва истиқболи эканлигини ҳис этиш бўлди. Ишончсизлик барча хатти-ҳаракатларни чиппака чиқаради. Ишонч эса кучга-куч, ақлга қанот, тафаккурга мадад беради. Ўз истиқболини фақат мустақиллик билан боғлаган халқгина эркин меҳнат, тинчлик, биродарлик қадрига етади, ўз ватанпарварлик ҳамда инсонпарварлик бурчини адо этишга астойдил киришиб кетади.

Ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг илдизи маънавий уйғонишдадир. Маънавий уйғониш эса ўзга мамлакат ёхуд бошқа жойлардагидек айрим шахс ёки гуруҳларнинг ҳукмрон мафкура ёки қарашларга нисбатан оппозиция кураши тарзида эмас, балки умумхалқ маънавий силжиши ва юксалиши сифатида қарор топмоқда. Агар авваллари ўз она тилини ҳимоя қилган, отонасининг жанозасида қатнашган, Наврўз айёмини нишонлаган шахслар қатағон этилган бўлса, энди миллий қадриятларни тиклаш ва нишонлаш умумхалқ байрамга айланди.

Халқимизнинг кўнглини кўтарадиган, обрўсини оширадиган ва ҳаётига қувонч олиб кирадиган ишларни қилиш одат тусига кирди, бундай фаолиятлар фақат рағбатлантирилмоқда.

Халқ иззатини жойига қўйган одамгина ўзи ҳурмат-эътибор қозонади. Ана шунинг учун маънавият соҳасида кенг кўламда иш олиб бориш мустақиллик мафкурасининг мазмуни ва йўналишини белгилаб беради.

Бинобарин, мустақил Ўзбекистоннинг мафкураси қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади: ватанпарварлик билан боғлиқ миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини ривожлантириш; маданий мерос ва халқ анъаналарини асраб-авайлаш ва ҳаракатимиз, ижодий

фаолиятимизнинг ажралмас қисми тарзида иш кўриш; эркинлик ва мустақилликни инсонпарварлик ва халқлар дўстлиги билан ҳамоҳанг камол топтириш; имон-этиқодли, ахлоқан пок, жисмонан бақувват, маънавий баркамол, меҳнатсевар ёшларни тарбиялаш; умуминсоний қадриятларга содиқлик; Ўзбекистоннинг буюк келажагига ишонч билан яшаб, ҳалол меҳнат қилиш.

Мана шу принципларга асосланган тарздагина қуриладиган мустақил Ўзбекистонимизнинг иқтисодий-маънавий кошонасининг пойдевори мустаҳкам, умри боқий бўлади.

Ана шу нуқтаи назардан мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-маънавий фаолиятига кўз ташлайдиган бўлсак, И. А. Каримов уни қуйидагича баҳолайди: «Маънавиятимизни инқироз исканжасидан олиб чиқдик: аждоқларимиз, шу муқаддас заминда яшаган, башарият тарихида улкан из қолдирган алломалар, олимлар — бобокалонларимиздан қолган меросни асраб-авайлаб, эъзозлаб, халқимизнинг миллий мафқурасини шакллантириш, дину иймонимизни, анъаналаримизни қадрлаш, обрўйимизни, урф-одатларимизни, миллий қадриятларимизни тиклаш борасида катта ишлар амалга оширилди».¹

Бу ишларни амалга ошириш жамиятнинг ҳақиқий бойлиги — бу инсон, ёш авлод эканлиги назардан четда қолмади. Биз умумбашарий қадриятлар, Шарқ фалсафаси, юксак ахлоқий-эстетик идеаллар, миллий анъаналар асосида тарбия мактабини бунёд этган ота-боболаримиз бўлганидан фахрланамиз.

Бизга бобокалонларимиздан тилимиз, динимиз, ўзбекона турмуш тарзимиз мерос қолган. Ана шунинг учун маънавий қадриятларга эътибор бериш, ёшларнинг мақсади ва орзу-умидларига муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш жуда катта ижтимоий аҳамият касб этади. Бинобарин, республикамызда «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши ҳам миллий анъаналаримизнинг барҳаётлиги, келажак авлодлар, мустақилликни мустаҳкамловчи ўринбосарлар тўғрисидаги буюк рамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди.

Фақат ўтмиш билан мақтаниб ёки келажак ҳақидаги орзулар билан ўралашиб қолмасдан шу бугунги ёш авлоднинг маънавияти биз учун асосий масала бўлмоғи

¹ И. А. Каримов. «Биздан озода ва обод Ватан қолсин». Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 220—221-бетлар.

лозим. Чунки «Келажаги буюк давлат, энг биринчи навбатда, бўлажак фуқароларининг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур. Илм ўрганиш ва маънавий-ахлоқий кадриятлар ўрнини турли «Сникерс» ва сигарет савдоси эгаллашига асло чидаб бўлмайди».¹

Ёш авлодга озода ва обод Ватанни мерос қолдирар эканмиз, улар бобокалонларимизнинг улуғ ишларини давом эттиришларини ният қилар эканмиз, ёшларнинг маънавий уйғоқлигига аҳамият беришимиз лозим. Фафлат уйқусидан уйғониб, ёрқин кўз билан келажакка назар ташлайдиган замон келди.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиши жуда кўп масалаларга ёркинлик киритди, шу билан бирга маънавиятга дахлдор муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Бозор — пул дегани, пулсиз одам бозорга бормайди, бозор эса пулга тўймайди. Пулсиз ҳам, пулдор ҳам бозорга чопади. Ҳамёни пуч одам молини бозорга элтиб пул қилади, пулдор эса бозордан ҳамёнини пуч қилиб қайтади. Бу азалий ва абадий қонуният.

Пулга, молу давлатга, фаровонликка интилиш инсон табиятига хос хусусият. Фақат бу интилиш йўллари турли даврларда турлича бўлган.

Мустақиллик муносабати билан кимнинг қандай яшашни унинг ўзига боғлиқ бўлиб қолди. «Меҳнат қилган яхши яшайди» деган тушунча бошқачароқ маъно касб этади. Меҳнатда ҳам меҳнат бор. Эрталабдан кечгача меҳнат қилиб, зўрға рўзғор тебратаётганлар камми? Бир соатлик «операцион» меҳнат қилиб, ундан келган даромадни бир неча кун санаб улгурмайдиган одамлар йўқми?

Ўғри ҳам ўзича «меҳнат» қилади. У ўғрилиқ қиладиган хонадон ҳақида маълумот тўплайди, улар уйида қачон ва ким бўлишини, қачон уй қаровсиз қолишини аниқлаб, «ақлий меҳнат» қилади. Сўнгра ҳамтовоқларини, шерикларини топади, улар билан тил бириктиради, пайт пойлайди, охири қинғир ишини бажаради.

Ўғрининг ҳам, фирибгарнинг ҳам хатти-ҳаракатлари «меҳнат» саналади. Фақат бу меҳнат бировларга фойда эмас, зарар келтиради. Ҳозир кенг тарқалган чайқовчи — олибсотарларни олиб кўринг. Эрта тонгда ҳали гўдаклар ширин уйқуда, хўроз қичқирмаган пал-

¹ И. А. Каримов. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир». Тошкент, «Ўзбекистон», 1995, 20-бет.

лада бозор дарвозаси олдида деҳқонларни кутиб олади. Уларнинг молини «оптим» сотиб олади, кечгача гумашталари орқали «майдалаб» сотади, кечқурун эса бир халта пул билан кундузги «меҳнат»и гаштини сургани уйига қайтади. Душанба, жума, шанба кечалари Тошкент кўчалари одамларга гавжум. Ипподром сари йўл олган ёш-ялангнинг кети узилмайди. Уйқусизликдан кўзлари қизарган, бетиним ҳаётдан силласи қуриган ёшлар отчопар сари ошиқишади, у ердан «оптим» нарса олиб, кундузи шаҳар дўконларига тарқатиб чиқади, тиним билмай «меҳнат» қилади, соат сайин пули пул туғаверади.

Натижада бирор буюм иккинчи, учинчи, ҳатто тўртинчи қўл орқали харидорларга етиб бормоқда. Бозорлардаги нарх-навонинг кўтарилиб кетиши ҳам чайқовчилар «меҳнат»и билан боғлиқ. Масалан, каллаю саҳарда Эски Жўвада шунчалик гўшт кўп бўладики, ҳатто қадам босиб юриб бўлмайди. Арава-арава гўшт бозорга кириб, арава-арава гўшт чиқиб кетаяпти. Наҳотки, бир оилага бир арава гўшт керак бўлса? Деҳқондан «оптим» олинган гўшлар шаҳарнинг турли кўчаларидаги чакана дўконларда қиммат нархда сотилмоқда.

Президентимиз И. А. Каримов ёзади: «Кўчаларда ёш-ёш болалар олибсотарлик билан шуғулланаётгани фоят ачинарлидир. Бу ёшлар ўзларининг маънавий камолини ўйлаши лозим бўлган бир пайтда ана шу ишлар билан машғулдирлар. Бунга табиий ҳол деб қараш маънавиятимизга катта зарар етказиши ҳеч гап эмас».¹

Бунинг олди олинishi керак. Акс ҳолда ёшларимиз маънавияти тубсиз жар томонга оғиб кетади.

Пул шундай нарсаки, бекорга уни ота-боболаримиз жигардан бунёд бўлган, демаганлар. Пул санашга ўрганган боланинг қўли китобни варақлашга эринади. У ҳеч қачон бевосита фойда келтирмайдиган, пул топиш ўрнига вақтини ўғирлайдиган китоб ўқиш, кўргазмаларни томоша қилиш, концерт, театрларга бориш сингари «бефойда» нарсаларни кўнгли истамайдиган бўлиб қолади.

Маънавиятни юксалтириш ўрнига инсонга санаб берилган умр онлари, кунлари ва йиллари молу дунё ва уни топиш учун кетган ташвишли меҳнат чигилларини тарқатиш учун вақтинчалик кайфу сафоларга берилиш, умуман олганда, миллат ва унинг истиқболи қушандасига айланади.

¹ И. А. Каримов. Ўша асар, 41-бет.

Миллат тараққиёти, маънавияти ва маълумоти юксак билимли ёшларга боғлиқ. Акс ҳолда ёшларнинг манқуртлик ва фақат пулга сажда қилувчи арзон ишчи кучига айланиб қолиш хавфи туғилади. Ана шу тариқа арзон ишчи кучи инсоннинг инсонийликдан бегоналашуви ҳамда миллат истиқболини ўткинчи кўнгил хархашаларига алмашув натижаси сифатида вужудга келади. Миллатнинг истиқболи арзон-гаровга ўз кучини сотадиганлар эвазига эмас, аксинча, моддий ва маънавий меҳнати, салоҳияти юксак қадрланадиган кишилар, ўз ҳаётини ижодий ва жамият тараққиётида ижобий роль ўйнайдиган меҳнат асосида қурган ёшларга боғлиқ. Келажагимизга умид ва ишонч катта. Ўзбекистоннинг келажакда буюк давлат бўлиб донг таратишига барча шарт-шароитлар мавжуд; буюк тарих ва бой маънавий меросимиз бор; жаҳоншумул аҳамиятга молик маданиятнинг ворисларимиз; ватанимизнинг иқлими, табиати, ажойиб ер ости ва ер усти бойлигимиз беҳисоб; халқимиз меҳнаткаш, ғайратли ва бардошли; кўҳна мамлакатимиз зўр интеллектуал салоҳиятга, бой ақлий меросга эга. Бу маънавий неъматлар давлатимиз, мамлакатимизнинг тарихий илдизлари сифатида келажакда мўл-мўл маънавий ҳосил беришига шак-шубҳа йўқ.

Бозор муносабатларига ўтиш қанчалик оғир бўлмасин, айрим одамларни эсанкиратиб, айримларни шошириб, баъзиларни довдиратиб қўймасин, халқнинг умумий руҳи ва маънавий эҳтиёжини назарда тутган ҳолда келажак авлод тарбиясини кучайтирмақ лозим. Бунинг учун радио ва телевидениедан тортиб, ижтимоий фанлар соҳасидаги тарбиявий дастурларнинг оммавийлашуви ва ёшлар қалбига сингиб боришига эътиборни тортмоқ жоиз. «Маънавият ва маърифат, маданий мерос билан бирга янгиланаётган бугунги турмуш тарзини ва янгича тус олаётган жамиятимиз мазмун-муҳиятини теранроқ ёритиш, кенгроқ ўрганиш муҳимдир.

Агар ижтимоий ўсиш, тараққиёт — жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият-маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва жонидир. Буюк давлат, буюк келажакимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айти пайтда, ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак. Бундай инсонни тарбиялаш эса ижтимоий фанимизнинг муқаддас бурчидир.

«Ўз ишини ақл билан, тушуниб бажарадиган кишида меҳнатидан фахрланиш, ҳаётидан завқланиш туйғуси кучли бўлади. Ана шундай одамларни тарбиялашимиз, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ана шундай туйғу билан яшашига эришишимиз керак».¹

Бунинг учун маънавият ва маърифатни юксак даражага кўтармоқ, умумбашарий ва миллий қадриятларни уйғунлаштириш негизда миллий онг ва демократик тафаккур натижаларини тарбияламоқ зарур.

Бинобарин, агар мустақиллик моҳияти ва аҳамиятини сарҳисоб қиладиган бўлсак, бу ижтимоий ўзгариш одамларга нима берди, деган савол туғилади. Мустақиллик туфайли одамларнинг дунёқараши ўзгарди, уларнинг ғурур, орият, шаън ва номус туйғулари кучайди, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, Ватанга, она заминга меҳри, эгалик ва масъулият ҳисси кучайди; миллат ўзлигини англади, қандай заминда яшаётганимизни ҳис қилиш, қандай гўзал ва қадимий ўлка фарзанди эканлигимизни тугал англаб етиш имконияти туғилди; умуминсоний қадриятларга интилиш билан бирга, Шарқ фалсафаси, ўзбекона тафаккур нури барчанинг дилидан ўрин ола бошлади; миллий анъаналаримиз ва удумларимизни тиклаш ва ривожлантириш тамойили кучайди; ислом динимизни қадрлаш маънавийтимизни янги маънолар билан тўлдиришга олиб келди; наслу насабимизни топиб, улуғ бобокалонларимиз маданий ҳазинасига ҳақиқий ворислик қила бошладик, улардан фахрланиш имкониятига эга бўлдик; юртимизда яшаётган барча миллат, элат вакилларининг тинч-иноқ яшаш учун шароит яратилди.

Мустақилликни мустаҳкамлаш жараёни авж олган сари жамият ижтимоий ҳаётининг узоқ муддатга чўзилган ислоҳот дастурини ишлаб чиқиш зарурияти туғилди. Биз XXI асрда яшайдиган ижтимоий уйимизнинг пойдеворини қурдик. Энди бу уйнинг салобати, кўрки, гўзаллигини таъминлайдиган ижтимоий-сиёсий ва маънавий омилларга эътиборни қаратиш ва узоқ муддатга мўлжалланган, «Ўзбекистон янги аср бошида» деган кенг қамровли ривожланиш дастурига эга бўлиб, уни ҳаётга татбиқ этиш даври келди. Бу ҳақда Президентимиз 1995 йил 23 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қилган маърузасида батафсил тўхталиб ўтди.

¹ И. А. Каримов. Ўша асар, 55—56-бетлар.

Ҳар қандай жамият ва мамлакат ўз демократик тараққиёти жараёнида инсон ва унинг манфаатларини ошқора тан олади, ҳуқуқий жиҳатдан уларни тасдиқлашга интилади. Амалий ҳаёт эса барча дастурларни, кўрсатмаларни таҳрир қилади, ўзининг ёзилган ва ёзилмаган қонуниятларини рўёбга чиқара боради.

Мамлакат озод, элу юрт мустақил бўлиб, миллат истиқлол ва истиқбол нурлари сари интилгач, Президентимиз айтганидай, «Бугун биз қандай давлат қураямиз? Унинг сиёсий ва ижтимоий негизи, унинг қиёфаси қандай бўлиши керак? Янги демократик жамият шаклланишида унинг таъсири қандай бўлади?»¹ деган саволларга жавоб топиш, бу хусусда атрофлича фикр юритиш зарурияти туғилади.

Мақсадимиз аниқ-эркин, очиқ, демократик, адолатли давлат қурмоқчимиз. Бу муқаддас бурч ҳамда муқаддас вазифади.

Тарихда адолатли жамият қуришга интилишлар жуда кўп бўлган. Ҳатто бу йўлда қон тўкиш эвазига ижтимоий адолат ўрнатиш ҳоллари учрайди. Лекин давлат асосларидан тортиб, унинг бошқарув тизимларигача адолат руҳи билан суғорилмас экан, бу давлатнинг умри қисқа бўлади, чунки барча инсон ва жамият билан боғлиқ жараёнлар негизда адолат ҳамда инсонпарварлик ғоялари ётиши зарур. Ўзбекистонда барпо этилаётган давлатчилик тизимимиз худди ана шу адолатли жамият қуришга қаратилган. Шунинг учун уни халқ қўллаб-қувватламоқда, давлатимиз кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Халқ билан давлат, давлат билан фуқаролар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, маънавий тафовутлар тобора йўқолиб бормоқда. Қачонки халқ давлат ва давлат идоралари фаолиятини ўз манфаатлари ҳимоячиси ва эзгу орзусини рўёбга чиқарувчи ижтимоий омил тарзида тушуниб етар экан, бундай давлатнинг умри узун ва истиқболи нурафшон бўлади.

Дунёда одамлар ўз миллати, кўриниши ёки жинсига қараб турли-туман бўлганидек, давлатлар ҳам мамлакат тарихи, миллат тақдири, маданияти, анъаналари, сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий-маънавий даражасига қараб ҳар хил бўлади.

Давлат мураккаб ижтимоий-тарихий ҳодиса сифатида миллат тараққиётининг аниқ тарихий даврлари

¹ И. А. Каримов. Ўша асар, 175-бет.

маҳсули ва хазинасидир. «Ҳар бир давлат бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосилдир, унинг ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир».¹

Шунингдек, тарихда шундай давлатлар ҳам бўладики, унинг жараёнлари эволюцион йўл билан эмас, халқнинг давлатчилик тажрибаси ва анъаналарини четлаб ўтган ҳолда зўравонлик билан киритилиши ҳам мумкин. Совет социалистик давлат тизими ана шундай давлатларга мисол бўла олади. «Бу давлатнинг шакли ва моҳияти халқимизнинг ахлоқий, маънавий ва руҳий қадриятларига тўғри келмайдиган, мос келмайдиган тизимга асосланган эди».

Ўзбекистонда барпо этилаётган давлат, энг аввало, жаҳон цивилизацияси, бошқа халқлар ижобий ва ижодий тажрибалари, умуминсоний қадриятларни инобатга олган ҳолда, адолатпарварлик ва маърифатпарварлик нури билан йўғрилган Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимотларига, миллий давлатчилик анъаналарига асосланмоқда. Ана шундай фалсафий-назарий ва ахлоқий-маънавий илдилардан ўсиб чиқадиган давлатимизнинг келажаги буюк эканлигига шак-шубҳа йўқ.

Маънавиятни юксалтириш жараёнида одамларнинг тафаккури, ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатларининг бир-бирига қанчалик муштарак бўлиши жуда катта аҳамиятга эга.

Демократик жараёнларни четдан киритиб бўлмайди, бу соҳада нусха кўчириш яхши натижалар бермайди, шунингдек, демократия ўз-ўзидан ва осонликча қарор топмайди. Бунинг учун тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат қилиш талаб этилади.

Ўзбекистондаги демократик ўзгаришларда халқимиз миллий маданиятининг хос жиҳатлари ўз аксини топмоғи зарур, чунки Шарқ халқлари тақдиридаги демократик ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятлари ва анъаналари мавжуд.

Агар Фарб мамлакатларидаги демократик жараёнлар кўпроқ индивидуализм фалсафаси, шахс эркинлиги афзаллиги, сиёсий тўлоқлар устуворлиги, миллий анъаналарни умумбашарий тамойилларга бўйсундиришга асосланса, Шарқдаги демократик ўзгаришлар ўз специфик хусусиятларига эга. «Шарқда де-

¹ И. А. Каримов. Ўша асар, 175-бет.

мократия тушунчаси ҳамжихатлик ғояси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги заминиди шаклланади. Бизнинг мамлакатимизда демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос ривожланиши зарур. Ахлоқий, маънавий қадриятлар сиёсий муносабатларда ҳам устунлик касб этиши даркор».¹ Давлатчилигимиз асосини инсонпарварлик ташкил этади. Одамларнинг тенг ҳуқуқли ва ўз ижтимоий манфаат ҳамда бурчларини тўлиқ англаб олишларига эришиш давлат тизимининг бош йўналишини ташкил этади. Демократик, адолатли, одил жамиятнинг асосий вазифаси одамларнинг ўз қобилият ва эҳтиёжларини тўла намоён қилишлари ва рўёбга чиқаришлари учун зарур бўлган дастлабки имкониятларини, шу жараёни вужудга келтирадиган ҳуқуқий механизмни яратиб беришдан иборат. Шундан кейин инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг салоҳиятига, меҳнат қилиш истагига, оқилона удабуронлигига боғлиқ бўлади. Фуқаролик жамиятини қуришда халқнинг ижтимоий фаоллиги тобора ортиб боради, давлатчиликда ўзини ўзи бошқариш органлари янада такомиллашади. Кучли ижроия ҳокимиятини ташкил этишда малакали ва тажрибали, ташаббускор ва удабурон кадрларга эга бўлган бошқарув аппарати ниҳоятда зарурдир. Ўзбекистонда ана шундай бошқарув идоралари — анъанавий ҳокимликлар қайта тикланди. Бизнинг демократик жамият қуришимизда адолат ва ҳақиқат қонунчилиқ фаолиятимизнинг бош йўналишига айланади.

Инсон манфаатларини ўйлаш давлатнинг асосий мақсади экан, бунда одамларнинг ўз қобилият ва эҳтиёжларини амалга оширишлари учун шароит яратиш ва унинг ҳуқуқий механизмини яратиш зарур бўлади.

Ана шунда инсон жамият учун, миллат ва мамлакат учун ўз қобилиятини йўналтирадиган бўлади. Бунда ҳалол ва пок меҳнат қилувчи фуқаролар манфаати ва эҳтиёжларига жиддий муносабатда бўлмоқ керак. Ҳалоллик ва поклик нафақат шахсни ўз оиласи ва ижтимоий мавқеи учун, балки жамиятнинг маънавий қиёфасини ҳам безайдиган мезонга айланади.

Жамиятимиз ва давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири «Маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни

¹ И. А. Каримов. Ўша асар, 178-бет.

юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни етказишдир».¹

Бунинг учун умуман жамият миқёсида ижодий фаолият муҳитини вужудга келтирмоқ барча инсоний фаолиятлар уйғунлиги ва ўзаро боғлиқлигини назарда тутмоқ лозим. Жамият ҳам, инсон ҳам бирёқлама тараққий этмаслиги керак. Техника жиҳатдан тараққиёт илоҳийлаштирилса, техникага сажда қилиш ва технократик йўналишга эрк берилса, миллатнинг умумижодий қобилиятига путур етказади, бундай ҳол пировардида офир ижтимоий, маънавий ва сиёсий оқибатларга олиб келиши мумкин. Демак, «Биз жамиятимизда инсоннинг ўз қобилиятини, табиат ато этган иқтидори ва истеъдодини тўла намоён этиш учун, адабиёт, санъат ва умуман эркин ижодий фаолият ривожини учун зарур шароитларни яратишимиз лозим».²

Ижод аҳли қатори барча маданий-маърифий соҳаларда мафкуранинг яккаҳоқимлиги ва тазйиқига барҳам берилгач, умуммиллат миқёсида эркин фикрлаш ва миллий тафаккур асосида ҳаётга ва ўз фаолиятига муносабатда бўлиш тамойили кучайди.

Инсоннинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан озодликни қўлга киритиши билан тафаккур, онг ва шуур озодлиги ўртасида катта фарқ бор. Одамзод қачонки маълум мафкура тазйиқидан, тасаввур ва тушунчалар тушовидан озод бўлмаса у тўла маънода озод ва эркин инсон бўла олмайди. Инсон бир томондан, ақл-заковат, билим ва тажриба, ўз даври эришган цивилизация ютуқларидан баҳраманд бўлган, иккинчи томондан, руҳий-маънавий жиҳатдан камол топгандигина замон фарзанди бўла олади.

Янгича тафаккур ва янгича дунёқараш нимада зоҳир бўлмоқда? Бу нарса халқимизнинг Ўзбекистон мустақиллиги, истиқлоли ва истиқболи хусусидаги қайғуриши, уни миллий уйғониш ва ривожланиш мезони деб тушунишида; ҳар кимнинг ўзида ҳам Ватанининг қадр қиммати ва ор-номусини чуқур ҳис қилиб уни ҳимоя қилишга тайёрлигида; миллий қадриятлар ва меросий тафаккур асосида тузилган янги ғоялар, орзуниятлар, хоҳиш ва истаклар оғушида меҳнат қилиб, шу Ватан, шу замин, шу халқ учун жонини фидо қилишга тайёр одамларнинг кўпайиб боришида сезилмоқда.

¹ И. А. Каримов. Ўша асар, 184-бет.

² И. А. Каримов. Ўша асар, 185-бет.

Мустақилликка эришгач, маънавий соҳасидаги инқироз ва депсинишлар кўзга ташланиб қолди. Биринчи вазифа барча иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар қаторида маънавий покланиш ва маънавий ўнгланиш жараёнларини бошдан кечиришга тўғри келди. Одат тусига кириб қолган маънавий кемтиклик ва манқуртликдан эркин маънавий юксалишга, миллий маънавий уйғонишга ўтиш зарур эди.

Бунинг учун иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маданиятнинг барча тармоқларида миллий тафаккур ва тасаввурга мос келадиган маънавий ислоҳотларни жадаллаштиришга тўғри келди. Бу йўлдаги энг катта ўзгариш миллий тилимизга давлат мақоми берилиши бўлди. Авваллари ўз арзу додини, истак ва хоҳишини, талаб ва эҳтиёжини миллий тилда баён этишдан чўчиган ва миллий туйғулари камситилган халқ бирданига руҳий озодлик нашъасини тотий бошлади. Кўчаларимиз номи она тилимизда ёзиладиган, авваллари кулгули ва ҳақорат ҳолига тушиб қолган кўча номлари ўзбекча жаранглаб, ўзбекона руҳ ола бошлади.

Ёдимизда бор, 1989 йили республикамиз фан ва маданият ходимлари арбоблари иштирокида жуда катта анжуман ўтказилди. Унда мен ҳам қатнашиб сўзга чиқдим ва қуйидаги мулоҳазаларни ўртага ташладим.

Бир куни Зиё Саид номидаги кўчада турганимда бир ўспирин келиб «Зиё Саида кўчаси қаерда, билмайсизми?» деб сўраганини, бошқа куни «Хуршида кўчаси қаерда?» деб юрганларни учратганимни ва кўчалар фақат русча ёзилгани учун «Улица Зиё Саида», «Улица Хуршида» бўлиб кетгани ва иккита эркак ёзувчиларимиз аёлларга «айланиб» қолганини айтдим.

Худди шунингдек, «Совет Ўзбекистони санъати» журналининг номини ўзгартириш ҳам амримаҳол бўлган эди. Киоскаларнинг олдига келиб ҳайрон бўлардик. Ўқувчилар келиб «Санъати» журналингиз борми?» деб сўрашарди. Журнал номини қисқа ва ихчам — «Санъат» деб аташ учун бир неча бор хат ёзган бўлсак ҳам жавоб йўқ эди. Аввал республикамиздан таклиф билан Москвага бориб, у ердан рухсат олиш зарур эди.

Яна бир мисол. Россиядан келган бир профессорни Чорсудаги «Москва» меҳмонхонасига жойлаштиришга тўғри келди. У меҳмонхонанинг «Москва» деб аталishiдан анча хафа бўлди.

«Қаерга борсанг — Тошкентгами, Олма-ота, Душанбегами ҳамма жойда бир хил номдаги «Россия», «Мос-

ква», «Ленинград» меҳмонхоналари. Ахир сизнинг меҳмонхонангиз тарихий Чорсуда қад кўтарган экан, нега уни «Чорсу» деб аташ мумкин эмас?» — деган эди.

Дарҳақиқат, масалан, Москвада шундай Қизил Майдон биқинида «Балчуг» деган меҳмонхона бор. «Балчуг» сўзи татарлардан қолган, «балчиқ» деган маънони беради, бир пайтлар ўша жой балки балчиқ бўлгандир. Руслар тарихий жойларнинг номини ўзгартирмади-ку, нега биз ном беришга келганда ўз миллий хотира ва номларимиздан воз кечишимиз керак, деган фикрни ўртага ташладим.

Бундан ташқари, агар биз миллатимиз маънавий қадриятларига бўлган ҳурмат ва эътиборимизни сақлаб қоладиган, ривожлантирадиган бўлсак, «Қуръон»ни таржима қилишимиз керак. Билим, хоҳ у дунёвий бўлсин, хоҳ диний — ҳеч қачон инсон учун зарар эмас, деган мулоҳаза билдирдим.

Шундан кейин «Совет Ўзбекистони санъати» журнали «Санъат» деб аталадиган, пойтахт кўчалари ва аста-секин республикамизнинг барча кўчалари икки тилда ёзиладиган, «Москва» меҳмонхонаси «Чорсу» деб ном оладиган, «Қуръон»нинг ўзбекча нашри босилиб чиқадиган бўлди.

Қайта қуришнинг сўнгги йилларида мустақиллик сари ана шундай аста-секин қадам ташланиб, буюк миллий истиқлол шабадаси эса бошлаган эди.

Мустақиллик муносабати билан маънавият ва иқтисод орасида маълум зиддиятлар келиб чиқди. Биринчи гада ислохотни ишлаб чиқаришда, иқтисодиёт оламида олиб бориш ва унинг равнақини маънавият тараққиёти билан ҳамоҳанг тартибга солишга тўғри келди. Бирини иккинчисидан орқада қолиши умумжамият ва миллий истиқлол манфаатларига тўғри келмас эди.

Маънавият ниҳоятда мураккаб ва нозик соҳа бўлгани учун уни ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмас эди. Унинг биринчи ва энг катта ҳомийси давлат бўлиши ва давлатгина маънавият тараққиётини таъминлай оладиган қудратга ҳамда имкониятга эга эди.

«Бир нарсани тан олишимиз даркор, — дейди И. Каримов, — агарки, мафкура, маърифат, одамларимизнинг дунёқарashi, тафаккури юксалишининг аҳамиятини жамиятимиз истиқболи учун яхши англаётган эканмиз, авваламбор, мана шу йўлда ўзини аямаётган, тадбиркор, ижодкор зиёлилар, ўқитувчилар, шифокорлар, олимларимизга етарли даражада шароит туғдириб,

ижтимоий жиҳатдан таъминлаб бериш бизнинг вазифамиздир.

Театрлар, кутубхоналар, музейлар, хуллас, маънавий-маданий муассасаларимиз иқтисодий мададга муҳтож. Иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичига ўтаётган эканмиз, демак, ишлаб чиқариш ишга тушиб, кўтарилиш юз бериши муқаррар. Бу эса фан, маданият ва маънавият тараққиётига ижобий таъсир этиши керак».¹

Маънавият масалаларига давлатнинг ўзи бош ҳомий бўлганлигига ёрқин мисол шуки, Президентимиз доимо маънавият ва маърифатга дахлдор ташкилот ва жамоалар фаолиятига яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Маънавият ва маърифат масалаларини тўғри ҳал қилиш бу соҳаларда амалий тадбирлар ва амалий тарбиявий ишларни тезроқ ҳал қилишни тақозо этмоқда. Жамиятимизнинг соғлом маънавий муҳити ёшлар тарбиясини кечиктириб бўлмайдиган даражадаги умумдават аҳамиятига молик вазифа эканлиги билан боғлиқ. Бунинг учун Ватанимиз тарихи, маданияти, урф-одатларини чуқур ўрганиш ва уни кенг жамоатчиликка сингдириш керак; дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини миллий маънавият нуқтаи назаридан қайтадан яратмоқ, нашр этмоқ зарур; телевидение ва кино санъатимизда ёшларга халқ оғзаки ижодиёти ҳамда ватанпарварлик, инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган асарларни кўпроқ кўрсатмоқ керак; ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш ишларига жиддий қараш, миллий бойлигимиз бўлган, аммо хорижий мамлакатларга олиб кетиб қолинган санъат асарларини топиб, қайта олиб келиш жоиз.

Маданият ва маърифат соҳасидаги бундай ишлар нафақат ёшларимизнинг ватанпарварлик туйғуларини, шунингдек, уларнинг ахлоқий қиёфаларини ҳам инсоф ва адолат, имон ва ҳалоллик руҳида тарбиялайди.

4. КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, халқимиз асрларга тенг воқеаларни бошидан кечирмоқда. Озодлик ва мустақилликнинг чўнг илдизлари ҳар бир юракдан чуқур ўрин эгаллади. Энг асосийси, давлатнинг инсонга, инсоннинг жамиятга бўлган муносабати ўзгарди.

¹ И. А. Каримов. Ўша асар, 202-бет.

Бу ўзгаришлар асосини Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий воқеалар, одамларнинг онги, дунёқарашида содир бўлаётган жараёнлар белгилайди.

Инсон ҳаётини фақат тирикчилик ташвишию қорингами белгиламайди. Инсон учун моддий эҳтиёждан кўра кўпроқ тафаккурни қамраган, руҳиятни банд этган, маънавиятни белгиловчи шундай ғоялар, фикрлар, идеаллар, орзу-ниятлар борки, улар ҳар бир юракни тўлқинлантириб-тўлқинлантириб жамият деб аталмиш борлиқ уммонини ташкил этади ва уни истиқбол сари чорлайди. Бу ғоялар, идеаллар, фикрлар, қарашлар кўпинча битта сўз билан «мафкура» деб аталади ҳамда муайян жамият, миллат ва мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий қиёфасини ифода этади.

Инсоният тарихида ҳали бирон жамият ёки давлат асосий ғоялар тизимига, яъни мафкурасига эга бўлмасдан тараққий этмаган ёки ўз фаолиятини олиб борманган. Ўз тараққиёт дастури ва оммани бирлаштирувчи изчил ғояларини ишлаб чиқмаган жамият ёки давлатда мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлади, асосий йўналиш бағрида туғиладиган қарашлар ҳар хиллигига асосланадиган демократик тамойиллар эмас, бу бўшлиқни шошилишч тўлдиришга ҳаракат қилувчи, жамият ва давлатнинг асосий ғояси ҳисобланишга даъво этувчи ўткинчи қарашлар, кайфиятлар шаклланиши мумкин.

«Мафкура бўлмаса, — дейди Ислом Каримов «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобида, — одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин».¹

Мафкура наинки жамият ва давлат, миллат ва мамлакат ҳаётини, истиқбол йўлини ёритувчи нур, ҳатто алоҳида шахс қалбини, вужудини ҳаракатлантирувчи кучдир. Мафкурасиз одамнинг одамлиги шубҳалидир. Халқимиз ўз қарашига, мустақил фикр-мулоҳазаларига, халқ, ватан ва давлат манфаатлари нуқтаи назардан тафаккур юритишга қодир бўлмаган одамларга нисбатан «тутуруқсиз одам» деган иборани ишлатади.

Алоҳида шахс дунёқараши билан жамият ва давлат мафкураси ўртасида доимий бирлик ва муштараклик

¹ Кейинги барча кўчирмалар «Тафаккур» журнаlining 1998 йил 2-сонидан олинган.

бўлмаслиги мумкин. Жамият ва давлат мафкураси — муайян мамлакат осмонидаги қуёш янглиғ барчага баравар нур сочади. Бу нурни қалбига жо айлаган, ё жо айламаган кишилар бўлиши табиий. Гап бу нурнинг қанчалик халқ, жамият ва давлат учун аҳамиятли эканлигини тушуниб етишда. Уни соддалик билан қабул қилувчилар ҳам бор, унга кўр-кўрона эргашувчилар ҳам топилади, уни инкор этиб, ичдан емиришга ҳаракат қилувчилар ҳам учрайди, аммо инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғоялари билан суғорилган мафкуравий нур атрофига тўпланувчи аксарият халқ уни тўғри тушунади ва уни жамият, давлат миқёсида мустаҳкамланишига умидвор бўлади. Бу ўринда биз айрим «мафкурашунос»ларни, маддоҳлик йўли билан ўзини кўрсатишга ва бошқалардан кўра томоғи йиртилгунча авж пардада бақиришга ҳаракат қиладиган, замон чархпалагининг шилта парракларини кўзда тутаётганимиз йўқ. Бундай шахслар ҳар доим санокли бўлиб, варрак сингари шамолга қараб ҳар ёнга «шоҳ ташлаб» туришини кўрганмиз.

Гап миллат, жамият ва давлат тақдирини белгиловчи мафкуравий ғояларга сидқидилдан эътиқод ва ҳалол муносабат устида борар экан, аксарият халқ оммаси жамият ва давлатнинг бош ғоясини, асосий тараққиёт тамойилини тўғри тушунишини ва ўз навбатида, тўғри тушунтиришга муҳтожлигини таъкидламоқ жоиз. Чунки Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, «табиатда ҳам, жамиятда ҳам, вакуум-бўшлиқ бўлиши мумкин бўлмаганидек, мафкура соҳасида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди».

Мисол тарзида айрим вилоятларда ва шаҳарларда уя қуришга ҳаракат қилган ваҳҳобийларни олиш мумкин. Уларни худди мана шу ўтиш даврида пайдо бўлиб қоладиган «мафкуравий бўшлиқ»нинг меваси деса бўлади. Дин ва диний маросимлар, ислом таълимоти ва ахлоқий-фалсафий ғояларга кенг йўл очилиши, одамларнинг виждон ва иймон эркинлиги кафолатланиши муносабати билан айрим диний экстремизм йўлига кириб олган кимсалар ўз дунёқарашларини умумжамият миқёсида тарқатишга, мустақиллик идеалларини диний эътиқодга бўйсундиришга ва натижада фуқароларнинг демократик йўлдан бориб, адолатли жамият қуриш ниятларини тушовлаб ташламоқчи бўлдилар. Мустақиллик мафкурасига зид бўлган диний экстремистик ғоялар пировардида жи-

ной ишларни содир этишгача олиб келди. Тарихдан маълумки, аввал тўплар отилиб, сўнгра ғоялар жанги бўлмаган. Аксинча, аввал миялар қизиган, тафаккур етилган, маълум дунёқараш шаклланиб, мафкуравий курашлар майдонга чиққан. Мафкуравий зиддият натижаси тўплар гумбураши, аёллар фарёди, кекса-ю ёшнинг иссиқ қони тўкилишига олиб келган. Йигирма асрдан буён одамларнинг дарё бўлиб оққан кўз ёшлари-ю юрак қонлари етмасмиди XXI аср бўсағасида! Йигирма асрдан буён одамларнинг бир-бирларига қўлларини бигиз қилиб ирқ, миллат, жинс ажратишлари етмасмиди янги минг йиллик остонасида! Яхшими, ёмонми мафкуравий бўҳрон даставвал ёшларни ўз домига тортади. Ёшларсиз ҳар қандай мафкура, дунёқараш, ғоялар бир қадам силжидмай қолади. Ғояларни кучайтирувчи, тўлдирувчи ва уларга қалб берувчи ёшлардир. Шунинг учун барча замонларда жамият ва давлат, ўз олдига маълум мақсад қўйган гуруҳ, жамоа, оқим, мазҳаб ва секталар биринчи навбатда ёшларнинг онгини эгаллашга ҳаракат қилади.

Ёшлар тез эгилувчан, ишонувчан ва орқага қарамай олдинга шиддат билан интилувчи бўладилар. Уларни алдаш ҳам, авраш ҳам осон. Уларнинг ана шундай табиатларида ўз ниятлари куртакларини ўстирувчи «катта»лар бўлади. Шунинг учун маълум мафкура ғояларини эгаллаш ё эгалламаслик, уларга эътиқод ё ишончсизлик ёшларни ўраб олган мафкуравий муҳитта боғлиқ. «Асосий мақсад, — дейди замонавий мафкуравий курашни кўзда тутган Президентимиз, — инсон, авваламбор ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир».

Фикр тиниқлиги, тафаккур теранлиги ва дунёқарашнинг кенглигига эришиш учун наинки жамият ва мамлакат миқёсида, балки ҳар бир инсон онги ва ҳаётида миллат ҳамда ватан манфаатлари, истиқболини белгиловчи ғоялар, қарашлар ва тамойилларга ишонч ва эътиқод туйғуларини вояга етказмоқ зарур.

Қачонки жамиятда мафкуравий бўшлиқ пайдо бўла бошласа, албатта, унинг ўрнини қандайдир ва қайсидир дунёқараш ё мафкуравий ғоялар эгаллаб олишга

ҳаракат қилади. Ана шунинг учун биз мустақиллик ва эркинлик, миллий-маънавий қадриятларимизга содиқлик ғояларини миллий мафкурамизнинг асосий негизи сифатида халқимиз онгига сингдириб боришимиз даркор.

Жаҳондаги турли сиёсий, диний, миллий, мазҳаб ва оқимлар ўртасидаги кураш XX асрда ниҳоятда чуқурлашиб ва нозиклашиб кетган экан, мафкуралар ўртасидаги жанг кўзга кўринмас тарзда устамонлик билан олиб борилаётган экан, Ислом Каримов таъбири билан айтганда «бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Энг қизиғи, шу билан бирга, кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқ, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин».

Бинобарин, қаерда ижтимоий-тарбиявий ҳамда маънавий тараққиётга эътибор сусайса, информация оламида глобаллашув жараёни кечаётган ҳозирги пайтда инсон руҳияти ва онги ўз ҳолига ташлаб қўйилса унинг ишқибозлари кўпаяди, содир бўлаётган мафкуравий кемтикликни шошилинч тўлдиришга интилувчи кучлар ҳаракатга тушади. Ана шундай бир вазиятда ҳар бир жамият, ҳар бир мамлакат, давлат ва миллат аниқ ва изчил мафкуравий ғоялар тизимига, ўз миллий-маънавий қадриятлар асосида шакланган дунёқарашга эга бўлиши ва уни мустаҳкам ирода билан ҳаётга татбиқ этиши зарур.

Мафкуравий ниятлар жуда нозик ва устамонлик билан амалга оширилади. Сир эмаски, баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм «ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади». Шунинг учун телевидение орқали айрим чет эл беҳаё фильмлари, шафқатсизлик ва зўравонлик, қотиллик ҳамда ваҳшийлик сингари сифатларни тарғиб этувчи фильмларни, телесериалларни кўриб, ёшларимиз тақдирига қайғурган томошабинлар ўз ташвиш ва норозилиklarини изҳор этиб редакцияларга хат йўлайдилар. Улар бундай фильмлар, ҳақиқатан, миллий-маънавий табиатимиз, қиёфамиз, ахлоқ-одоб ва тарбиямизга мос эмаслигини куюнчақлик билан таъкидлайдилар.

Шу билан бирга, миллий-маънавий фазилатларимиз, ўзбекона ахлоқ-одобимиз, гўзалликка қарашлари-

миз ҳақида гап кетганда, уни доимий, қотиб қолган ва ўзгармас нарса тарзида тушунмаслик керак. Юртбошимиз айтганидай, агар аср бошидаги ҳаёт ва тафаккур тарзи билан бугунги кунни қиёсласак ер билан осмонча фарқ бўлганидай, халқимиз ва одамларимизнинг жаҳон маданиятини идрок этиш салоҳиятларида ҳам ана шундай катта ўзгаришлар юз берган. Одамларнинг ахлоқ-одоб ва эстетик тушунчаларида, ҳатто туйғулар йўналишида ҳам ижтимоийлашув ва маданийлашув жараёни содир бўлган. Бу нарса ер планетасидаги одамларни информация алмашуви ва маданий-маънавий мулоқотлардаги муштараклик, ўзаро таъсир жараёнларини тезлаштириб юборган.

XX асрда бирор халқ, бирор давлат ёки шахс томонидан олға сурилган ғояларни тушуниб етмайдиган халқ, давлат ва шахс қолмади. Ғояларнинг эркин парвоз этиш хусусият ва имкониятлари кенгайди. Фақат ким, қандай ғояларга қулоқ тутади, ким, қандай ғояларни асос қилиб олади — гап шунда. Фикрни, ғояни маҳв этиб ёки қопга солиб омборга тиқиб ёки тақиқ этиб бўлмайди. Фикр ё қабул қилинади, ё қабул қилинмайди, ғоя ё давом эттирилади, ё инкор этилади. Мафкуравий аҳамият касб этувчи, инсон дунёқарашини белгиловчи ғоялар зиддиятида келишувчилик бўлмайди. Чунки «ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин».

Президентимизнинг бу мулоҳазаларида теран маъно бор. Ғояга қарши, албатта, ғоя билан, фикрга қарши фақат фикр билан жавоб берилади. Сенга маъқул бўлмаган бирор ғояни илгари сурган одам бошига калтак билан урилмайди, унга мантиқан жавоб қайтарилади. Соғлом одамнинг соғлом ғояси учун маҳв этилиши жаҳон демократияси андозаларида номақбул хатти-ҳаракат ҳисобланади. Мафкуравий жиҳатдан ожиз жамият турли ғоялар туғилишидан чўчийди. Ўз йўли ва мафкурасига эга давлат, мамлакат ва жамият фикрлар ҳар хиллигини маънавий тараққиёт кафолати деб тушунади. Шунинг учун турли ғоялар, фикрлар, қарашларга миллат, давлат ва муайян жамият нуқтаи назарини ифодаловчи ғояларни қарши қўйиш лозим бўлса, жаҳолат қаршисида маърифат нурининг деразалари очилмоқда. Бу фикр шарқ фалсафасининг мантиқий давоми, маънавий такомилимизнинг шу бугунги кундаги янги замонавий ва фалсафий талқинидир: жаҳолатга

қарши жаҳолат билан жавоб бермаслик — ақлий ва маънавий камолот белгисидир.

Ҳар бир одамнинг ўз ҳаёт тарзи билан боғлиқ мақсад ва орзулари бўлганидай, миллат ва давлатнинг ҳам муайян давр билан боғлиқ мақсад ва идеаллари мавжуд. Мақсад ва идеал сари интилиш миллат ва мамлакатнинг, албатта, шу бутунги ҳаёти ва ниятидан юксакроқ маънавий манзил сари юрмоғидир. Мақсад ва ниятлар аниқ ва равшан бўлгач, истиқбол байроғи ҳам ёрқинроқ ҳилпираб туради, мақсад ва идеаллар аниқ бўлмаса, истиқбол байроғи булутлар соясида кўринмай қолади. Ана шу истиқбол байроғи томон ишонч ва қатъият билан олға юриш, мақсадларни босқичма-босқич амалга ошириш нурли келажак бўстони-га олиб боради.

Жамият мафкураси четдан киритилмайди, «ижара»га олинмайди. У мазкур миллат ва мамлакат босиб ўтган тарихий йўл, «одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айна вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажagini кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида хос кўприк бўлишга қодир ғояни» ифодалайди.

Жамиятнинг мафкураси, яъни унинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ғоялари бутун мамлакат, миллатни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Бу кучнинг соғломлиги ва умумжамият миқёсида аҳамиятли ва зарурлиги унинг яшовчанлигини, бутун халқ қалби ва онгини эгаллаб олишини белгилайди.

Тарихда бирор жамиятда инсон манфаатларига зид тарзда туғилиб, шу жамият бағрига сингиб кетган ғоя ёки дунёқараш бўлмаган. Инсоният жамияти ғояларга ҳам ҳомиладор, ҳам доя бўлади. Инсон манфаатларини кўзлаган ғоялар яшовчан, инсонийликка бегоналари эса таназзулга учрайди. Жамият эса халқ, элат ва миллатлар юрагида, онгида шаклланган ғояларни инсон-парварлик мулки сифатида жамлайди, маълум дунёқараш тарзида ўз тараққиёт дастурига назарий-амалий тус беради. Шу тариқа жамият ва давлат мафкураси миллат дунёқараши тарзида шаклланиб жуда катта ғоявий-маънавий куч касб этади.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, агар жамият тараққиётининг бутун тарихий, миллий ва умумбашарий жиҳатлари эътиборга олинмай, маълум бир ғоя

ёки мафкура асосий дунёқараш ва ақида тарзида қабул қилинса, мамлакат ва халқнинг тарихий, ижтимоий ва маънавий тажрибасига суянилмаса коммунистик мафкура тақдирига хос вазиятга тушиб қолиш мумкин.

Мафкура ёки дунёқарашни одамлар онгига ва жамият ҳаётига мажбуран сингдириб бўлмайди. У тарихан ва катта маънавий жараён натижасида аста-секин шакллантириб борилади ва бутун жамият орқали уни мустақамлаш, ҳар бир шахс дунёқарашига айлантиришга ҳаракат қилинади. Шунинг учун «истикдолга эришган кунимиздан бошлаб миллий мафкура, Ўзбекистон жамиятининг миллий ғоясини яратиш масаласи долзарб бўлиб келмоқда». Миллий мафкура, гарчи асрлар мобайнида халқ ва мамлакат бағрида етилиб, пишиб келган бўлса-да, турли тарихий бўҳронлар таъсирида ўз моҳияти ва мазмунини ошқора намоён эта билмаган бўлса-да, тақдир тақозоси билан турли мафкуравий қарашлар ва ғоялар таъсирини бошидан кечиргани сабабли уни филтрлаш учун тарихий тоза-риш, бутун халқ ва мамлакатни бир силкитиб олиш лозим бўлади. Бу силкиниш мустақиллик туфайли содир бўлди. Мустақиллик мамлакатимиз дарвозаларини, халқимиз нигоҳини ёруғ жаҳонга очди. Мамлакат миқёсида ҳадиксирамасдан, чўчимасдан, ялпизланмасдан ўзлгимизни, ўзбекона яшаш ва тафаккур тарзимизни намоён этиш имконияти яратилди. Халқнинг маънавий булоқлари кўзи очилди, шарқона қадриятлар об-ҳаёти шарқираб мамлакат бағрига синга бошлади.

Мустақилликнинг бундай ҳаётбахш нурлари ҳали мустақиллик ғояларининг одамлар қалбида тўла-тўқис шаклланидан далолат эмас эди. Эски тузум, эски мафкура қолдирган маънавий мерос ҳамон кучли, унинг асоратидан қутулиш учун мафкуравий бўшлиқни тўлдириш ва уни янги-янги ғоялар, қарашлар, кайфиятлар билан ўзгартириш лозим эди. «Шунинг учун ҳам, менинг фикримча, — дейди Ислоҳ Каримов, — мафкура-ни шакллантириш жараёнида, авваламбор, мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бугун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига асосланиш лозим».

Президентимизнинг бу ўринда «жамоатчиликнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига асосланиш лозим» дейиши бежиз эмас. Чунки илғор дунёқараш аввало илғор тафаккур юритувчилар онгида шаклланиб, сўнгра

умумхалқ миқёсида тарқалади. Илғор дунёқараш ва теран тафаккур соҳиблари наинки шу бугунги ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиёт тамойилларини, балки ўтмиш маънавий меросимиз ва алломалар қолдирган илғор ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-маънавий ғояларни ҳам ўзлаштирган ҳолда янги дунёқараш, янги мафкуранинг асосий тамойилларини ишлаб чиқишга бурчлидир. Бинобарин, мустақиллик даври миллий мафкурамиз асосий йўналишларини ишлаб чиқиш жараёнида Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Амир Темурнинг «Темур тузуклари», кўплаб олим, шоир ва тарихчиларнинг мамлакатни идора қилиш ва жамият юзини инсон манфаатлари томон буриш ҳақидаги ғояларига асосланмай иложимиз йўқ эди.

Ана шу маънода Президентимиз «миллий мафкура хусусида бош қотираётган олимларимиз, маънавият ва маърифат соҳаси ходимларига ер юзида инсоният ва давлатчилик пайдо бўлганидан буён шакланган жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини теран ўрганиш, кишилиқ тарихининг юксалиш ва таназзул даврларини, тараққиётини ана шу инқирозлардан омон сақлаб қолувчи ижтимоий-маънавий омиларни ҳар томонлама тадқиқ этган ҳолда бирон хулосага келишни тавсия» этади.

«Миллий мафкура зўр», «Мустақиллик яхши», «Биз шу йўлдан борамиз, ўзлигимизни топамиз ва намоён этамиз» ва ҳоказо сўзларни такрорлайверган билан миллий мафкуранинг мазмуни ва моҳияти очилмайди. И. А. Каримов бу мураккаб, айни чоғда, жиддий масалани ҳар томонлама тадқиқ этишни тавсия этади. Фалсафий мулоҳаза сафсата тўқишдан қанчалик фарқ қилса, мафкурабозлик ҳам ҳақиқий миллий дунёқараш, чинакам мустақиллик ғояларидан шунчалик фарқ қилади. Миллий мафкуранинг, мустақиллик дунёқарашининг асосий тамойилларини бугунги ижтимоий-сиёсий вазифаларимиз ва истиқбол режаларимиз асосида ишлаб чиқмоқ ва шаклантирмоқ зарур.

Миллий мафкура яратиш зарур экан, у мустақиллик ғояларини ўзида мужассам этар экан, бир савол туғилади. Бу мафкура кимнинг қарашларини ўзида акс эттиради ва кимнинг манфаатларига хизмат қилади. Миллий мафкура, аввалги замонлардагидай бирор синф, гуруҳ, ёки тоифаларнинг қарашлари ва манфаатини ифодалаб, ҳимоя қиладими ёки мамлакат ва халқнинг умуммиллий истиқболини белгилайдими — гап ана шунда!

ёки мафкура асосий дунёқараш ва ақида тарзида қабул қилинса, мамлакат ва халқнинг тарихий, ижтимоий ва маънавий тажрибасига суянилмаса коммунистик мафкура тақдирига хос вазиятга тушиб қолиш мумкин.

Мафкура ёки дунёқарашни одамлар онгига ва жамият ҳаётига мажбуран сингдириб бўлмайди. У тарихан ва катта маънавий жараён натижасида аста-секин шакллантириб борилади ва бутун жамият орқали уни мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс дунёқарашига айлантиришга ҳаракат қилинади. Шунинг учун «истиқлолга эришган кунимиздан бошлаб миллий мафкура, Ўзбекистон жамиятининг миллий ғоясини яратиш масаласи долзарб бўлиб келмоқда». Миллий мафкура, гарчи асрлар мобайнида халқ ва мамлакат бағрида етилиб, пишиб келган бўлса-да, турли тарихий бўҳронлар таъсирида ўз моҳияти ва мазмунини ошқора намоён эта билмаган бўлса-да, тақдир тақозоси билан турли мафкуравий қарашлар ва ғоялар таъсирини бошидан кечиргани сабабли уни филтрлаш учун тарихий тоза-риш, бутун халқ ва мамлакатни бир силкитиб олиш лозим бўлади. Бу силкиниш мустақиллик туфайли содир бўлди. Мустақиллик мамлакатимиз дарвозаларини, халқимиз нигоҳини ёруғ жаҳонга очди. Мамлакат миқёсида ҳадиксирамасдан, чўчимасдан, ялпизланмасдан ўзлигимизни, ўзбекона яшаш ва тафаккур тарзимизни намоён этиш имконияти яратилди. Халқнинг маънавий булоқлари кўзи очилди, шарқона қадриятлар об-ҳаёти шарқираб мамлакат бағрига синга бошлади.

Мустақилликнинг бундай ҳаётбахш нурлари ҳали мустақиллик ғояларининг одамлар қалбида тўла-тўқис шаклланигандан далолат эмас эди. Эски тузум, эски мафкура қолдирган маънавий мерос ҳамон кучли, унинг асоратидан қутулиш учун мафкуравий бўшлиқни тўлдириш ва уни янги-янги ғоялар, қарашлар, кайфиятлар билан ўзгартириш лозим эди. «Шунинг учун ҳам, менинг фикримча, — дейди Ислом Каримов, — мафкура-ни шакллантириш жараёнида, авваламбор, мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига асосланиш лозим».

Президентимизнинг бу ўринда «жамоатчиликнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига асосланиш лозим» дейиши бежиз эмас. Чунки илғор дунёқараш аввало илғор тафаккур юритувчилар онгида шаклланиб, сўнгра

умумхалқ миқёсида тарқалади. Илғор дунёқараш ва теран тафаккур соҳиблари наинки шу бугунги ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиёт тамойилларини, балки ўтмиш маънавий меросимиз ва алломалар қолдирган илғор ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-маънавий ғояларни ҳам ўзлаштирган ҳолда янги дунёқараш, янги мафқуранинг асосий тамойилларини ишлаб чиқишга бурчлидир. Бинобарин, мустақиллик даври миллий мафқурамиз асосий йўналишларини ишлаб чиқиш жараёнида Форобийнинг «Фозил одамлар шахри», Амир Темурнинг «Темур тузуклари», кўплаб олим, шоир ва тарихчиларнинг мамлакатни идора қилиш ва жамият юзини инсон манфаатлари томон буриш ҳақидаги ғояларига асосланмай иложимиз йўқ эди.

Ана шу маънода Президентимиз «миллий мафқура хусусида бош қотираётган олимларимиз, маънавият ва маърифат соҳаси ходимларига ер юзида инсоният ва давлатчилик пайдо бўлганидан буён шакланган жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини теран ўрганиш, кишилиқ тарихининг юксалиш ва таназзул давларини, тараққиётини ана шу инқирозлардан омон сақлаб қолувчи ижтимоий-маънавий омиларни ҳар томонлама тадқиқ этган ҳолда бирон хулосага келишни тавсия» этади.

«Миллий мафқура зўр», «Мустақиллик яхши», «Биз шу йўлдан борамиз, ўзлигимизни топамиз ва намоён этамиз» ва ҳоказо сўзларни такрорлайверган билан миллий мафқуранинг мазмуни ва моҳияти очилмайди. И. А. Каримов бу мураккаб, айни чоғда, жиддий масалани ҳар томонлама тадқиқ этишни тавсия этади. Фалсафий мулоҳаза сафсата тўқишдан қанчалиқ фарқ қилса, мафқурабозлик ҳам ҳақиқий миллий дунёқараш, чинакам мустақиллик ғояларидан шунчалиқ фарқ қилади. Миллий мафқуранинг, мустақиллик дунёқарашининг асосий тамойилларини бугунги ижтимоий-сиёсий вазибаларимиз ва истиқбол режаларимиз асосида ишлаб чиқмоқ ва шаклантирмоқ зарур.

Миллий мафқура яратиш зарур экан, у мустақиллик ғояларини ўзида мужассам этар экан, бир савол туғилади. Бу мафқура кимнинг қарашларини ўзида акс эттиради ва кимнинг манфаатларига хизмат қилади. Миллий мафқура, аввалги замонлардагидай бирор синф, гуруҳ, ёки тоифаларнинг қарашлари ва манфаатини ифодалаб, ҳимоя қиладими ёки мамлакат ва халқнинг умуммиллий истиқболини белгилайдими — гап ана шунда!

Мафкурани бирор синф ва гуруҳнинг манфаатлари билан боғлаб қўйиш, ҳар қандай илғор ният ва идеаллар билан пардозланмасин, пировард натижада шу синф ёки гуруҳнинг жамиятда ҳукмрон бўлишини тан олиш демакдир. Қайсики жамият бирор синф ёки гуруҳни ҳукмрон санаса, албатта, бу жамиятда эзувчилар ва эзилувчилар, гапирувчилар ва чурқ этмай эшитувчилар, ақл ўргатувчилар ва итоатгўйлар пайдо бўлади, жамият ўз-ўзидан бўлиниб, маънавий парчланиб кетади. Мафкурада яккаҳоқимлик, фикрлар ҳар хиллигини тушовлаш ва тафаккур манқуртлиги юзага келади. Бундай жамият йўналишини истиқбол эмас, инқироз кутади.

Шунинг учун миллий мафкура тамойилларини ишлаб чиқишда, беозоргина кўринадиган «мамлакат, миллат манфаатларини» кўзда тутиш тушунчаси ҳар доимо тўғри бўла бермайди. «Олий ирқ» мафкураси бормиди? Бор эди! Мамлакат, миллат манфаатларини кўзлаган эдимиз? Ҳа, кўзлаган эди. Олий ирққа мансуб миллат ҳукмрон, мамлакати бой-бадавлат бўлиши керак, деган ғояни етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган немис халқи онгига сингдиришга ҳаракат қилинган эди. «Катта оға»нинг мафкуравий қарашлари ҳам қизил империя ҳудудида ягона тилга эга бўлиш ва ўз мамлакати ва миллати манфаатларини назарда тутган эдимиз? Худди шундай! Нима бўлди? Бундай мафкуралар яшай олмади. XX аср бундай ғайриинсоний мафкураларни ҳам туғдирди, ҳам ўзи уларнинг гўркови бўлди.

Шунингдек, миллий мафкура миллатчилик ғоялари билан ҳам бойиб кета олмайди. Агар ҳақиқий миллат мафкураси умумбашарий демократик ғоялар сари етакласа, миллатчилик миллат ва мамлакатни орқага тортади. Миллатчилик миллий манфаат, миллий мафкура ва миллий ғурурнинг тескариси, пировардида унинг кушандасига айланади. XX аср бунга ҳам етарли ва ачинарли мисолларни мерос қолдирди. Хўш, миллий мафкуранинг моҳияти, мазмуни, йўналишини қандай тасаввур этиш керак? Президентимиз бунга қуйидагича жавоб беради: «Содда қилиб айтганда, жамиятимизнинг мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг беҳатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-ғайрат манбаи бўлиши лозим».

Бу, умуман, миллий мафкура ҳақидаги янги гап.

Ижтимоий-фалсафий фикр тарихида миллий мафкура бўйича билдирилган назарий янгилик.

XX асрда миллий масала, миллатлар эркинлиги ва ҳоказо масалалар бўйича кўп ёзилган эди. Бироқ улар, асосан, ҳукмрон мафкурага бўйсунувчи, қоғозда баландпарвоз баён этилиб, ҳаётда амалга ошмаган сиёсатбозлик намуналари сифатидаги пуч ғоялар тарзида сўниб қолди.

Ислом Каримовнинг миллий мафкура ҳақидаги назарий мулоҳазаларининг бошқа халқлар миллий тараққиётлари учун ҳам методологик аҳамияти катта. Президентимиз қарашларида фақат мамлакатимизда яшаб-яшнаётган миллий мафкурагина эмас, балки бошқалар ҳам ўрганса, қулоқ тутса арзийдиган ижтимоий-фалсафий ғоялар устуворлик қилади. Бинобарин, ҳар бир мамлакат миллий мафкураси шу мамлакатда истиқомат қилувчи оддий инсонлар манфаатларини ифода этсагина, ўз мустақиллигини бошқа мамлакат ва миллатлар билан тинч-тотув яшаш принциплари орқали амалга оширсагина бундай мафкура, ғоя ва дунёқарашнинг истиқболи порлоқ бўлади. Миллий мафкуранинг Ислом Каримов белгилаб берган назарий-методологик асослари теран ва кенг:

— биринчидан, миллий мафкура ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган азиз орзуларини, жамиятимиз олдига бутун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши назарда тутилган;

— иккинчидан, жамиятимизда бутун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар, ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар, гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди, дунёқарашидан қатъий назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя-мафкура бўлиши кераклиги уқтирилади;

— учинчидан, миллий мафкурамиз миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, қўшни давлат ва халқлар, умуман, жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат, иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиши кўрсатилади;

— тўртинчидан, миллий ғоя биринчи навбатда ёш

авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мадакдор бўлиши айтилади;

— бешинчидан, у Ватанимизнинг шонли ўтмиш ва буюк келажагини узвий боғлаб туришга, ўзимизни қутлуғ аждодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган ғоя бўлиши таъкидланади.

Миллий мафкура, мустақиллик ғояларини ўзига байроқ айлаган дунёқараш, ана шу тариқа, миллат ва мамлакатни ҳамжиҳатликка чорловчи маънавий қадриятга айланади ва одамларда миллий ифтихор туйғуларини кучайтиради.

Миллий мафкура, мустақиллик ғояси ва эркин дунёқарашнинг ижтимоий-фалсафий ва маънавий моҳияти ана шулардан ташкил топади.

Демак, миллат тарихида шакланган давлатлар ва жамиятлар бағридан етилган мафкуравий ғоялар гоҳ зоҳиран, гоҳ ботинан бутун халқ маънавияти тарзида, гоҳ маълум даҳо салоҳиятини белгиловчи қадриятларда, гоҳ авлодлар нидоси ва садоси руҳида, аждодларнинг маънавий қадриятлари тимсоли сифатида яшаб келади.

Ҳар бир янги жамиятнинг мақсад ва идеалларига биноан янги авлод дунёқараши ва олам фаҳми шакланганидай, янги жамиятнинг қарор топиши ва ривожланиши, ўз навбатида, маънавий янгиланган, ривожланган ва шакланган авлодлар руҳини ҳам тақозо этади. Янги жамият аввал миллат орзусида, қалбида пишиб етилади, у объектив реалликка (уни объектив реалликка айланиш йўллари кўп, албатта) айлангач, у кенг жамоатчиликнинг ҳаёт ва тараққиёт тарзини ифодаловчи ижтимоий организм тарзида қарор топишида худди шу жамият етиштирган кишилар, кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараши ва тафаккури зарур бўлади. Жамият тараққиёти юксак миллий онглиликка, юксак миллий онглилик эса жамиятнинг одилона инсонийлашувига боелиқ бўлиб қолади. Бир-бирини тақозо этувчи ва бир-бирининг тараққиётини белгиловчи бу ижтимоий омиллар муштараклиги жамият ва мамлакатнинг миллий манфаатлари ва истиқболини кафолатловчи кучлардир.

Ана шу маънода республикамизда қарор топаётган адолатли демократик жамиятни ва бу жамиятда истиқомат қилувчи кишиларнинг онгини, дунёқарашини ўзгартириш ва инсонийлаштириш мақсадида ниҳоятда кўп ва хўп ижтимоий-тарихий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Инсон эркинлиги ва озодлигини таъминловчи Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинди, қатор университетлар ташкил этилиб, ўқув тизимимизда жаҳон андозалари, тарбия йўналишида маънавий меросимизнинг энг илғор ва инсонпарвар тамойиллари асос қилиб олинди; давлат ва жамият қурилиши масалаларини ўрганишга илмий тус берилди; Ватанимизнинг Қурулли Кучлари ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ўз уйи ва иш жойларида тинч-хотиржам бўлишлари бўйича чора-тадбирлар белгиланди; таълим тизимимиздаги ислоҳотлар замонавий лицей ва коллежлар таъсис қилинишига олиб келди; ёшларнинг билим ва салоҳиятларини юксалтириш мақсадида «Улуғбек», «Умид», «Устоз» каби жамғармалар тузилди; Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди ва булар Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурининг бўлишига олиб келди; санъат ва адабиёт ҳақидаги Президент Фармонлари, Бадиий Академиянинг ташкил этилиши, Имом Исмоил Бухорий, Амир Темур, Бобур, Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд, ал Фарғоний каби миллий маданиятимиз дарғаларига бағишланган тантаналар янги жамиятнинг амалга ошираётган реал маънавий ишларидир. Улар янги жамиятнинг куч-қудратидан нишона бўлибгина қолмай, миллий онг ва янги дунёқараш шаклланишида ҳам жуда катта аҳамият касб этмоқда.

Дунёда миллатларни тез ва қисқа муддат ичида бирлаштирувчи миллий ғоя ва миллий ифтихор туйғусидан кучли нарса йўқ. Шунинг учун миллий ғоя ва миллат манфаатларини ифодаловчи дунёқарашдан бақувват маънавий кўрғон ҳам йўқ. Бундай кўрғонни на тўп, на замбарак, на дўқ-пўписа билан енгиб бўлмайди. Мамлакатларнинг ерини, мол-мулкини босиб олиш мумкин, аммо халқ қалбини топтаб, уни тиз чўктириб, онг ва дунёқарашини куч билан, қуроли билан ўзгартириб бўлмайди.

Миллатнинг маънавий кўрғони фақат шу миллатни ўзи ва ўз ичидан етишиб чиққан даҳолари орқали,

шунингдек, умумбашарий қадриятларнинг инсонпарвар ғоялари таъсиридагина юксалиши мумкин.

Ислом Каримов Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» деган фикрини эслайди. Чунки ҳар қандай жамият ўз тарбия тизимига, ахлоқий, бадий-эстетик, сиёсий ва маданий юксалиш идеалига эга бўлмасдан туриб бир қадам ҳам олға юра олмайди.

Бирор жамият ўз ижтимоий-сиёсий мавқеини тасдиқлаш жараёнида унинг замирида асрлар мобайнида шаклланиб келган, одамлар онги, дунёқарашда ўрнашиб қолган тарбиявий кўникмалар ҳам мавжуд бўлади. Бу кўникмалар, одат ва анъаналар табиий равишда янги жамият руҳиятига мос келиб, сингиб кетиши ҳам мумкин, уларни ислоҳ қилиш ва янги жамиятга мослаштириш эҳтиёжи туғилиши ҳам мумкин. Чунки янги жамиятни эскича қарашлар, эскича онг ва эскича дунёқараш билан яратиб, мустаҳкамлаб бўлмайди. Мана шу ўринда таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш ва одамларда янгича дунёқараш тамойилларини шакллантириш вазифаси кун тартибига чиқади.

Инсон бир умр тарбияланади. Лекин кўр-кўрона ва инсон кадр-қимматини камситувчи, маънавиятини сўндирувчи тарбияга эмас, балки коинот сарвари, миллатни яратувчи инсон қобилияти ва руҳиятини юксалтирувчи тарбияга муҳтож. Бекорга аллома кексаларимиз 90 ёшга тўлиб ҳам мен дунёга келиб, шунча йил яшаб ҳали ҳеч нарса билмаслигимни билдим демаганлар. Билимдон одамлар ўзларини тарбияда, билимсизлар эса ўзларини тарбиядан ташқарида кўришни севдилар. Тарбия учун ёшу қари, аёлу эркак баробар. Онгни юксалтирмақ, маълум дунёқарашга эга бўлмоқ инсон бурчидир. Уни тушуниш ё тушунмаслик мумкин. Бинобарин, тарбия — онг бешиги, тафаккур эса маънавият арғимчоғидир.

Президентимиз тарбия масаласи янги жамиятни барпо этиш ва мустаҳкамлашда, миллий мафқурани шакллантиришда беқиёс омил эканлигини таъкидлаб ўтади: «Таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад — озода ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди.

Мустақил Ўзбекистонда қарор топаётган таълим-тарбия тизимининг мақсади ва афзалликлари нималар-

дан иборат, деган савол туғилади. Аввало, ҳар бир иқтидорли ёш авлод бирор касб-ҳунарни эгаллаши наинки унинг яшаши ва турмушини белгиловчи асосий омил, шунингдек, унинг ўз Ватани ва мамлакатада инсон сифатидаги ўрнини ҳам белгиловчи, унинг моддий турмушини таъминловчи асосий кафолат сифатида кўзга ташланмоқда.

Сир эмаски, бундан 10—15 йил илгари кўпчилик одамлар ўз фарзандларини олий ўқув юртларига кириши учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилар эдилар. Уларни ўқишни битириб чиққан фарзандининг билими эмас, ёнидаги дипломи кўпроқ қизиқтирар эди. Диплом ҳақиқийми ё қалбакими бу билан ҳеч кимнинг иши бўлмас, мутахассиснинг жамиятдаги ўрнини диплом белгилар эди. Бошидаги билим эмас, чўнтагидаги қоғоз инсонга лавозим, мартаба берарди. «Шахсий варақа»да акс этадиган ёки кўча-кўйда, маърака-чиқишларда кўзга ташланадиган «сиёсий онглилик» сохта ғояларга, баландпарвоз шиорларга ўчлик, яккахон мафкурага садоқат лавозим ва мартаба пиллапояларини ёритиб турарди.

Раҳбар лавозимларга кўтарилиш ҳам сохта ғояларга содиқлик ва маддоҳлик натижалари бўларди. Амалтақал қилиб диплом олган киши ўз қобилияти ва онгига яраша эмас, собиқ совет тузумига, сохта ғояларга ва унинг раҳбарларига садоқат эвазига лавозим эгалларди ва шу тариқа қанотли отини эгарларди.

«Бу тизим, — дейди Ислоҳ Каримов, — Ватанига, халқига, миллатига фидокор, мустақил фикрлайдиган бирор бир масалани онгли равишда, масъулият билан ҳал қиладиган, изланувчан, янгиликка интилувчи кадрларни эмас, асосан, саёз савияли ходимларни, муте кишиларни минг-минглаб етиштирган эди».

Жамият тараққиёти янги ўзганга буриб юборилган, бутун мамлакат бўйлаб ислоҳотлар авж олиб кетган, одамлар ҳаёти ва онгини силжиш ва покланиш, миллий ифтихор ва келажакка ишонч туйғулари қамраб олган бир шароитда маънавият соҳасида саракни саракка, пучакни пучакка ажратиш жараёни ҳам кучайиб борди. Эскича яшаб, эскича фикр юритадиган одамлар янгилик ва ислоҳотларга бевосита қаршилик кўрсатишга журъат этмасалар ҳам янги замон, янги ижтимоий муҳитнинг янгича томошабинлари сифатида кўзга ташланиб қолдилар. Улар мустақиллик муҳитига мослашмаганлари, ўзларини қайта қура билмаганлари ҳолда

янги ижтимоий тизим доирасида ўзларининг эскича мавқеи ва мартабаларини сақлаб қолишга тиш-тирноғи билан киришиб кетдилар. Юрак-юрақдан мустақиллик ғоялари учун курашиш эмас, миллий мафкура асосидаги дунёқарашга эга бўлиш эмас, балки ўзгарган замон юзини ўзига қаратиб олишга ва унда шахсий ҳаётининг енгил-елпи ўзгариши учун қулай вазият ҳамда қулай имконият топишга интилиш ҳоллари ҳам учраб қолди. Ҳақиқий тадбиркорлик ўрнини қаллоблик, жамият манфаатини, миллий истиқлол ютуқларини шахсий тўкин-сочинликка қурбон қилиш ҳолатлари ҳам кўзга ташланди. Бундай ижтимоий иллатлар эски дунёқараш ва эскича ондан янгича дунёқараш ва миллий юксалиш сари қадам қўйиш пайтида, тарихий бурилиш пайтларида содир бўладиган ҳодисалар сифатида кўринди.

Мустақиллик наинки бутун жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётини тубдан янгилаш, балки ҳар бир кишининг ўзлигини, тушунчасини, тасаввурини, идеалини, хатти-ҳаракатларини ошқора этишга чорлади. Янгилликни ҳис қила олмаганлар қаторида унга кўникмаган кимсалар ҳам бўлди.

Худди шундай кишиларни назарда тутган Президентимиз «Жамиятимизни янгилаш, ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этиш, бозор иқтисодиёти асосларини барпо қилишга ўтар эканмиз, ана шундай онги қотиб қолган, азму шижоатдан йироқ, эл-юрт манфаати учун куйиб-ёнмайдиган кадрлар мутгасил равишда ишнинг белига тепиб туришини ҳис қилдик, очигини айтсам, ҳозир ҳам сезяпмиз», — дейди.

Бундай одамлар озми-кўпми жамиятимизда бор экан, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар билан баробар маданият, илм-фан, касб-ҳунар ва таълим-тарбия соҳаларида ҳам ислоҳотларни олиб бориш, чуқурлаштириш эҳтиёжи туғилди. Аввал кадрларни, мутахассисларни етиштирмасдан, уларнинг онги ва савиясини ўзгартирмасдан туриб бирон соҳада жиддий силжиш мумкин эмас эди.

Инсоний жамиятни фақат инсонлар яратади. Яратувчилик салоҳиятини ўстирмай, онг, савия, дунёқарашни тараққий эттирмай туриб жамиятни, миллат турмуш тарзини ўзгартириб бўлмайди.

Ана шунинг учун республикамызда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ишлаб чиқилдики, дастурга бинонан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатимиз исло-

ҳотларни амалга ошираётган ва чуқурлаштириб борадиган кадрлар, миллий маънавий ва ақлий потенциал захираларидан ўринли фойдаланиш зарур эди.

Президентимиз бош-қош бўлган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалга ошар экан:

— мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий муҳит бутунлай ўзгариб кетади ва давлат бошқарув тизимида, халқнинг онги, дунёқарashiда асосий омил мустақиллик неъматини бўлган турмуш тарзимизни мустаҳкамлаш ва келажак авлодлар қўлига эркинлик ва озодлик байроғини безавол тутқазиш бўлиб қолади;

— таълимнинг янги дастури ҳаракатта келгач, ёшларнинг ҳаётдан тезроқ ўз ўрнини топишга, ўз шаъни ва обрўсини муносиб тасдиқлаш ва таъкидлаш имконияти ортиб боради. Акс ҳолда «ёш йигит-қизларимизнинг ишда, турмушда, оила ва жамоа орасида ўз ўрнини тополмаслик ҳолатлари уларнинг жамиятда ўз қадрини йўқотишга олиб келади».

Дастур, биринчи навбатда, шахс манфаатини жамият манфаатлари билан, жамият тараққиётини шахс салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидладик, уларнинг ўзаро уйғунлашуви миллий мафкуранинг амалдаги исботидан далолат беради.

Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурига биноан энди мамлакатимиздаги ҳар бир инсон муайян бир ихтисос, касб-ҳунарнинг чинакам эгаси бўлсагина ҳаётдан ўз ўрнини топа олади. Номига қўлга киритилган диплом эмас, таниш-билиш туфайли эришилган лавозим эмас, чинакам билим, тадбиркорлик, шахсий ташаббус ва бунёдкорлик лаёқати, миллий ифтихор ва фидойилик туйғулари инсон маънавиятининг мезони бўлади;

— таълимнинг янги модели мустақил ва эркин фикрлайдиган инсон — Шахс шаклланишига олиб келади. Ўз қадр-қимматини билган, иймони бутун, иродаси бақувват, мақсади аниқ одамлар жамият тараққиётида асосий интеллектуал кучга айланадилар.

«Шундай одам, — дейди Ислом Каримов, — оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча — ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий-руҳий муҳитни сохта ақидалар, бақриқ-чақриқлар, ҳавойи шиорлар билан асло бузиб бўлмайди. Уларни ўзлари ақл-идрок ва қалб амри би-

лан танлаб олган ҳаётӣй мақсадлардан чалғитиб ҳам бўлмайди».

Бинобарин, онгли одам, ориятли шахс, виждонли киши шамолтабиат бўлмайди, миллат ва мамлакат истиқлоли, истиқболи билан боғлиқ муқаддас нарсаларни арзон-гаровга сотмайди, олди-қочди борди-келдиларга ва бақирӣқ-чақирӣқларга қулоқ тутмайди.

Билимдон ва фаросатли шахс сиёсий лўттибозлик, оғзини кўпиртириб қасам ичишдан ҳазар қилади. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуримиз билим, ҳунар, истеъдодларни эгаллашни асосий мақсад қилиб қўяр экан, бу фазилатларга эга бўлган ёшлар тамаъ ёки сохта садоқатдан йироқ, ҳақиқий ватанпарвар ва инсонпарвар бўлиб вояга етишишлари кўзда тутилади;

— ҳар бир жамият ва миллатнинг тараққиёт калити бу жамият ва миллат эга бўлган потенциал маънавий кучлардадир. Бу кучлар худди табиий жавоҳирлар сингари асрлар мобайнида ер тагида жимжит қолиб кетиши ҳам мумкин, гоҳо-гоҳо замона зайли билан у ер бу ерда намоён бўлиши ҳам мумкин ёки улар умумжамият эҳтиёжи ва имконияти туфайли миллий маънавий қадрият, бебаҳо бойлик сифатида идрок этилиб, ўз қудрат ва жамолини кўрсатиш имкониятига эга бўлиши ҳам мумкин.

Ҳар бир инсонга мансуб потенциал маънавий салоҳият ва кучларнинг ривожи ва намоён бўлишига ижтимоий мўътадил муҳит яратилгач, бамисоли тоғ булоқларининг кўзи очилиб, юзлаб ирмоқлардан шарқираган дарё пайдо бўлганидай жамият ва миллат маънавий қиёфаси вужудга келади. Бу шундай қудратли ва буюк кучки, четдан келтирилган ҳеч қандай моддий, маънавий ёрдам ёки истеъдод хайриялари уларнинг ўрнини боса олмайди.

Чет эл илғор технологиясини жорий этиш мумкин, кўплаб хорижий мамлакатлар инвестицияларидан фойдаланиш мумкин, сонсиз-саноқсиз тайёр маҳсулотлар билан мамлакатни тўлдириб юбориш мумкин, аммо уларнинг барчаси ўзимиздаги, жамиятимиз ва мамлакатимиздаги биргина потенциал маънавий кучнинг ривожи ўрнини боса олмайди.

Мамлакатимиз ва жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ўз қобилияти ва истеъдодини тўлиқ намоён этиб, «аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун тўлиқ бахшида этса, бундай жамият шу қадар кучли

тараққийетга эришадики, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас».

Халқимиз ва мамлакатимиз ақл-идрокли ва талант-ли кишиларга бой. Уларни топиш, қобилиятларининг рўёбга чиқишига имконият яратиш Миллий дастури-мизнинг асосий йўналишини ташкил этади. Хорижий мамлакатларда таълим олаётган ёшларимиз эришган муваффақиятлар бунинг амалий исботидир. «Умид» жамғармаси орқали Европа, Осиё ва АҚШнинг энг нуфузли университетларида ўқиётган талабаларимиз-дан ўн беш нафари магистрлик ва бакалаврлик илмий даражаларига муддатидан олдин сазовор бўлдилар.

«Мен бу хушхабарни эшитиб, — дейди Президен-тимиз Ислом Каримов, — худди ўзимнинг ўғил-қизла-рим шундай ютуққа эришгандек бениҳоя хурсанд бўлдим. Бу — ҳаётимдаги энг қувончли воқеалардан бири бўлди десам муболаға бўлмайди. Ўзбек миллати-нинг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интел-лектгуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукамал тарзда фойдалана билишимиз зарур. Ота-боболаримиз шуҳратининг соясига маҳдиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди. Бутун жаҳон биз-дан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб-беписанд қарамасли-ги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва ҳурматга лойиқ бўлишимиз даркор».

Қадим замонларда буюк аждодларимиз жаҳон маъ-навияти осмонида чарақлаган юлдуз янглиғ оламга маъ-рифат нури таратиб, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган бўлсалар, ХХI асрда ҳам халқимиз орасидан юксак маърифатли бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улугбеклар, навоийлар ети-шиб чиқишига умидвормиз.

Бунга фақат ва яна фақат янги жамият, мустақил-ликни мустаҳкамлаб, одамларнинг онгига миллий маф-кура ғояларини сингдириб, таълим-тарбия тизимимиз-ни тубдан ислоҳ қилиб эришиш мумкин.

Ҳар бир халқ миллат тарзида ташкил топиб, тарих ва замон воқеаларининг фаол иштирокчисига айланар экан, унинг жаҳон цивилизацияси олдидаги ёки ўз мамлакати ва қитъадаги мавқеи ҳамда орбў-эътибори

Доимо шу миллатнинг салоҳияти — ақлий, маънавий потенциалига боғлиқ бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Чунки миллатни миллат қиладиган, унинг номини тарих саҳифаларига муҳрлайдиган асосий куч — халқ ва унинг маънавий салоҳият потенциалидир.

Маънавий салоҳият потенциали миллатнинг сони, мамлакатнинг катта-кичиклигига боғлиқ эмас. Ҳар бир миллатнинг маънавий қадриятлари унинг интеллектуал потенциали билан белгиланади. Фақат бу салоҳиятни рўёбга чиқариш ва ривожлантириш ҳар бир қадимий ёки янги жамиятлар олдидаги муҳим масала ҳисобланади.

Президентимиз 1994 йил 7 июнда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси умумий йиғилишида сўзлаган нутқида айтган эди: «Ўз тарихи, ўз меросига юксак ҳурмат, шу билан бирга, жаҳондаги энг катта хазина ҳисобланмиш интеллектуал салоҳиятни ўз ҳаётида, ўз иқтисодида мужассамлаштириш — ана шу давлатларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий бойлиги асосини ташкил этади, деб айтсак янглишмаган бўламиз».

Одамларнинг интеллектуал салоҳиятларини камол топтириш учун, биринчи навбатда, мамлакатнинг бошқарув тизимини ислоҳ қилиш ва мустақкамлаш зарурияти туғилади. Мамлакат миқёсида шундай бошқарув тизимини ташкил этиш лозимки, у миллий ва умуминсоний манфаатларни ифода этган ҳолда шу бугунги, шу дамдаги одамларнинг ижодий фаолияти ва эркин яшаш тарзини таъминлайдиган бўлсин.

Муҳим ижтимоий масалалардан бири шундан иборатки, муайян жамият қандай давлат турига, қандай давлат тизимига эга бўлганда жамиятни мустақкамлайди, унинг интеллектуал потенциалини рўёбга чиқаради?

Президентимиз «Тафаккур» журнали саҳифаларида кучли давлат ва кучли жамият масаласини ўртага ташлар экан, бу масаланинг мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги катта аҳамиятини таъкидлаб ўтади: «Ишончим комилки, вақти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади. Мана шу йўл, мана шу назарий масаланинг моҳиятини атрофлича ёритиш, уни ҳаётимизда, амалиётимизда ҳал қилувчи сиёсатга айлантириш нафақат бугунги, балки эртанги кунимизнинг ҳам энг муҳим ва долзарб вазифасидир».

Ўзбекистон ўз мустақиллиги йўлида фуқаролик жамияти, яъни оддий инсон манфаатлари барча нарсадан азиз ва афзал саналадиган ижтимоий тузум қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, бунда билимдон, онгли, тафаккури чуқур, маънавияти юксак, ҳар қандай олимона тўқилган «измлар»дан мустасно, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг вориси бўлган кишиларга таянади ва ана шундай инсонларгина бундай жамиятни барпо этишга, уни тақомиллаштиришга қодир бўлади.

Кучли давлат ва кучли жамият қуриш ҳар бир миллат ва мамлакат олдида турган тарихий вазифа. Миллат ва мамлакат ҳаёти, тақдири, келажаги бу вазифани бажариш билан боғлиқ. «Бугун, — дейди Ислоҳ Каримов, — халқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг «Куч — адолатда» деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўлаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб «Куч — билим ва тафаккурда» деган бўлардим».

Ислоҳ Каримов кучли давлат билан кучли жамият ўртасидаги мураккаб диалектик жараёнга тўхталар экан, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функцияларини аниқ ва изчил амалга оширишни уқтиради.

Кучли давлат кимга ва нимага керак?

Авваламбор шуни таъкидлаш жоизки, бировларнинг ерини, мамлакатини, халқини босиб олиш учун қуриладиган кучли давлат ҳеч кимга керак эмас. Бундай давлат, ҳатто шу давлат одамлари учун ҳам бахтсаодат олиб келмайди. Куч одатда урушда, жангда ва босқинчиликда намоён бўлади. Ақл эса мулоқотда, разолатга қарши курашда керак. Уруш ва босқинчилик ҳали ҳеч бир мамлакат ва давлатнинг обрўсини, бойлигини ва мавқеини оширмаган. Бироқ кучли давлат барпо этиш мамлакат ва миллатларнинг тарихий вазифаси бўлиб келган ва маълум давргача ана шундай бўлиб қолади. Нега? Биринчидан, кучли давлат муайян жамиятни барпо этиш ва мустақамлаш учун керак. Агар муайян жамият ўз тараққиёти йўлида кучли давлатга эга бўлмаса, мамлакат чок-чокидан сўкилиб кетади; иккинчидан, кучли давлат муайян жамиятни, мамлакатни ташқи ҳужум ва тажовуздан сақлаш учун зарур.

Бу масалада шуни таъкидлаш жоизки, XX аср охири жаҳон харитасида шундай мамлакатлар борки, ери, аҳоли сони ва ишлаб чиқариш заҳиралари нуқтаи назаридан ҳеч қанақа кучли давлат барпо эта олмаслиги мумкин ва бунинг ҳожати ҳам йўқ. Чунки инсоният «куч» тушунчасига XX аср охирида бошқача қарайдиган бўлди. Босувчи эмас, босилувчи кучли саналиши ҳеч гап эмас. Умуминсоний ахлоқий, демократик таъмоиллар куч-адолат, билим ва тафаккур томонида эканлигидан дарак бермоқда. Бундан ташқари, нисбатан кичик мамлакат (масалан, Швейцария, Голландия, Бельгия ва ҳоказо)лар давлатининг кучи ички бошқарув тизимининг изчил демократик руҳда амал қилаётганида, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг устувор йўналиш тарзида қабул қилинишидадир.

Демак, кучли давлатга эга бўлиш фақат ўтиш даврида эмас, муайян жамиятни қуриш ва мустаҳкамлаш учун ҳам зарур. «Кучли давлат» деганимизда нималарни кўз олдимизга келтирамиз? «Кучли давлат» «кучли мамлакат» маъносини ҳам бериши мумкин. Бироқ «кучли давлат», асосан, мамлакат миқёсидаги иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг аҳволини ва самарали натижаларини кўзда тутаяди. Агар «кучли давлат» тушунчаси моҳиятини идрок этадиган бўлсак, у қуйидагилардан, яъни, биринчи навбатда, мазкур мамлакатда демократик бошқарув тизими таркиб топган, миллий ва умуминсоний манфаатлар нуқтаи назаридан яратилган Конституция ва қонунлар асосида мамлакатда тартиб ўрнатилган бўлади; бошқарув тизимида тарихда бўлиб ўтган барча бюрократик, тоталитар ва яккаҳокимлик асоратларига қанчалик тез барҳам берилса, шунчалик мамлакатни халқ бошқаришига эришилади; иқтисодий қашшоқ мамлакатда ҳеч қачон кучли давлат қуриб бўлмайди. Шунинг учун иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатнинг табиий ва интеллектуал заҳираларини ҳисобга олиш, маҳаллий муҳит ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни замонавий технология билан таъминланишига эришиш керак.

Иқтисодий мустақиллик ҳар бир мамлакатнинг келажagini белгилайди; мамлакатнинг муҳофаа қуввати, ўз навбатида, иқтисодий жиҳатдан ўтказиладиган ислоҳотлар ва уларнинг самараларига боғлиқ; бу натижалар эса халқнинг турмуш тарзи ва фаровонлигида ўз аксини топади; «кучли давлат»ни белгиловчи кучли

бошқарув тизими, иқтисодий юксалиш, муодофаа қудратининг юксаклиги, халқ фаровонлигига эришиш ва ҳоказо омиллар пировард натижада халқнинг интеллектуал потенциалига бўлган ижобий ва ижодий муносабатни тақозо этади. Халқнинг интеллектуал потенциали ҳам ҳар бир давлат, ҳар бир жамият томонидан ўз иқтисодий-маънавий эҳтиёжларига мувофиқ равишда ривожлантирилади. Бу ўринда ақлий меҳнатнинг кадрланиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ана шу юқорида зикр этилган жиҳатлар ҳар бир кучли давлат тизими ташкил топишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бинобарин, Президентимиз айтганларидай, ўтиш даврида Ўзбекистонда кучли давлат тизими ташкил топмоқда, мамлакатимиз хавфсизлиги йўлида, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб борилаётган барча ислохотлар кучли жамият барпо этиш ва уни мустаҳкамлашга қаратилган.

Жамият мамлакат ва миллатнинг барча жамоавий ҳамда индивидуал ҳаётини, турмуш тарзи ва дунёқарашини ифодаловчи ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий муайян тузилмадир. Унинг кучли ва демократик тамойиллар асосида қурилиши учун миллат ва мамлакатнинг тарихий ва замонавий, миллий ҳамда умумбашарий анъана ва қадриятлари, орзу ва идеаллари рўёбга чиқиши, такомиллашуви керак.

Кучли жамиятни барпо этмоқ учун миллат ва мамлакатнинг барча ижтимоий-маънавий потенциали асосий миллий манфаат ва умумбашарий тараққиёт тамойилларига ҳамоҳанг ҳолда ҳаракатга келиши зарур.

Кучли жамият қачон ва қандай ташкил топади? Аввало мамлакатнинг барча фуқаролари манфаатларини ифодаловчи ўз Конституциясига эга бўлмоқ зарур. Конституцияни яратмоқ осон, аммо амалга ошириш қийин. Унинг барча бандлари ҳар бир фуқаро онгига етиб бориши ва, ўз навбатида, фуқаро яшаган муҳитида Конституция қоидалари амал қилаётганини ҳис қилиш керак. Конституция тил ва дил бирлигини, широрлар билан амалий фаолият муштараклигини ифодаловчи дастур бўлсагина жамиятни бошқара олади. Қарерда, қачон Конституция қоидалари бузилса, у умумжамият манфаати эмас, айрим гуруҳ ва партиялар нуқтаи назарини ифодаласа унинг ҳам назарий, ҳам амалий мавқеи ва аҳамиятига путур етади. Шунинг учун Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш-

да 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституция-миз улуғ ишлардан бири бўлди. Президентимиз Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқида «Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «фуқаро — жамият — давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик»¹, деган эди.

Ҳуқуқий тамойилларнинг устуворлиги демократик ислохотларни чуқурлаштиришга, мулкчиликка бўлган муносабатни ўзгартиришга, инсон манфаатларини ҳамма нарсадан юқори қўйишга олиб келади. Бундай ижтимоий ислохотлар одамлар онгини ўзгартирмай қолмайди, одамларда миллий ғурур, ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғулари кучайиб боради.

Кучли жамият қуриш йўлида миллатнинг ўзлигини англаши, тарихий ўрнини белгилаши ва жаҳон халқлари орасида обрў-эътиборга сазовор бўлиши ва барча миллий анъана ҳамда расм-русумлари, удум ва бадиий-эстетик қадриятларини ривожлантириш имкониятига эга бўлиши катта аҳамият касб этади. Мустақиллик туфайли ёқавайрон миллатнинг кўнглидаги мушкуллари ечилиб, эркин нафас олади ва унинг ижодкор меҳнати, нафаси туфайли мамлакат боғида янги-дан-янги кўкатлар, гуллар унади.

Унутилган, топталган ва тарих қаърига кўмилган миллий қадриятларга жон ато этилди, диний ва миллий меросимиз ўзанидаги офир тошлар олиб ташланди.

Буларнинг барчаси кучли жамият яратиш учун қилинаётган тарихий ишлардир.

Миллат муаллақ шароит ва муҳитда эмас, муайян мамлакатда, ўз ўт-ўлани, тоғу тоши, боғу дарёлари мавжуд масканда яшайди. Мустақил инсон наинки унга шахсан тегишли кафтдек жойни, балки унинг киндик қони тўкилган заминни, она-Ватанни, мамлакатини асраб-авайлашни ихтиёр этади. Бутун дунёда экологик вазият хавфли бир чизиққа етиб борган замонда мамлакат об-ҳавоси ва табиатига ғамхўрлик, уни келажак авлодларга соф ва гўзал ҳолатда қолдиришга интилиш ҳам муайян жамиятда яшовчиларнинг дунёқарashi, онги ва маслагидан дарак беради. Шунинг

¹ И. А. Каримов. «Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мафкура». Тошкент, «Ўзбекистон», 1993, 120-бет.

учун Президентимиз миллий мустақиллик мафкураси хусусида такрор-такрор уқтириб ўтадики, «Олдимизда турган энг муҳим масала, бу миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этишдир».

Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим. «Эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир. Чунки, тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйикдан, қулликдан қутилмаса, инсон тўла озод бўла олмайди.

Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият — маърифатли инсоннинг икки қанотидир».

Мустақиллик тафаккури, миллий истиқлол мафкураси ана шундай кенг ва катта ижтимоий омилларни ўз ичига олади. Билимдон ва тафаккури теран, маънавияти пок ва маърифатли инсонгина мустақиллик қадрини, аҳамиятини чуқур англаб етади ва уни мустаҳкамлаш устида қайғуради; юқоридаги фазилатларга эга инсонгина ўзининг ва ўз халқининг, Ватанининг қадру қиммати, ор-номусини чуқур ҳис қилиб, уни ҳимоя қила олади; юксак идеаллар оғушидаги инсонгина ўзидаги бор имконият ва истеъдодни, керак бўлса азиз жонини эл-юрт — Ватан учун сафарбар этишга қодир бўлади.

Куч — билим ва тафаккурда экан, мамлакат, жамият ва давлат кучи ҳам шу мамлакат, миллат ва жамиятда етилган ақлий, маънавий потенциалга боғлиқ. Қайси мамлакат ва жамиятда инсон эркин ва озод экан, ўз истеъдодини ҳамда бор имкониятини рўёбга чиқара олишга қодир экан, бу жамият ва миллат кучли, истиқболи порлоқдир.

Бундай ижтимоий-тарихий ислохотларнинг негизи қандай изоҳланиши мумкин? «Тафаккур» журнали Бош муҳаррирининг «Сизнинг фаолиятингиздаги энг устувор йўналиш, энг олий мақсад нимадан иборат?» деган саволига Ислом Абдуғаниевич қуйидагича жавоб беради: «Агар бу саволга бир оғиз сўз билан жавоб бериш лозим бўлса, мен «Халқимнинг омонлиги», деб айтган бўлардим. Содда қилиб айтганда, элу юртимизнинг осо-

йишталиги, осмонимизнинг мусаффолиги, сарҳадлари-мизнинг бехатарлиги, бугунги кунимиздан розилик, эртанги ҳаётга ишонч, оналаримиз ва фарзандларимиз юзидаги табассум, бу — мен ўз фаолиятимда интиладиган энг олий мақсаддир. Халқимнинг осойишталиги ва фаровонлиги мен учун ҳамма нарсадан афзал».

Бинобарин, мамлакат ва миллат истиқлоли ҳамда истиқболи тинчлик-хотиржамликка, одамлар орасидаги тотувлик ва барқарорликка боғлиқ. Тинчлик бор жойда тараққиёт бўлади, тараққиёт эса инсон салоҳиятларининг эркин намоён бўлиши учун сув ва ҳаводай зарурдир. Тинчлик — омонлик, барқарорлик ва хотиржамликнинг баҳоси йўқдир.

Юртимизнинг, халқимизнинг бугуни ва келажаги бўйича сидқидилдан қайғурувчи ва барча ижтимоий-тарихий ва иқтисодий-маънавий жараёнларнинг фалсафий-назарий асосларини кўрсатиб бераётган Президентимиз ўз мулоҳазаларини шундай хулосалайди: «Яратганга минг қатла шукрлар бўлсинки, биз ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳаларда, ҳам хавфсизликни сақлаб қолиш борасидаги энг оғир ва мураккаб даврни бошимиздан эсон-омонлик билан кечирдик. Халқимизнинг донолиги, бағрикенглиги, сабр-бардоши бизни ҳар қандай бало-қазолардан асраб, идрокимизни, ақл-заковатимизни чархлаб, юртимизда осойишталик ва миллатлараро, фуқаролараро тинчликни сақлаб қолишга хизмат қилди. Бугун энди ёруғ кунларга етганимизда ғурурланиб, янги-янги марралар сари қадам қўяётганимиз учун фахрланиб ишлаш ва яшашга асосимиз бор».

И. А. Каримов асослаб берган мустақилликнинг Ўзбекистон модели шундан далолат берадики, бир пайтнинг ўзида ҳам кучли давлат, ҳам кучли демократик жамият қуриш мумкин экан. Бунинг учун тараққиётнинг тамойиллари тўғри танланиши, халқ манфаати, инсон манфаати биринчи ўринга чиққан қонун устуворлиги, виждон амри, тафаккур озодлиги ва миллий ифтихор туйғуси ҳаётда ўз аксини топиши зарур.

Мустақиллик барчамизники. Келажак авлодларга эркин, озод ва обод Ватанни топшириш учун ҳалол, пок меҳнат қилишимиз, маънавият ва маърифат масалаларига эътиборни тобора кучайтиришимиз керак.

Маърифатга чорлаш, маданиятни эгаллаш ва шу туфайли инсон маънавиятини юксалтириш ота-боболаримиздан қолиб келаётган ажойиб меросдир. Маърифатпарварлик бизнинг қонимизда бор.

Ислом Абдуганиевич тарихчи олимлар билан учрашувда буни алоҳида таъкидлаб ўтади: «Маърифатпарварлик биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечолмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди!».

Маънавияти юксак, маърифатли мамлакатдагина инсон шаъни, ақл-фаросати, тафаккур тарзи эъзозланади. Давлат учун, муайян жамият учун бундан юксак, бундан афзал вазифа ҳамда орзу бўлиши мумкин эмас. Фуқароси тинч-тотув яшаган ва эркин нафас олган жамиятгина кучли ва мукаррамдир.

5. ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ

Миллатимиз, мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан кейин шундай ижтимоий ҳодисаларни бошидан кечирмоқдаки, бу ҳодисалар замирини ташкил этувчи жараёнларни таҳлил қилиш ва улардан хулосалар чиқаришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида янги тузумга ўтиш кўпчилик ўйлагандан кўра мураккаб жараён эканлигини таъкидлаб, «Ватан, миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис вазиятларда тўғри йўлни танлай олиш учун аввало тарихни ва ҳаётнинг аччиқ-чучугини билиш керак экан», деди.

Юртбошимизнинг бу сўзларида теран маъно бор. Ўтмиш тарих сифатида асрлар қаърига яширинган ҳодисалар, тафаккур мевалари бирдан янги ижтимоий муҳит заминида ўсиб-униб қолиши, дунё ўйинлари гоҳ чархпалак бўлиб, гоҳ ўрнак-ибрат тарзида келгуси авлод қўлидаги хотира қуролига, тасдиқ ё инкор қаламига айланиб қолиши мумкин.

Наинки, инсоният кеча ё бугун шакланган эмас. У узоқ ўтмиш ва уммоний хотира заҳираси, даврлар, замонлар силсиласини ўзида ташувчи маънавий хазина сифатида амал қилади. Бу маънавий хазинада боши осмон янглиғ кўтарилган шахслар руҳи ҳам, зафарларни қучган баҳодирлар шаъни ҳам, парокандалик ва депсинишлар ругубатларини ифодаловчи қисмат ўйинлари ҳам ҳамма-ҳаммаси мерос бўлиб келаверади. Худди

шу меросдан олинажак сабоқ ва савоблар бугун билан эртанги кунни ёритувчи умид чироқларидир. Президентимиз «Куч — адолатда» деган Амир Темурнинг иборасини ҳозир ҳам биз учун меросий сабоқ ва савобли ўғит эканлигини уқтиради: «Менинг раҳбарлик лавозимда меҳнат қилган тажрибамдан чиқарган энг муҳим ҳаётий хулосам шуки, — дейди юртбошимиз, — адолат биз қураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор».

Демак, адолат ва инсоф ҳар бир кишининг, ҳар бир жамоанинг яшаш ва тафаккур мезонига айланмоғи лозим.

Адолат жамият ҳаётида худди тун қўйнида порлаган алангани эслатади. Алангага барча тирик жон интилганидай, унинг иссиқ тафтидан баҳраманд бўлгиси келганидай, доимо аниқ ва равшан кўринавермайдиган жамият ҳодисалари ҳам адолат туфайли ойдинлашади, жамиятнинг асосий ғоя ва мақсадлари адолат мезонларининг барқарорлиги туфайли одамларни жамиятга, жамиятни одамларга яқинлаштиради. Адолат бузилган жамиятнинг келажаги бўлмайди. Чунки жамиятнинг бош ғояси ишончли кўнгилларда илдиз отгандагина, адолатга ишонган одамларнинг юрагидан шубҳа ва гумон кўтарилгандан кейингина қанот ёзиб мамлакат ичра паноҳ топади.

Шунинг учун Президентимиз жамиятда адолатни қарор топтириш учун, адолатли жамият барпо этиш учун биринчи навбатда фуқаролар ризолиги, миллатлараро тотувлик ва юртимиздаги осойишталикнинг нақадар катта неъмат ва биз эришган муваффақиятлар ичида мақтанса арзигудек жараён эканлигини таъкидлайди.

Тарихан жуда қадимий миллат бўлса-да, тарихимиз юкини кўтаришга сонсиз-саноксиз маънавият қарвонлари зарур бўлса-да, жаҳон цивилизацияси олдида юзимиз ёруғ бўлса-да, тақдир тақозоси билан жуда кўп нарсаларни қайтадан бошлашга, янгилашга, бойитишга ва ривожлантиришга тўғри келмоқда. Халқимиз минг-минг йиллик тарихга эга бўлса-да, XXI аср бўсарасида «Янги ўзбек давлатчилигининг тамал тошини» қўйишга тўғри келди.

Ахир бизни табиий ва тарихий тараққиёт йўлимиздан буриб юборган бўлсалар, бизнинг миллий давлатчилик ва маънавий қадриятимиздан бегоналштириб қўйган бўлсалар, худди совуқ ўлкаларга мослашган мева-

чеваларни гуркираган дарахтаримизга зўрлаб пайвандлагандай, онгимизга ёт ва бегона мафкура уруғларини сепаиб, нимжон ҳосил етиштиришга ҳаракат қилган бўлсалар, бундай гирдобдан чиқиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш керакми-йўқми-ди?!

Халқимиз XX асрнинг сўнгида ана шундай мураккаб маънавий бўҳронга тушиб қолганда миллат тақдири, мамлакат истиқболига даҳлдор масалаларга палапартиш ёндошиб бўлмас эди. Бундай миллат ва мамлакат тақдири ва келажаги ҳақида гап бораётганда чиройли шиор ёки хомхаёлик билан тузилган режалар орқали иш кўриб бўлмас эди. Фақат ўтмишни ёмонлаган билан янги жамият қурилиб қолмас эди. Ҳолва, деган билан оғиз чучиб қолмаганидай эски иллатларни инкор этиш, ўтмишни ёзғириш билан иш битмас эди. Асосий мақсад — ўтмиш хатолар, нотўғри йўллар, кўрсатмалар ва кўникмаларни такрорламаслик ҳамда янги жамиятнинг яшаш ва тараққиёт тамойилларини тез ва чуқур ишлаб чиқиш, Президентимиз айтганларидай, бунёдкорлик кайфиятига ўтиш лозим эди.

Биз худди шу йўлдан бораётимиз. «Миллат, давлат, жамият тақдири ҳал бўлаётган паллада ўзлимизни англаш, маънавий илдиэларимизни унутмаслик» йўлини танладик.

Қорин ғамини тинчитиш мумкин, бунинг учун тадбиркорлик ва ақлли режаларга йўл бериш, халқ меҳнатини уюштири билиш лозим бўлади, аммо маънавий парокандаликнинг олдини олиш, маънавий кемтикликдан чиқиш жуда катта куч ва бардош талаб этади.

Республикамизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари шундан далолат берадики, янги жамият, тузум ва тизимнинг пойдевори хом хаёллар билан эмас, халқимиз заковатини ифодаловчи аниқ ниятлар эвазига қурилди. Аниқ ва шарафли мақсад танлаб олинди. Бундай олижаноб вазифаларни амалга оширишнинг икки томони бор эди: биринчидан, мамлакат аҳволи, миллат тақдирини белгилашда республика раҳбарияти, ҳукуматининг бу ишларга бош-қош бўлишиб давлатнинг асосий ислоҳотчи сифатида майдонга чиқиши; иккинчидан, халқнинг ақл-идроки, заковатини кўрсатувчи фидокорона меҳнатини ташкил этиш зарур эди.

Бу иккала жараённинг бирлигига эришиш, жамиятни олижаноб мақсадлар, буюк келажак йўлида жипс-

лаштириш ва уюштириш Президентимиз зиммасига тушди. Юртбошимиз ўз халқига суянган ҳолда иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳалардаги барча ислохотларнинг ташаббускори ва илҳомчисига айланди. Халқимиз юртбошимиз сўзи ва амалига ишонди, қаноат ҳосил қилди, ўз навбатида, бундай муҳитда тарбия топаётган ёшларимизда соғлом ва ўктам парвоз қанотлари пайдо бўлди.

Тарихдан маълумки, юрт раҳбарига ишонч унинг сўз ва амалларининг тўғри ҳамда пок эканлигидан мамнун қалбларда туғилади ёки қўрқув ва бошқарув тизимининг темир дубулгалари зарбидан чўчиш аломати ҳосил бўлади. Бизнинг янги жамиятимиз ва биринчи Президентимизга бўлган ишонч ва меҳр орқасида минглаб одамларнинг миннатдор ва ҳавас туйғулари жўш урмоқда. Дарҳақиқат, Ислон Абдуғаниевич суҳбат чоғида зикр этганларидай, «Ана шу ишонч одамни эзгу йўлга бошлайди, қанот беради, керак бўлса, мислсиз куч-ғайрат бағишлайди. Азалдан қолган нақл борки, давлат бошлиғи ҳам ўз халқининг феъли-атворига яраша бўлар экан».

Халқ билан ҳамнафас яшаш, халқ вამини ўз елкасида кўтариб юриш, халқ фаровонлиги учун ўз умри, ҳаётини бахшида этиш, доимо одил ва узоқни кўра биладиган раҳбарларга хос фазилат бўлган. Халқ оғзаки ижодиёти, дostonлар ҳамда ривоятларда мамлакат раҳбарининг донолиги унинг қанчалик халқ турмуши ва орзусига яқинлиги билан ўлчанган. Зеро, Алишер Навоий ҳам ёзган эдилар:

Эрусен шоҳ — агар огоҳсен, сен,
Агар огоҳсен, сен — шоҳсен, сен.

Фақат огоҳ раҳбаргина халқ дилида кечаётган ботиний жараёнларни ҳам кўра биледи; фақат огоҳ инсонгина мамлакат осмонида тўпланган булутлар ортидан халқ бошига ярқираб чиқадиган нур бўла олади; фақат огоҳ тафаккур ва чақмоқ иқтидор эгасигина юртни бошқара олади.

Жамият, мамлакат ҳаёти шунчалик мураккаб ҳодисаки, унинг ўсиш ва улғайиш тамойиллари бир ёки бир неча шахслар, жамоалар, гуруҳлар томонидан пухта ва пишиқ ўйлаб чиқилмасин, бу режалар, мақсад ва орзулар қанчалик қонун билан ўз тасдиғини топмасин, агар улар гўё жонли организм сингари инсон, миллат ва мамлакат маънавий дунёсига сингиб кетмаса, ғоялар

ғоялигича, фикрлар бепарвоз, орзулар қанотсиз, мақсадлар сароб ҳолда қолиб кетади. Ана шунинг учун миллат ва мамлакатнинг муайян дардларига хос ва мос туғилган ғояларни йўргаклаб олиш ва миллат бағрига босиш ниҳоятда зарурдир.

Миллий ғояларнинг турли-туман бўлиши табиий. Миллий ғоя тарзида илгари сурилаётган фикрлар ва қарашлар аксарият ҳолларда шу миллат, шу мамлакат манфаатларини кўзда тутаяди. Шу билан бирга, ХХI асрда яшаётган миллатларнинг миллий ғоялари ҳақида гап кетганда бу ғояларнинг, биринчидан, қанчалик миллий манфаатларга мос келиш ва келмаслигига эътиборни қаратмоқ; иккинчидан, миллий ғояларнинг умумбашарий ғоялар, инсонпарварлик тамойилларини ифодалаш даражаларини ҳам инобатга олмоқ зарур. Чунки миллий ғоя байроғи остида чиқадиган экстремистик ва диний ақидапарастлик кайфиятларининг чинакам миллий манфаат ҳамда истиқбол йўлини ёритувчи ғояларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бундай «миллий ғоя»лар миллат манфаатини эмас, мамлакат тақдирини эмас, айрим гуруҳ ва тор доирадаги шуҳратпарастликнинг ифодаси бўлиши мумкин.

Миллий ғоянинг ҳаётбахш ва улғуворлиги унда миллат мустақиллиги, эрки, инсон манфаатлари ҳамда мамлакат равнақи қанчалик ўз ифодасини топгани билан ўлчанади.

Миллий ғоя бир ёки иккита шиорлар, мақсадлар рамзи эмас. Миллий ғоя мусаффо ҳаво янглиф миллат ва мамлакатнинг кўкрагини баланд кўтарувчи руҳий малҳамдир. У, аввало, одамлар тафаккурдан мустаҳкам ўрин эгаллаши, ҳаёт билан баробар туғилиб, шу ҳаётнинг ўзгариши учун хизмат қилишга даъват этилган. Миллий ғоялар гоҳ дунёқараш сифатида, гоҳ идеал сифатида, гоҳ амалий тадбирларнинг ҳуқуқий бирлиги тарзида ифодаланиши мумкин. У қачон ва қай шаклда қарор топмасин, одамлар онги ва тафаккурини чирмаб, эгаллаб олгандан кейингина амалий дастур вазифасини ўтайди.

Одамларнинг қалбига ўрнашмаган, одамлар хайри-хоҳлиги билан йўғрилмаган, одамлар амалиётига дахлдор бўлмаган ҳар қандай миллий ғоянинг келажаги бўлмайди.

Мустақиллик ва эркинликни ўзига байроқ қилиб, халқ манфаатларини умумбашарий манфаатлар билан чамбарчас боғлай олган, миллий маҳдудлик ва ҳар қан-

дай шовинистик баландпарвоз шиорлардан холи бизнинг миллий ғоямиз ташқаридан зўрма-зўраки киритилгани йўқ. Бизнинг миллий ғоямиз халқимиз ва мамлакатимизнинг муайян тарихий даврдаги ўзини англаш ва ўзини тасдиқлаш ғояси сифатида майдонга чиқди.

Миллий тафаккурни, дунёқарашни сунъий йўл билан, тазйиқ ёхуд таҳдид билан ушлаб туриб бўлмайди. У доимо миллий анъаналар ва қадриятлар, узоқ ва яқин тарихий сабоқлардан сув ичиб туради. У эркинликка, кенгликка ва парвозга эҳтиёж сезади. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «биз кишилар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиз, балки биз одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз».

Миллий ғоя абстракт тушунча эмас. У ижтимоий-тарихий шарт-шароитларнинг маҳсули ва унинг мафкуравий воситаси сифатида кўзга ташланади. Ўз навбатида миллий ғоя мафкурани ифодаллаганидай, мафкура ҳам миллий ғояларнинг муштарак бирлигидан ташкил топади.

Миллий ғоялар миллий мафкурани конкретлаштиради, ҳаётдаги аҳамияти ва истиқболини белгилайди.

Бизнинг бугунги мустақилликни мустаҳкамлаш давримизда миллий ғоя билан миллий мафкуранинг муштараклашув, яъни бир мақсад йўлидаги маънавий тамойил тарзида амал қилиш хусусияти мавжуд. Миллий мафкурамизнинг миллий ғояларни амалга оширишдан бўлак мақсади бўлмаганидай, миллий ғояларнинг қарор топиши ҳам миллий мафкуранинг ҳаётбахшлигига боғлиқ.

XXI асрда халқимизни бирлаштирадиган, унга истиқбол йўлини кўрсатадиган, мустақиллигини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган қандай миллий ғоя, миллий онг ва миллий мафкура керак, деган савол туғилади.

Ўтган давр ичида халқимизнинг онги ва тафаккури наинки бойиди ва кенгайди, энг муҳими, ўзгарди, ўзгарганда ҳам чуқурлашиб янгиланди. Тафаккур ва онгимизнинг тарих тақозоси билан бир-бирига ёпишиб, елимланиб, пировардида қоронғулашиб қолган қатламларига мустақиллик нури кириб борди. Онгимиз ичига чироқ ёқилди. Бу чироқдан кўзларимиз мошдай очилиб, дунёни, ўзимизни ва ўзлигимизни кўра олиш имкониятини қўлга киритдик. Гумроҳлик ва манқуртлик

караҳтлигидан чиқиб олишнинг ўзи ҳазилакам иш ва жараён эмас.

Мустақилликнинг дастлабки ва энг олий неъматидан ана шу ўзлигимизни англаб етиш бўлди. Ўзлигини англаб етган тафаккурнинг биринчи белгиси миллий ғоя, миллий мафкурадан баҳраманд бўлиш демакдир. Миллий мафкуранинг маънавий амалиётга ўтиши учун маълум давр, шарт-шароит ва чора-тадбирлар зарур эди, бу ҳам бажарилди. Мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталик ва барқарорлик миллий мафкура доирасида учраши мумкин бўлган ички зиддиятларнинг олдини олди ва уни кенг миқёсда халқ ва мамлакат қалбига кириб боришига имкон яратди. Одамларимиз онги ва тафаккурида ўзгариш тамойили кучайган экан, одамлар ўз ҳаёти ва истиқболини миллат ҳамда мамлакат истиқболи билан боғлиқ эканлигини чуқур ҳис қила бошлаган экан, ҳар бир соҳада ўзгаришлар, ютуқ ва муваффақиятлар кун сайин кўпайиб, кенгайиб бораётган экан, мафкура соҳада энди иш қолмади, ҳамма нарса ўйлаганимиздай давом этиб бораверади, дейиш тўғрими?

Биз дунёда муаллақ бир ҳудудда яшамаётганимиз, атрофимизда турли тизим ва тузумдаги халқлар ва мамлакатлар мавжудлиги, мафкурадек нозик маънавий жараённинг узлуксиз ўсиш ва ўзгаришда бўлиши, айниқса, ёшларимиз тафаккури, дунёқарашини шакллантириш масалаларига бефарқ бўлмаслик кераклигини назарда тутмай илож йўқ. Шунинг учун Президентимиз миллат, мамлакат ҳаётида қуроли таҳдидга нисбатан мафкуравий таҳдиднинг хавfli эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтадилар.

Мафкуравий таҳдид юзаки қараганда бирдан ва бевосита кўзга чалинмаслиги мумкин. Мафкура инсон онги, тафаккурида шаклланади. Маълумки, инсон онги, тафаккури ва дунёқарашининг оғир-енгиллигини кўриб бўлмайди. Уни фақат хаёлдан чиқиб ҳаётда қадам кўйишидан сезса бўлади. Шунга биноан, онги, тафаккурни таҳликага солувчи ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олиш, уларга йўл қўймаслик ва ўрни келса қақшатқич зарба бермоқ зарур.

Президентимиз бизнинг тинч ва осойишта меҳнат қилиб яшашга даъват этувчи миллий мафкурамизга таҳдид солиши мумкин бўлган айрим жиҳатлардан огоҳлантиради: «Биздан узоқ-яқин масофаларда жойлашган айрим ислом давлатларидаги ўрта асрларда мавжуд

бўлган мусулмон халифалигини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган муайян ташкилотлар мавжуд. Улар катта маблағ ва мафкуравий таъсир воситаларига эга. Албатта, бундан тўрт аср бурунги воқеликни бутун амалда қайтадан тиклаб бўлмаслиги аён. Лекин уларнинг нияти — ягона мафкуравий макон барпо қилиб, ислом динини сиёсийлаштириш ва шу асосда ҳукмронлик қилиш, ҳокимиятни қўлга киритишдир. Уларнинг фикрича, мусулмонлар яшайдиган мамлакатлар ўртасида ҳеч қандай маъмурий чегаралар бўлмаслиги керак, бу давлатларнинг барчаси ягона халифалик маркази томонидан бошқарилиши зарур».

Бундай «Ҳизби таҳрири исломия» ташкилотининг қарашлари бошидан охиригача қолюқ ва бузуқ мафкуранинг ифодасидир. Бу ташкилот аъзолари мусулмон оилаларининг ёш фарзандлари онги, дунёқарашини забт этишга, пировардида миллий ғоя, миллий мафкура тушунчалари ўрнини ўрта аср руҳидаги ислом ақидалари билан тўлдиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Диний экстремизм, ваҳҳобийчилик ва «Ҳизби таҳрири исломия» қарашларини инкор этиш ислом фалсафаси, ислом дини ва унинг инсон маънавиятини поклантириш йўлидаги ғояларига қарши чиқиш деган гап эмас. Ота-боболаримиз эътиқод қўйган, тинчлик ва осойишталикни юксак қадрловчи, одамларни инсофу тавфиқ ва иймонга чорловчи таълимотга ҳеч қандай эътироз йўқ. Бироқ диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга интилиш бу бошқа масала. Сиёсий мақсадлар, демократик тамойиллар ва жараёнларнинг ўз йўли, қонун-қоидалари мавжуд.

Президентимиз айтганларидай, ҳар ким ўз ишини қилсин, «дин диннинг ишини, давлат давлатнинг ишини қилсин». Давлат диний масалаларга аралашмаганидай, дин ҳам давлат ишларига, сиёсий жараёнларга аралашмасин.

Агар ёшларимиз орасида ўз мамлакатада исломий қадриятларнинг ривожини, маънавий юксалишнинг жамолини кўришга хайрихоҳлар бўлар экан, улар биринчи навбатда замон фарзанди, миллий ғоя ва миллий мафкура эгаси бўлган билимдон ва маърифатли инсон бўлмоғи лозим. Улар азалий ва абадий маънавий қадриятларимиздан узилмаган ҳолда замонавий тафаккур даражасидаги билим ва идрокка эга бўлишлари керак.

«Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» мақоли ҳозирги бизнинг миллатимиз, Ватанимиз бирлиги, тинчлиги

учун ҳам жуда тўғри. Миллий ғоя, миллий тафаккур ва миллий мафкура йўлида ўз-ўзимиз қанчалик бирлаш-сак, жипслашсак жаҳон халқлари кўз ўнгида кучимиз, мавқеимиз ва ўрнимиз шунчалик баланд кўтарилади. Бировларга суялиб, бировларни паноҳ тутиб, бировларнинг этагидан ушлаб юрган ва юрадиган пайтлар қолиб кетди. Мустақил қадам, мустақил тафаккур ва мустақил амалгина доимо бошқаларда ҳурмат ва эътибор уйғотган. Мутеълик, тобеълик меваси ҳар қандай чиройли қоғозларга ўраб берилмасин, у бемазалигича қолаверади. Ўзимизнинг кучимиз, ўзимизнинг маслагимиз ва ўзимизнинг онгимиз туфайли етилган мева, гарчи у ҳали биров хомроқ бўлса-да, шира тортиб бошқаларда ҳавас уйғотмаётган бўлса-да, у ўзимизники, у ўзи бекники! Ҳаётда хоҳ шоҳми, хоҳ фуқароми ўз мустақил Ватани, ўз мустақил фикри, мустаҳкам эътиқоди бўлсагина тенглар даврасида тенг, кенг дунёда кенг қулоч отади.

«Мафкура соҳасида бизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган яна бир хавф, — дейди Ислом Каримов, — бу ўзбек миллатининг тарихини сохталаштириш, турли хил ғайриилмий талқинлар, сиёсий шиорлар билан бизни тарихимиздан, шарафли ўтмишимиздан жудо қилишга уриниш тарзида намоён бўлмоқда. Хориждаги баъзи сиёсий арбоблар ва олимларнинг даъволарига кўра, алоҳида ўзбек деган миллат йўқ эмиш, балки умумий туркий халқ бор эмиш. Шунинг учун ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, татар, бошқирд, уйғур ва ҳоказо тушунчаларга барҳам бериш керак эмиш».

Бундай қарашлар наинки тарихни билмаслик ёки била туриб уни сохталаштиришдан иборат бўлиб қолмай, арзон-гаров назарий «кашфиёт»ларга даъво тарзида ҳам кўзга ташланади.

Агар Президентимиз «Туркистон — умумий уйимиз» шиорини ўртага ташлаган бўлсалар ва у соғлом тафаккур юритувчи халқларга маъқул тушган экан, бу нарса Ўрта Осиё минтақасида жойлашган, тарихан шаклланиб, ўз тили ва маданиятига эга туркона қавми ташкил этувчи миллатларнинг мустақил миллий турмуш тарзи ва маданиятини инкор этмайди. Шиорнинг асл моҳияти шундаки, Ўрта Осиё халқлари шундай бир жаннатмакон муҳитда қарор топганки, уларнинг осмони бир, ҳавоси бир, дини бир, юдузу ой, қуёшу сайёралари бир, «Ватан» деб киндик қони тўкилган масканлар бир-бирига туташиб кетган. Ана шу турли

миллатлар яшайдиган Туркистондек умумий уйимизнинг тинчлиги, барқарорлиги ва келажаги бўйича қайғуриш ҳар биримизнинг гуллаб-яшнашимизга замин ҳозирлайди. Туркистон — умумий уйимиз, аммо ҳар бир хонадоннинг ўз уйи, ўлан-тўшаги ва бола-чақаси бўлак бўлганидай, Туркистондаги ҳар бир миллатнинг ҳам тарихан шакланган тили, урф-одатлари, маданияти ва маънавияти мавжуд. Улар ўртасида «Хитой девори» ўрнатиш қанчалик хато бўлса, уларнинг тарихан таркиб топган фарқини, ўзига хослигини кўрмаслик ҳам шунчалик хатодир.

Тарих — халқ хотираси экан, биз жуда қадим замонларда яратилган маънавий-маданий ёдгорликлар билан қанчалик чуқур танишар эканмиз, қиёфамиз, урф-одат ва анъаналаримиз минг йиллар мобайнида турли тарихий жангу жадаллар, қиргин ва талафотларга қарамай шу бутунги кунгача ўзида халқимиз руҳига, тафаккур тарзига хос жиҳатларни сақлаб келганига гувоҳ бўламиз. Бунинг биргина мисоли «Авесто»дир. «Санъат» журналининг 1991 йилги сонларида «Авесто»нинг бир қисмини Асқар Маҳкам таржимасида биринчи марта она тилимизда нашр этган эдик, 1999 йилдан бу хайрли ишни «Гулистон» журналида давом эттирмакдамиз. Туркия, Эрон, Озарбайжон ва бошқа мамлакатларда сақланиб қолган «Авесто» нусхаларини тўплаб, бу муқаддас китобни халқимизга туҳфа этиш ниятида катга ва савобли ишни олиб бормоқдамиз. «Авесто»ни қўлга олган халқимиз қадимги Хоразм заминида пайдо бўлган бу нодир меросимиз бизнинг маданиятимиз, тарихимиз боши бекорга нуроний тус олмаганига гувоҳ бўлади.

Миллат исталганча қаламча қилиб, қаерга суқиб қўйсанг илдиз отадиган терак эмас, у азалий ва абадий илдизли, гоҳ сув ва қуёш тароватидан гуркираган, гоҳ қурғоқчилик, табиий ва ижтимоий бўҳронлар азобидан сўлиб қоладиган, аммо узоқ асрлардан буён яшаш учун интилган ва курашиб келётган мевали дарахтдир.

Бундай миллат ва қардош халқлар тарихи фалсафасини теран англаган Президентимиз айтганларидай, «Биз қадим тарихий илдизларимиз туркий халқлар билан бир эканини, тилимиз, динимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз ва маданиятимиз муштарак бўлганини эътироф этамиз, улар билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш тарафдоримиз. Лекин биз ўзимиз-

ни ҳамиша мустақил миллат — ўзбек халқи сифатида ҳис этиб келганмиз ва бу билан фахрланамиз».

Худди ана шу маънода миллат тараққиётининг муайян даври учун долзарб ва асосий ҳисобланган миллий ғоя, миллий мафкура тамойиллари миллат тарихи ва уни идрок этиш даражасига боғлиқ бўлади. Чунки долзарб миллий ғоя, маънавиятни қамровчи миллий мафкура осмондан тушмайди, у ерда юрган одамларнинг қалбида, шуурида етилиб, шу ер, шу замин, шу Ватан хизмати учун қаратилгандагина унинг умумбашарий аҳамияти ва мавқеи ҳам ортиб боради.

Миллий мафкуранинг одамлар онги ва тафаккуриндан чуқур ўрин олганига асосий мезон шу азиз Ватанмиз, шу азиз халқимиз қадриятлари барчамизники, бу Ватан, бу миллат учун яшаш ва унинг истиқболи учун ҳалол ва пок меҳнат қилиш биз учун катта бахт эканлигини ҳис қилишдир.

Муайян даврдаги миллий ғоя, миллий мафкура, яъни жамиятнинг асосий мақсадини умумбашарий идеаллар, демократик тамойиллар билан уйғунлаштириш масаласи ҳам жуда муҳимдир. Бу жараён миллатни ўз қобиғида ўралашиб қолиш хавфидан озод этади, унга жаҳон миқёсида жаҳоний тафаккур юритиш имкониятини беради. Чунки инсоният учинчи минг йиллик остонасида ана шундай тараққиёт ва цивилизацияни қўлга киритди. Инсоният тақдири ҳар бир миллат ва мамлакат тақдири билан, ҳар бир миллат ва мамлакат қисмати инсоният истиқболига дахлдор бўлиб қолади. Давримизнинг бундай ўзига хос ва мураккаб ижтимоий-тарихий жараёнларини унутиш асло мумкин эмас. Инсоннинг ўз миллати ҳамда Ватани, шунингдек, инсоният олдидаги масъулияти ва бурчини ҳар бир ёш авлод руҳида сингдириш, ёшларда ватанпарварлик туйғуларини инсонпарварлик тамойиллари билан уйғун камол топтириш зарурияти кучайди.

XXI асрда яшаётган бугунги ёшларимизнинг маънавияти ана шундай кенг ва чуқур, соф ва беғубор бўлмоғи даркор. Тўғри, маънавиятдек, инсон ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олувчи тушунчанинг аниқ ва мутлақ фалсафий мезонини белгилаш қийин. Лекин, бу деган сўз маънавиятнинг шаклланиш ва юксалиш меъёрларини кўриб бўлмайди, деган гап эмас. Бугун жамият миқёсида олиб борилаётган, инсон руҳиятини поклантириш ва дадиллаштириш билан боғлиқ барча ишлар унинг қанчалик катта натижалар

бераётганидан далолат беради. Мустақилликкача бўлган тушунча, тасаввур ҳамда кечинмаларимиздан бутунги руҳимиз, маънавиятимиз нақадар катта фарқ қилиши ҳаммага аён. Буни ҳар ким ўзига ўзи берадиган «Кеча ким эдигу бутун ким бўлди?» деган жавобдан англаб олса бўлади.

Демак, маънавият миллатнинг ижтимоий ҳаёти ва тажрибаси билан ҳамроҳанг шаклландиган ва камол топадиган узлуксиз жараёндир. «Фикр, тафаккур, ҳистуйғу тиним билмаганидек, — дейди Ислом Каримов, — уларнинг маҳсули ўлароқ маънавият ҳам доимо ўзгариш ва янгиланишда бўлади.

Маънавият деганда авваламбор одамни руҳан пок-ланишга, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган кучни тасаввур қиламан».

Шундай экан, маънавият масалалари айрим тадбир, кампаниябозлик ёки қуруқ ваъзхонлик йўли билан эмас, жамиятнинг барча тизим ва жабҳаларида баравар ҳамда мунтазам равишда иш олиб борилиши зарур.

Маънавият масалаларининг бирламчи ёки иккиламчи вазифалари йўқ, уларнинг барчаси бир йўла ҳамда доимий диққат-эътибор ва ҳушёрлик марказида турмоғи керак. Шунинг учун таълим-тарбия, билим ва дунёқарашга катта аҳамият берилмоқда. Бола тарбияси бешиқдан бошланганидек, маънавий баркамоллик ибтидосини ҳам боғча, мактаб, олий ўқув юрглари ва ҳоказо масканлардан бошлаш зарурки, у кечиктирилса, эгри кўчатни синдирмасдан тўғрилаш қанчалик қийин бўлса, маънавий камолотга эришиш ҳам шунчалик кечикади, ё офир кечади.

Президентимиз XXI асрда ҳам амал қиладиган маънавият соҳасидаги дастуримизнинг асосий йўналишини қуйидагича белгилайди: «Эркин фуқаро — онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур».

Ёшларимизга бу фикрнинг моҳиятини тушунтирмоқ керак. Ўтиш даврининг дастлабки босқичларида одамларнинг онгини эски тузум сарқитларидан тозалашга, уларнинг қалбига мустақиллик ғояларини синдиришга ҳаракат қилинди. Ишонч билан айтиш мумкинки, бу вазифалар муваффақиятли бажарилмоқда.

Биз бугун фуқароларнинг эркинлиги ва мустақил тафаккурига асосланган жамият қураётган эканмиз, ёшларимизга жамиятда мутлақ эркинлик бўлмаслигини, мустақил фикрлаш масъулиятсизлик ва бурчни унутиш эмаслигини тушунтириб боришимиз зарур. Фуқаро эркинлиги янги ижтимоий тузум томонидан кафолатланса-да, фуқароларнинг жамият манфаатларига мос келмайдиган мутлақо эркин хатти-ҳаракатларининг кафолати эмас. «Мен эркин фуқароман, мустақил тафаккурли инсонман, билганимни қиламан» қабилида яшаш тарзини ўзгартириш инсоннинг ижтимоий ва миллий моҳиятига зид ақидадир.

Президентимиз «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» асарида огоҳлантириб ўтганларидай, худди шундай ақидани ўзига касб қилиб олганлар ичида тинчлик, барқарорлик ва тараққиётга хавф солувчи диний-экстремистик, агрессив миллатчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик, коррупция ва жинойтчилик, наркобизнес сингари касалликларга гирифтор бўлиб қолган шахслар учраши мумкин.

Шунинг учун ёшлар тарбияси ва бу тарбия замини-га уларнинг маънавиятини ҳаракатга келтирувчи мустақиллик ғоялари, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш туйғуси, Ватан истиқболи йўлида ҳалол ва пок меҳнат қилиш сингари миллий мафқуранинг ўзак томирларини сингдириш давримизнинг долзарб масаласидир.

Эркинликни билим билан, билимни иймон билан, иймонни эътиқод билан, эътиқодни Ватан равнақи йўлига қаратиш билан мустаҳкамлаш ёшлар маънавиятини шакллантиришдаги бизнинг асосий вазифамиз бўлмоғи зарур. Зеро юртбошимиз айтадиларки, «Олдимизда ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айна замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир».

Бундай инсонлар шакллана бошлади. Мустақиллик даври ёшлари ана шундай халқимизнинг XXI асрдаги буюк бунёдкорлик ишларига ўзларини сафарбар айландирган фидойи инсон бўлиб етишяётганини ҳаётнинг

ўзи исботлаб бермоқда. Улар умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиб, замонамизга татбиқ этган ҳолда, миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша имон-эътиқод билан яшаш сингари ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, юксалтириб борган ҳолда бундай шарафли ишларни бажаришга даъват этилган.

Халқимиз билим тарқатувчиларни ёхуд билимдон одамларни зиёли деб бекорга айтмаган. Билимсизлик инсонни жаҳолат ботқоғига тортса, маърифат уни маънавият осмонига кўтаради. Шунинг учун ҳам мустақиллик истиқболини маърифат ва маънавият даражаси билан ўлчаш тамойили кучайди.

Агар шаҳар бўйлаб айланган киши бир қаватли, икки қаватли шундай иморатларга кўзи тушадики, унинг ташқариси бунақа бўлса, ичи қанақа экан, деган саволга жавоб топа олмай қолади. Халқимизнинг бойиши, бадавлат кишиларнинг кўпайиши яхши нарса, бу ҳам мустақилликнинг шарофати. Бироқ ўйлаб қоласан, киши. Наҳотки бу ғаройиб саройдек қурилган, ҳовлиларининг ўртасидаги мрамар ҳовузлардан тортиб, ертўладаги биллиард хоналар, сауна ва қимматбаҳо мебеллар, антиқа жиҳозлар, шоҳона ҳаёт ҳалол меҳнат эвазига бўлса?

Бунақа саройларда инсон яшаши учун ҳамма нарса бор. Уй эгаларини қўриқловчи итлар ҳам боқилади. Бироқ маърифат шамчиروқлари эса афсуски хира ёнади. Бу ерда на биронта газета, ё журнал, китоб кўрасиз. Мабодо китоб териб қўйилган жавонлар бўлса ҳам улар хўжакўрсинга. Уларни ҳеч ким варақламаган, бироқ хорижий телевизор, видеомагнитофон, видеокамералар исталганча топилади.

Замонавий ва маданий яшашнинг айби йўқ, албатта. Ҳар ким шунга интилсин, майли. Бироқ инсоннинг инсонийлиги, бойнинг муруввати, ҳаётнинг маъноси, яшашнинг мақсади бўлганда — гўзал. Фақат шахсий бойлик кетидан қувиш, нафс қули бўлиб қолишнинг оқибати яхшиликка олиб келмайди. Бу нарса миллий анъаналаримизга ҳам, замонавий мафкурамизга ҳам мос эмас.

Президентимиз жадидларнинг маърифатпарварлик соҳасидаги фидойилиklarини бежиз тилга олмадилар: «Асримиз бошларида жадидларнинг ўз ҳисобидан мактаблар, кутубхоналар, қироатхоналар, театрлар, рўзномалар ташкил этганликларини, дарсликлар, қўлланмалар нашр қилганликларини, уларни Туркистон

болаларига бепул тарқатганликларини бир эслайлик. Наҳотки бугун юртимизда ана шундай саховат булоқлари қуриб қолган бўлса! Ишончим комилки, бундай фидойи, сахий инсонлар диёримизда кўплаб топилади... Ахир тўкиб-сочиб қилинаётган тўртта тўй ўрнига битта мактаб курса бўлади-ку! Ахир шу мактабда бегона эмас, ўзимизнинг фарзандларимиз, эртага сизу бизнинг ўрнимизга келадиган, чироғимизни ёқадиган, шу Ватанга эгалик қиладиган ўғил-қизларимиз ўқийди-ку!»

Биз келажакимиз тақдирини ана шундай фидойи инсонлар, ўз эҳтиёжларини тафаккур тарозусида, иймон кўзгусида идрок этадиган, нафс балосидан фориг ёшлар қўлига топширишимиз лозим. Бу ёшлар ҳар қанча ғурурланса, фахрланса арзийдиган халқи, миллати, Ватани, унинг тарихи ва қадриятлари бор. Шунинг учун ёшларимизда миллий ғурурни тарбиялаш ишларини ҳар куни ва мунтазам олиб бориш уларнинг маънавиятини юксалишининг гаровидир.

Миллий ғурурнинг ўтмиш аждодларимиз меросини чайқовчилик қилиб, кўкракка муштлаб гердайишдан фарқи бор. Миллий ғурур қуруқ мақтанишни эмас, мен фалончи авлодиман, мен писмадончи меросхўриман, деб айюҳаннос солишда эмас, миллат, Ватан, тарих ва истиқбол учун қайғуришни, шахсий сафарбарликни, халқ, Ватан дардларига дармон бўлишни, яъни маънавий баркамолликни талаб этади.

Бинобарин, ёшларни «Авесто»да зикр этилгандай эзгу фикрат, эзгу калом ва эзгу амалларни бирлаштирувчи ёрқин хаёл ва ёрқин ҳаёт муштарақлиги руҳида тарбиялаш барчамизнинг шарафли вазифамиздир.

6. МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Ҳар бир даврнинг ўз дарди, талаби ва эҳтиёжлари бўлади. Мустақиллик одамлар ва жамият тақдирига тааллуқли жуда кўп жумбоқларни ечиб ташлаш билан баробар маънавиятимизнинг қатор муаммоларини кўндаланг қилиб қўйди. Айниқса, ахлоқ-одоб масалалари катта аҳамият касб этиб қолди. Бунинг сабаблари кўп: бир томондан, инсон деб аталмиш ҳаёт гултожисига бўлган муносабат ўзгарди, уни азалий ва абадий пок маънавият йўлига қайтариш режалари тузила бошланди; катта ёки кичик, яхши ёки ёмон, илғор ёки жоҳил миллат бўлмаслиги, ёмонликнинг миллати-ю,

яхшилиқнинг чегараси йўқлигига қаноат ҳосил қилдик: инсон ўз миллати анъаналари ва умумбашарий қадриятлар асосидагина камолотга эришиши оғизда эмас, амалда тан олинди; иккинчидан, сохта байналмилалчилик, қоғоздаги халқлар дўстлиги ғоялари одамлар орасида узоқ замонлардан буён шаклланиб, ривожланиб келаётган биродарлик туйғуларига раҳна солиб қўйгани, одамларнинг миллат ажратмаслиги учун, бирибирга меҳрли-оқибатли бўлиши учун уруш ёки қаҳатчилик, зилзила ёки табиий офатларни бошидан кечиришлари шарт эмаслиги, ижтимоий адолат ўрнатилган жойда халқлар ва миллатларнинг чин инсоний фазилатлари гуркираб унишига ишонч ҳосил қила бошладик. Айрим одамларни алдаш мумкин бўлса ҳам миллатларни узоқ лақиллатиб бўлмаслигига энди ҳамма тушуниб етди.

Президентимиз Ислом Каримов ёзганларидай, «Тарихий шон-шухратимизни, бугунги кунимизни, жаҳонда тутган ўрнимизни англаб, порлоқ келажакка муносиб соғлом авлодни тарбиялаш ва вояга етказишга эътибор бераётганимиз ҳам бугунги кунимизнинг ёрқин белгисидир»¹.

Ана шундай миллий ўзликни англаш, миллий ғурур, ифтихор туйғулари кўтарилаётган пайтда ҳўлу қуруқ барабар ёниши ҳам мумкин. Бундай миллат тақдири ҳал бўлаётган пайтларда унинг жаҳон халқлари маънавият кўзгусида ярқирайдиган анъаналари, одат ва фазилатлари, бу неъматларни ўзида мужассамлаштирган даҳолар шуури ва миллат юзини ерга қаратадиган «бебошлар» қисмати ва ҳоказолар ҳар бир халқнинг мўайян даврдаги ахлоқий-руҳий оламини ташкил этади.

Баркамол ахлоқ ва яхши хулқ бирданига пайдо бўлмайди. Халқ ахлоқий мезонлари кўҳна она замин билан, Ватан деб аталмиш мўъжиза бир диёр билан, унинг жонли ва жонсиз хилқати, қуёши, ҳавоси, булоғу дарёларига руҳий ришталар билан боғланган. Бу ришталар худди она вужудидан ҳаёт нуруни олувчи бола киндиги сингари она заминга уланган. Ана шунинг учун ахлоқий тасаввурларимиз, адаб мактабимиз пировард натижада миллат учун, унинг обрўси ва истиқболи учун хизмат қилсагина бошқаларда эҳтиром ва ҳавас

¹ Ислом Каримов. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир». Тошкент, «Ўзбекистон», 1995, 91-бет.

туйғуларини уйғотади; ана шундагина миллат ўз ўтмишини, тақдирини, урф-одатларини унутмайди. Яхши фазилатлар, одатлар, анъаналар ва имонли кишилар сиймоси авлодлар йўлини шамчироқ янглиғ ёритиб боради.

Дунёда шундай бир китоб борки, у ҳеч қачон ўқиб тугатилмайди, шундай бир мусиқа асари борки, уни охиригача ижро этиб бўлмайди. Бу халқ, миллат ҳаёти, тақдири, урф-одатларидир.

Мустақиллик тугилган тилларни бийрон қилиб юборди, эгилган билакларга куч берди, орзуманд нигоҳларга нур бағишлади, тафаккур уфқини кенгайтди, миллат тақдири ва инсоний идеаллар қисматини адолат ва истиқбол тарозиси устига қўйди.

Ҳар инсон ўз қўшиғини айтиш билан баробар замон-ва миллат куйига қулоқ тутиши ҳам қарз, ҳам фарз бўлиб қолди. Шу боис, баъзи унутилган ёки одатий бир йўсиндаги фазилатларимиз, ахлоқу одоб соҳасидаги бебаҳо мулкимизни эслаш қанчалик кўнгилини яшнатиб юборса, замона зайли билан халқимизга кириб қолган ёки таъбимизни хира қилаётган жиҳатлар шунчалик дилимизга озор беради.

Ўзбек халқи хусусида қаерда, қачон гап кетмасин, унинг меҳнаткашлиги, болажонлиги, меҳмондўстлиги, бағри кенглиги, сахийлиги ва инсонпарварлиги тилга олинади. Халқимизнинг бундай фазилатлари билан фахрлансак-да, шўролар замонининг охириги йилларида марказий газета ва журналлар саҳифаларида қора ҳарфлар билан битилган «Ўзбеклар иши», «Ўзбекистондаги порахўрлик, миллатчилик» сингари ибораларни ўқиб юрак-бағримиз ўртаниб кетган эди.

Кечани кеча, кундузни кундуз демай, ўзи емай биронинг оғзига нон тутишга одатланган, меҳмон деса тик оёқда турадиган, биродарлик шундай бўлса керак, деган ориятда топган-тутганини, «оқ олтин»ини сариқ чақага алмаштириб кун кўриб келаётган, одам бошига Иттифоқда энг кам маош олиб «бошда дўппи, гердаийб юрган» ўзбегим-халқим ҳақидаги ҳақорат сўзлар кимни ларзага солмаган эди! Ойни этак билан ёпиб бўлмас экан, қизил империя мафкурачилари юқоридаги сўзларни пешонамизга муҳрлаб қўймоқчи бўлдилару, уддасидан чиқа олмадилар. Ҳақорат ўқлари миллат пешонасини теша олмас, меҳнат тери билан ярқираган манглаймизга қўнаётган қуёш нурларини сўндира олмас, аксинча, юракларни жунбушга келтириб, ўзлиги-

мизни танишда ва уни янада ёрқинроқ намоён этишда кўзларимизни очди, холос.

Қачонки инсон жамоалари расмиятида, кимнидир кимлигини аниқлашда унинг миллатига эътибор берилар экан, у битгами, ўнгами, қанча бўлишидан қатъи назар, фазилат ва нуқсонлари билан у халқига ё шон-шухрат келтиради, ё ҳамюртлари бошини ерга қаратади. Гап яққа оила фожиаси ҳақида борадими, миллатнинг маълум даврдаги мураккаб иқтисодий-маънавий аҳволи хусусида бўладими, бу кўргуликларнинг негизида миллатнинг ахлоқий, маънавий ва миллий фазилатлари, анъаналарига бўлган муносабат ётади. Бу муносабат доимо тўғри бўлдими? Яхшилик ва инсонийлик, олижаноблик ва меҳнатсеварлик учун нималар қилдигу, ёмон сифатларнинг пайдо бўлиши ёки кўпайиб кетишига нималар сабаб бўлди, деган саволлар туғиладди. Ҳа, ўтган юз йил оралиғида жуда кўп хатоликлар бўлди. Бу хатоликларнинг энг даҳшатлиси миллатларнинг маънавий қадриятларига бефарқлик, уларнинг инсон учун нақадар азиз ва мўътабар қирраларини рандалаш, миллий анъаналарни умуминсоний қадриятлардан сунъий равишда ажратиш, миллатларнинг ўзлигини англаш ва бетакрор маънавиятини юксалтиришга бўлган табиий эҳтиёжни тушуниб етмаслик бўлди.

Маълумки, миллий кўтарилиш, миллий ўзлигини англаш, маънавий қадриятлар кўламини кенгайтириш жараёни ҳам ахлоқий тасаввурларимиз, анъаналаримиз ва эзгу фазилатларимизга бориб тақалади. Ижтимоий кўтарилиш ҳеч қачон ахлоқни, инсонийликни бузишга олиб келмаган. Ижтимоий ҳаракат илғор ва олижаноб миллий фазилатларга қанот бағишласа, халқ оммаси руҳияти ва орзулари билан йўғрилган бўлса миллат ва миллий ўзига хосликлар гуллаб-яшнаши мумкин. Ҳеч қачон миллат ёки миллий қадриятлар номидан шахсий ғараз ёки шухратпарастликни кўзлаб айтилган сўз юракларга етиб бормаган, қилинган ишлар миллий қадриятлар кўркини оширмаган.

Хайриятки, мустақиллик туфайли миллий урф-одатларимиз, ахлоқу одобимиз, эзгу фазилатларимиз орасида аста-секин содир бўлаётган касалланишнинг олди олинди. Агар мустақилликкача кечган аҳвол давом этганда борми, XXI асрда насл-насабини, ота-онасини танимайдиган ўзбекларга айланиб қолардик.

Халқимизда шундай миллий одат, анъана ва фазилатлар борки, улар бошқа халқларда йўқлигидан таш-

қари (мен бошқа миллатларнинг яхши сифат ва анъаналарини камситаётганим йўқ), инсоният маънавиятининг нодир зарварақлари сифатида бошқаларда ҳайрат уйғотишга имоним комил. «Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил, — деган эди И. А. Каримов. — Бизлар тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, каттанинг ҳурмати, кичикнинг иззатини жой-жойига қўйиб, бевабечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, хуллас, одамгарчиликни барча нарсадан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандлари бўлаемиз»¹. Жамоага суяниш ва жамоатчилик фикрини ҳурмат қилиш халқимизнинг энг олижаноб фазилатидир. Буни маҳаллардаги ижтимоий-ахлоқий расм-русумлар исбот қилиб келмоқда. Биргина тўй маросимимизнинг ўзини миллий фазилатларимизнинг гулдастаси деса бўлади. Ўзбек хонадонигаги бирорта тўй кенгашсиз, маслаҳатсиз ўтмайди. Ҳатто келин ва куёв танлашдан бошланадиган одатларимиз ҳам келажақдаги ёш оиланинг тинч-тотувлигини назарда тутаяди: кимнинг фарзанди, ота-онаси қанақа одамлар, маҳалла-кўйда обрўси қанақа, мустақил оила тебратиб кетишга қурби етадимиз, ёмон қилиқ ёки одатлари йўқми, қариндош-уруғлари қанақа одамлар, ҳатто авлод-аждодларида бирор андуҳлик аломатлари бўлмаганми? Бу саволларга ижобий жавоб олингангина икки томон ўз рози-ризалигини беради. Бундай одатларимизнинг нимаси ёмон? Ҳа, деб бунақа саволлар билан келин ё куёв изланса, ёшларнинг мустақиллиги, муҳаббати поймол этилмайди, деган эътирозлар бўлиши мумкин. Тўғри, баъзан ота-она обрўси муҳаббатдан устунлик қилган ҳоллар учрайди. Лекин, умуман олганда, синаб-суриштирган оилаларнинг қудачилиги, ота-оналар бош-қош бўлган тўю-томошаларнинг натижаси яхши бўлиши ҳаммага аён.

Мен яна бошқа масалага — ўзбекона жамоат фикрига ва жамоат бўлиб иш юритиш фазилатимизга диққатни тортмоқчиман. Тўйларимиз кўпчилик учун жамоа томонидан ўтказилади. Тўй олдидан бўладиган маслаҳатлар, қариндош-уруғнинг эрта саҳардан келиб, тўйхона олдида қўл қовуштириб, нозик тавозе ила меҳмонларни кутиб олишлари, ҳовлида эса тўй мутасаддиларининг одамларни жойлаштириб, уларнинг ол-

¹ И. А. Каримов. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». Тошкент, «Ўзбекистон», 11-бет.

дига илтифот билан чой ва ош тортишлари — бу миллий одатларимизнинг кўрки эмасми? Етти ёт бегона одамлар маҳалладан стол-стул ташишса, қозон, самовар, чойнак-пиёла олиб келса, тўй тарқалгунча мезбон ёнида турса — бунақа олижаноблик, бунақа жамоавий руҳ ва меҳрни қаерда кўргансиз?

Одамларнинг бошини қовуштирадиган, уларни бир тан бир жон бўлиб меҳнат ва роҳатга жалб этадиган пурҳикмат урф-одатларимизни санаб адо этиб бўлмайди. «Ҳашар» деб аталган шундай миллий удумимиз борки, унинг таърифи ҳар қандай миллат одамларини ҳайратга солади. «Вақт — пул» деган ақида бутун дунёга илдиз отган пайтда ўз вақтини текинга, одамгарчиликка, миллий урф-одатга беминнат бахшида этиш инсоний эҳсонликнинг чўққиси эмасми?

Миллий урф-одатларимиз, ота-бола, қайнона-келин, қариндош-уруғчилик ва ҳоказо маънавий зийнатларимизни ўйласак, кўз олдимизга биринчи галда Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи келади. Назаримда, ўзбек халқининг миллий фазилатларини улуғловчи, уни дунёдаги энг нозиктаъб халқлар қаторига олиб чиқиб, кўз-кўз қилган бу романга тенг келадиган асар ҳамон яратилгани йўқ. Ўқувчилар ҳатто этнографик йўналишда бўлса-да, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотадиган ўзбекона асарларга чанқоқ бўлиб юргандек туюлади.

Соғлом миллийлик барқ урган жойда умумбашарий фазилатларнинг қадрига етиш ҳам ортади, миллатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳам камол топади. Ўзимизга ҳам, бошқаларга ҳам гўзаллик ва одоб тимсоли бўладиган келин тушириш одатимизни олайлик. Карнай-сурнай садолари янграган кўчада тўй, шодлик, маҳалла аҳли тўпланади. Агар тўй кечасини олиб борадиган шилқим насихатгўйларнинг ҳар бир тўйда такрорлай-вериб сийқаси чиққан сўзларини эътиборга олмасак, қулоқларни қар қиладиган даражадаги баланд пардаларда айюҳаннос кўтарадиган ансамблларнинг «Бари гал», «Эй санам», «Қора кўз бўй-бўй», «Чакра-чакидан гирад», «Гулойим» сингари хонишларини мустасно қилганда тўйларимиз чинакам жамоатчилик рамзидир.

Турмушимизда шунақа воқеалар ҳам учраб туради: тўй қилувчининг аҳволи ночорроқ, ҳали уй-жой битмаган, рўзғорда камчиликлар кўп, болалар оёққа турмаган. Лекин у маҳаллани ва ёр-биродарларни наҳорги ошга таклиф қилади. Шунда баъзи бировлар «аҳволинг

шуку, топганингни бола-чақанга сарф қилсанг бўлмай-дими?» деган фикрга борадилар. Тўғри, шундай қилиш мумкин эди. Лекин мен бу оиланинг камтарона ошини халқимизга хос камтарлик ва ўз болаларини жамоа орасига олиб кириб, уларда кўпчилик билан баҳамжиҳат ҳаёт кечиришга ўргатиш деб биламан. Наҳорги ошга кетадиган сарф билан рўзгорни батамом тиклаб бўлмайди. Лекин бирор киши ёки оиланинг обрўси, инсонийлиги, миллий туйғуси тикланади. Бу ҳам яхши фазилатларни рўёбга чиқариш ва тарбиялашнинг ўзбекиона йўлидир. Мен ўз бойлигини ва мавқеини кўз-кўз қилиш ниятида қилинадиган ҳашаматли тўйларни кўзда тутаятганим йўқ. Бунақа исрофгарчиликка ва манманчиликка асосланган тўйлар обрў эмас, нафрат келтиради. Ўзбек тўй маросимлари ҳақида гапирсак, қудандаларнинг нозик муомалалари, келин ва куёвга кўрсатиладиган мулозаматлар, илиқ борди-келдиларни кўриб, ниҳоятда таъсирланиб кетасан, киши. Кўчани тўлдириб карнай-сурнай садолари остида келаётган куёв ва унинг жўраларини томоша қилиш учун ёш-яланг ташқарига отилади, деразаларнинг пардалари орқасидан келинчақлар нигоҳ ташлайди. Келин дарвозаси олдида икки томонга саф тортган қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар қўли кўксига, ота кўзларида ёш қалқиган. Ҳатто «куёвнинг бўйи паст экан», «куёв сариқми?», «куёв баланд бўйли экан-а» сингари сўзларнинг маҳалла оралаб тарқалишида ҳам ажиб бир хосият бор. Маҳалла биргалашиб куёвга баҳо бераётгандек, уни ўз фарзанди қилиб қабул қилаётгандек бўлади. Маҳалла шу дақиқадан бошлаб битта қариндошга кўпайгандай туюлади. У шу маҳалланинг, шу кўчанинг, қўйингки, ҳамманинг куёви. Кейинроқ бирор жойда уни учратиш қолганда ҳам «куёв» деб самимий мурожат қиламиз. Ана шундай гўзал анъаналаримизни баъзан бачканалаштирадиган қилиқлар ҳам пайдо бўлиб қолмоқда. Куёв жўраларининг ўйнаб-кулиб қайнота дарвозасига келиши яхши. Лекин бироз «қизишиб» олган ёшларни ҳаддан ортиқ қичқаришларичи? Куёв жўралар қаторида автобусни тўлдириб келадиган «зумраша»ларчи? Айниқса, дарвозадан киришдаги ур-тўполончи? Бу хунуклик ва адабсизликнинг аломати эмасми? Ёки никоҳга жўнаш пайтида келин уйи олдидан жилган енгил машиналарнинг сигналларини қўшни маҳаллага етгудек мунтазам чалиниши ҳам маданий безориликнинг бир аломати эмасми? Ажойиб миллий анъанала-

римизни бундай бемаъни замонавийлаштиришнинг олдини олса бўлди. Бунинг учун маҳалла аҳли маслаҳат чоғи келишиб олишлари мумкин. Ахир ўзбек хонадонларида кечадиган ҳар бир маърака тарбиявий йўналиши билан ажралиб туради-ку?

Ўзбек хонадонларида асрлар мобайнида ҳукм суриб келаётган эрталабки келин салом, келинларнинг барвақт туриб ҳовли ва дарвоза олдиларини супуриб-сидириб қўйишлари ва кекса қайнона-қайноталарга нонушта тайёрлаб, тавозе билан чой узатишлари миллий маънавий қадриятларимизга ёрқин мисол эмасми? Яқинда бир оилавий жанжалга гувоҳ бўлдим. Куёвнинг ўта инжиқ ва тирноқ ичидан кир қидириш одатларини бир ёққа қўйиб, ёшгина умр йўлдоши олдига қўяётган талабларга қулоқ тутилса, унинг гапларида ҳам жон борлиги сезилди. Унинг хотинига эътирозлари қўйидагича эди: «Эрталаб ишга кетаётганимда «яхши боринг», кечқурун хизматдан қайтсам, «яхши келдингизми?» демайди. Бирор қариндош-уруғларим келса «хуш келибсизлар», кетишаётганда «яхши боринглар» демайди. Пиёлага чой қўйиб узатмайди, ҳар кимнинг олдидаги пиёлага шариллатиб чой қуяди. Шимларимга вақтида дазмол урилмайди, оқ кўйлагимнинг йиртилган жойини сариқ ип билан чатиб қўйибди» ва ҳоказо. Ана шу сабаблар баҳона йигит ёш болали хотинини уйдан ҳайдаб юбориш арафасида экан. Икки томонга насиҳатлар қилинди. Йигитнинг инжиқлиги, ноўрин гумонсираши, «эркакча» муомаласи, уй-рўзғор ишларига аралашмаслиги айтиб ўтилди. Рус мактабини битирган келин табиатидаги айрим сифатлар ҳам кўрсатилди. Бирор жиддий сабабсиз бузилиш олдида турган оила маҳалла оқсоқоллари аралашуви билан сақлаб қолинди. Катталарнинг ақлли маслаҳати ёшларга малҳамдек зарур. Агар она «худое ҳовлиси қурсин, сени уларга чўриликка бермаганман, саҳарда турма, сен боргунча ким супурган бўлса ўшалар супураверсин, ўргатиб қўйма, овқат қилишним бўйинингга олма, қайнонанг ўлгур жодугар, онамникига бораман десанг тоғорада бир нима пишириб ҳам бермабди, қурумсоқ» сингари гапларни қизининг қулоғига қуйса, келин тушган хонадонига меҳр қўярмиди?! Майда гаплар тўпланиб, бутун оила парчаланиб кетади.

Мана ҳозир маҳаллаларга жуда катта эътибор бериляпти. Маҳаллада ҳамма бир-бирини билади, бир-бирига кўз-қулоқ бўлиб яшайди. Кекса оқсоқоллар, бамаъни одамларнинг ёшларга таъсири ҳаммамизга маъ-

лум. Ҳар бир маҳаллада шундай одамлар борки, улар- сиз на тўй, на маърака ўтади. Шундай воқеаларнинг гувоҳи ҳам бўламиз. Ҳатто жанжаллашиб ёки келишолмай турган қўни-қўшнилар «фалончи ака келяпти» ёки «фалончи акани чақириб келиш керак» дейилса, ўз-ўзидан жимиб қолишади. Шу маънода оиладаги кекса ота-онанинг файзи беқиёс эканлигини таъкидлаш лозим. Бир неча оила бўлиб, бир қозондан овқатланиш, ота-она измидан бориб кам бўлмаган фарзандлар сонсиз-саноқсиз. Лекин охириги пайтларда битта отаси ёки онасини чиқиштирамаган, уларнинг «ортиқчалиги» сезилиб қолаётган оилалар учрамоқда. Кекса ота ёки онанинг кўзи тириклигида уйга ажойиб бир тароват тарқатиб туришини фақат улардан жудо бўлгандан кейингина ҳис қилинади.

Ёшлар мустақил туришни севадилар. Айниқса, бу ният келинларда кучли бўлади. Ўзи бека бўлиб, эри топганига билганича ва истаганича хўжайинлик қилишни севадилар. Гоҳо хотинининг бундай нағмаларига учиб, қулоғим тинчисин деган маънода ажралиб чиқиб кетадиган, ота-онасидан хабар олмай қўядиган ёшлар ҳам бор. Бунақа ишлар наинки миллий урф-одатларимиз, одобимиз, балки умуминсоний қадриятларга ҳам тўғри келмайди. Меҳр кўзи кўр бўлган инсоннинг жамият ва жамоа учун ҳам қалби берк бўлади. Опасингил ўртасидаги бир мерос жанжалини мисол келтирмоқчиман. Ота-она тирик пайтида чиқиб кетган опа улар оламдан ўтгач, сингисининг бошига минг гавго солиб мерос таллашиб юрибди. Кичик қиз эри билан ота-она уйига кўчиб келиб уларни оқ юиб, оқ таради. Касаллигида боқди, ўлганда кўмиб, барча маъракаларни ўтказди. Ҳовли-жойни одамшаванда қилди, янги хоналар қўшди, маҳалла аҳли ва қариндош-уруғларнинг дуосини олди. Катта опа эса она ўлиmidан сўнг ҳовлининг ярмига даъвогар бўлиб, сингисининг бошида ёнғоқ чақиб юрибди. Ҳатто сингисининг «опа-жон, орамизга совуқчилик тушмасин, майли, куёвингизни кўндириб, амал-тақал қилиб бироз пул бера қолайлик, ахир биз жигармизку, олдингизда ёлғиз ўғлингиз бор, вақти келиб биз ҳам қараб турмасмиз» деган илтижоларига «йўқ, мен уйни сотиб, ярим пулни оламан» деб оёғини тираб олган опанинг ахлоқий, инсоний қиёфасини қандай тасаввур этиш мумкин? Мол-дунё деб, текин мерос деб меҳр булоғи кўзига заҳар сочаётган, ўз жигарбандини қон-қақшатишдан

уялмайдиган кимсаларни кўриб нафратингиз ошмай-
дими? Ахир халқимизда ота-оналар, ака-укалар, опа-
сингиллар, қариндош-уруғлар ўртасида шундай муло-
қотлар, самимиятлар борки, улар ҳикоя қилинса,
бошқалар ишонмаслиги мумкин. Наҳотки ана шу ҳик-
матлар, чин инсоний эзгуликлар ўрнини қора юраклар,
пажмурда ўпкалар билан алмаштирсак? Наҳотки йўлдан
чиққан эгри ният, бебош феълларга боболаримиз, са-
мовий момоларимиз маънавиятини қарши қўя олма-
сак? Ҳа, қарши қўя оламиз. Бунга жамоа, маҳалла,
одамлар муносабати зарба бера олади. Чунки жамоа
лаънатига учраган одамнинг ҳеч қачон боғи кўкарма-
ган. Ўзбекона одоб, ўзбекона инсонийликнинг мағзи
ҳам ана шу жамоа ва кўпчилик кайфияти, муносабати
билан ўлчанади.

Маҳаллалар билан боғлиқ яна бир удум ҳақида
гапирмоқчиман. Бу кишиларнинг ўз касби, тенгқурли-
ги ёки маҳалладошлигига қараб, «гап» ўйнаш одатидир.
Бундай тўпланишлар ҳам ўзига хос миллий намоиш-
нинг бир кўриниши. Фақат у бир ойда ёки икки ҳаф-
тада бирор хонадонда такрорланади. Бундай йиғинлар-
нинг фарқи шундаки, унда давлат сиёсатидан тортиб
бозор нарх-навосию фарзандлар тарбияси, маҳалла
аҳли ҳаётидаги янгилигу мамлакат аҳволи хусусида
баҳс, мунозара, маслаҳат бўлади. Бу «гап»лар миллий
тарбия мактабимизнинг яна бир гўзал шакли сифатида
давом этиб келмоқда. Қаерда бу «гап»лар манманлик
ёки майхўрлик томон бурилса, одамлар тезда тарқа-
либ кетишяпти. «Гап»дан мақсад ўзаро фикр алмашув,
биродарлик туйғуси, қўни-қўшничилик хосиятини мус-
таҳкамлаш экан, бундай миллий анъаналар авлоддан-
авлодга ўтиб, ўзбекона фазилатларимизнинг ҳаётийли-
гини кўрсатаверади.

Ажойиб миллий урф-одатларимиз одамларни ҳам-
жиҳатлиликка, биродарликка ва самимиятга чорлайди.
Мустақилликка эришгунимизча нотўғри мафкуравий
сиёсат туфайли кўпгина чин инсоний кадрларимизга
диний тус беришга, уларни ҳаётдан сиқиб чиқаришга
роса ҳаракат қилинди. Бироқ бу нарса ҳеч кимнинг қўли-
дан келмади. Асрлар давомида, авлодлар онгида шакл-
ланиб келган одатлар, удумларни бир зарб билан йўқо-
тиб бўлмаслиги тан олинмади. Омма ўрганган удумни
йўқ қилиш йўлида уларга нисбатан илғорроқ, табиий-
роқ ва замонавий маънавий эҳтиёжларни ифодаловчи
расм-русумлар таркиб топмас экан, ҳар қандай ҳаракат

тескари натижалар бераверади. Динга бўлган муносабатда жуда кўп калтафаҳмликларга йўл қўйилди. Ҳатто жигаридан жудо бўлиб унинг жанозасида иштирок этганлар партия сафидан чиқарилди, ота тобутини елкасига ололмай, қабристонга қадам ташлашдан юрагини олдириб қўйганлар бўлди. Ахир инсон билан сўнгги бор хайрлашиш ва унинг ҳурмати, иззатини сўнгги бор бажо келтириш халқимизнинг энг олижаноб фазилатларидан бири эмасми? Маҳаллаларда бирон киши вафот этса тамомила бегона одамлар тўпланиб, уни қабристонгача елкаларида кўтариб борадилар. Қанча танишларимизнинг «бугун пешинда ёки кечки пайт маҳалладошимизни чиқарамиз, етиб боришим керак» деб ишхонасидан рухсат сўраб юрганга неча бор гувоҳ бўлганмиз. Ёки кўчада тобут кўтариб кетаётган одамларни кўрган йўловчиларнинг бир зум тўхтаб, беш қадам бўлса ҳам марҳумга ҳурмат бажо келтириш учун югуриб бораётганини кўрмаганмисиз? Бунақа одатларимиз инсон қадр-қиммати олдида тавозе ила одоб намунасини кўрсатишнинг ёрқин намунасидир.

Диний тасаввурлар ва расм-русумларнинг оммавийлашиб, миллий турмуш тарзимизнинг ажралмас бир бўлагига айланишига сабаб уларнинг инсон руҳиятига таъсири, хаста кўнгилларга мадад, бесабр бандаларга имон келтириши билан изоҳланади. Диний эътиқод қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик ёки мансаб ва шуҳрат танламайди. Халқимиз ҳайит кунлари ёки бегим кунлари қайси дарвоза олдига ўриндиқлар қўйилиб, кўрпача тўшалган бўлса шу хонадон жудо бўлган кимса ҳурмати бажо келтириб ўтишни ўзининг инсоний қарзи деб билади.

Мустақиллик даврида диннинг ана шундай тарбиявий аҳамиятини тўғри тушуниб етишга аҳамият берилди, покдомон дин аҳлларининг жамиятимизни қайта қуриш жабҳаларида одамларни ҳамжиҳатликка, биродарликка, самимият ва покликка ундашлари ибратлидир. Айни чоғда диний тасаввурларга кўр-кўрона эргашиб, замонга қараб эмас, замонни ўзига қаратишга уринаётган одамлар ҳам топилиб қолади. «Телевизор кўрсанг ахлоқинг бузилади, намоз ўқимасанг охирагинг куяди, рўза тутмасанг иймонинг йўқолади, радио эшитсанг динингни йўқотасан», деб бола-чақаларини исканжага олаётган кимсалар йўқ эмас.

Расм-русумларимиз миллий тараққиёт ва маънавий юксалиш эвазига бойиб, кенгайиб ва ўзгариб боради.

Масалан, байрамларда, туғилган кунларда ёки қувонч-ли дамларда одамлар бир-бирларига гул ва гулдаста тақдим этиш одат тусига кирди. Умуман олганда гул тақдим этиш бизда тарихий анъана эмас. Аксинча бизда гул ўрнига гул кўчати беришган. Қабр устига гул қўйиш ҳам бизда одат бўлмаган. Шарқ поэзиясида гул ва булбулга қанчалик кўп шеър битилган бўлса ҳам уни фақат рамзий образлар тарзида идрок этилган. Ҳаётда, одамлар олдида, ошкора равишда севишганлар гул эмас, гулдай илиқ табассум ва иболарни бир-бирига тортиқ этишган. Ҳозир гул тортиқ қилиш оммавий тус олди. Лекин шу ўринда кўр-кўрона тақдид кўзга ташланмоқда. Биз ўзбеклар гул тортиқ қилишда тушуниб-тушунмай гулдастанинг тоқ ёки жуфт бўлишига аҳамият бермаймиз. Русларда ўлим маросимларида гуллар жуфт сонда олиб келинади. Тўй, юбилей, учрашувларда эса тоқ сонли гуллар берилади. Бизда тоқ ва жуфт сонларга турлича муносабат мавжуд. Масалан, маъракага ёки ўлган одамни йўқлаб боришда нон тоқ сонда олинса, тўйга ва меҳмондорчиликка борилганда нонлар сони жуфт бўлади. Бундай одат қачон бошланган ва нима учун шундай бўлиб қолган — айтиш қийин. Лекин унга халқимиз амал қилади. Аммо руслардан ўтган гул тортиқ қилишда тоқ сонда гул ҳада этамиз. Гул тортиқ этишни энг олижаноб фазилат сифатида қабул қилиб, унинг тоқ ёки жуфт сонларига аҳамият берсак бўлмасмикан? Туғилган кунларда, шодиёна дамларда жуфт сонли гуллар бериб, халқимизнинг энг порлоқ дуосининг рамзи бўлган — ҳамма жуфт-жуфт бўлиб, бекаму кўст ва иноқ яшашсин деган ниятини бажо келтирган бўлмаймизми? Бизнинг тасаввуримизда жуфт сон уйғунлик, бирлик, аҳиллик, тотувлик, ҳамфикр ва ҳамнафаслик рамзи, тоқ сон эса айрилик, жудо, келишмовчилик, низо ва фироқ ифодаси эмасмикан? Ҳар қалай гулга, гулдастага ана шундай муносабат миллий туйғуларимиз, одоб ва ҳулқ-атворимизга мос келса керак, деб ўйлайман. Қабр устига гул қўйиш ҳам одат тусига қирса ёмон бўлмайди. Ундаги тоқ гуллар қолган тириклар сони биттага камайганини, дунё бутунлиги бузилганини, одамлар сафи-тасбеҳи узилганини англамайдимиз? Хотира кунларида мен марҳумлар қабри устида баҳор чечаклари ял-ял ёниб тирикларнинг кўз ёшлари шабнам янглиғ гулларнинг барглари ювишини истайман. Аждодлар хотирасини эслаш авлодлар одобини мустаҳкамлайдиган руҳият гавҳаридир.

Миллатнинг жони унинг ахлоқу одобида. Шунинг учун ҳар бир миллат ўз урф-одатлари, инсоний фазилатларининг жонкуяри, шу фазилатлар учун ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам уриб, боринги, ҳаётнинг барча ачиқ-чучук қисматларига бардош беради. Миллат бошига энг оғир кулфат тушганда ҳам у ўзининг маънавиятини бозорга олиб чиқмайди, номусини сотиб, виждонини поймол этиб кун кўрмайди. Тарихнинг барча иссиқ-совуқ зарбалари, табиатнинг барча ёруғ, қора кунларига миллат ўзининг ахлоқий-маънавий бойлиги ила бардош беради. Ана шунга кўра бирор кимса орттирган обрў, бирор инсон эришган ёрлиғ, бирор одам келтирган шухрат ҳам, кимларнингдир қинғир ишлари, нобакорнинг фисқу фужури, дилозорнинг тухмат ханжари — ҳамма-ҳаммаси эл-юрт, миллат юрагига, руҳига таъсир қилади.

Охирги пайтларда кексаларимиз орасида «ёшларнинг одоби бузилиб кетди» деган таъналарни эшитадиган бўлиб қолдик. Бировларнинг молу мулкига ва жонига қасд қиладиган паст нусхалар илондек изғиб қолганини кўриб, эшитиб юрибмиз. Бир пайтлар дарвозаси кулф билмаган, бир неча ойлаб уй-жойини кўни-қўшниларга ишониб дала ҳовлиларига кўчиб кетадиган ўзбегим бугун келиб эшик тақилласа аввал деразадан мўралайдиган бўлиб қолди. Шунга ўхшаш касалликларнинг ижтимоий сабаблари бўлса-да ахлоқ-одоб борасида йўл қўйилган камчиликлар ҳам уларга сабаб бўлмоқда. Бир пайтлар оналар елкасига ағдарилган «эркинлик» юки уларнинг оиладаги биринчи навбатдаги тарбиячи эканликларини чиппақка чиқарди. Оналар мамлакат иқтисодий, моддий бойлигини кўпайтириш учун шунчалик дадил ва кенг жалб этилдики, пиروвардида улар ҳам жисмонан, ҳам маънавий, ҳам руҳий бойлигидан жудо бўлиб қолдилар. Бир неча болани вояга етказиш, тарбиялаш ва оёққа турғазишнинг ўзи улкан ижтимоий, миллий ва умумбашарий бойлик эканига аҳамият берилмади. Аёлларнинг ўзларига қарашга вақти бўлмагач, болалари тарбиясига вақти бўлармиди? Айрим ёшлардаги беандишалик, беҳаёлик ва безориликларнинг илдириши ана шунда.

Гоҳо шаҳарнинг гавжум хиёбонларида ўзбек йигит ва қизларининг бир-бирининг пинжиги кириб, аксарият ҳолларда, ўпишиб ўтирганини кўриб қоламиз. Бу ҳолатдан улар эмас, биз уялиб кетамиз. Наҳотки шу беҳаё бир мўминнинг қизи бўлса, наҳотки шу йигит

Масалан, байрамларда, туғилган кунларда ёки қувонч-ли дамларда одамлар бир-бирларига гул ва гулдаста тақдим этиш одат тусига кирди. Умуман олганда гул тақдим этиш бизда тарихий анъана эмас. Аксинча бизда гул ўрнига гул кўчати беришган. Қабр устига гул қўйиш ҳам бизда одат бўлмаган. Шарқ поэзиясида гул ва булбулга қанчалик кўп шеър битилган бўлса ҳам уни фақат рамзий образлар тарзида идрок этилган. Ҳаётда, одамлар олдида, ошкора равишда севишганлар гул эмас, гулдай илиқ табассум ва иболарни бир-бирига тортиқ этишган. Ҳозир гул тортиқ қилиш оммавий тус олди. Лекин шу ўринда кўр-кўрона тақлид кўзга ташланмоқда. Биз ўзбеклар гул тортиқ қилишда тушуниб-тушунмай гулдастанинг тоқ ёки жуфт бўлишига аҳамият бермаймиз. Русларда ўлим маросимларида гуллар жуфт сонда олиб келинади. Тўй, юбилей, учрашувларда эса тоқ сонли гуллар берилади. Бизда тоқ ва жуфт сонларга турлича муносабат мавжуд. Масалан, маъракага ёки ўлган одамни йўқлаб боришда нон тоқ сонда олинса, тўйга ва меҳмондорчиликка борилганда нонлар сони жуфт бўлади. Бундай одат қачон бошланган ва нима учун шундай бўлиб қолган — айтиш қийин. Лекин унга халқимиз амал қилади. Аммо руслардан ўтган гул тортиқ қилишда тоқ сонда гул ҳада этамиз. Гул тортиқ этишни энг олижаноб фазилат сифатида қабул қилиб, унинг тоқ ёки жуфт сонларига аҳамият берсак бўлмасмикан? Туғилган кунларда, шодиёна дамларда жуфт сонли гуллар бериб, халқимизнинг энг порлоқ дуосининг рамзи бўлган — ҳамма жуфт-жуфт бўлиб, бекаму кўст ва иноқ яшашсин деган ниятини бажо келтирган бўлмаймизми? Бизнинг тасаввуримизда жуфт сон уйғунлик, бирлик, аҳиллик, тотувлик, ҳамфикр ва ҳамнафаслик рамзи, тоқ сон эса айрилик, жудо, келишмовчилик, низо ва фиरोқ ифодаси эмасмикан? Ҳар қалай гулга, гулдастага ана шундай муносабат миллий туйғуларимиз, одоб ва ҳулқ-атворимизга мос келса керак, деб ўйлайман. Қабр устига гул қўйиш ҳам одат тусига кирса ёмон бўлмайди. Ундаги тоқ гуллар қолган тириклар сони биттага камайганини, дунё бутунлиги бузилганини, одамлар сафи-тасбеҳи узилганини англамайдимиз? Хотира кунларида мен марҳумлар қабри устида баҳор чечаклари ял-ял ёниб тирикларнинг кўз ёшлари шабнам янглиғ гулларнинг барглари ювишни истайман. Аждодлар хотирасини эслаш авлодлар одобини мустаҳкамлайдиган руҳият гавҳаридир.

Миллатнинг жони унинг ахлоқу одобида. Шунинг учун ҳар бир миллат ўз урф-одатлари, инсоний фазилатларининг жонкуяри, шу фазилатлар учун ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам уриб, борингки, ҳаётнинг барча аччиқ-чучук қисматларига бардош беради. Миллат бошига энг оғир кулфат тушганда ҳам у ўзининг маънавиятини бозорга олиб чиқмайди, номусини сотиб, виждонини поймол этиб кун кўрмайди. Тарихнинг барча иссиқ-совуқ зарбалари, табиатнинг барча ёруғ, қора кунларига миллат ўзининг ахлоқий-маънавий бойлиги ила бардош беради. Ана шунга кўра бирор кимса орттирган обрў, бирор инсон эришган ёрлиғ, бирор одам келтирган шуҳрат ҳам, кимларнингдир қинғир ишлари, нобакорнинг фисқу фужури, дилозорнинг тухмат ханжари — ҳамма-ҳаммаси эл-юрт, миллат юрагига, руҳига таъсир қилади.

Охирги пайтларда кексаларимиз орасида «ёшларнинг одоби бузилиб кетди» деган таъналарни эшитадиган бўлиб қолдик. Бировларнинг молу мулкига ва жонига қасд қиладиган паст нусхалар илондек изғиб қолганини кўриб, эшитиб юрибмиз. Бир пайтлар дарвозаси қулф билмаган, бир неча ойлаб уй-жойини қўни-қўшниларга ишониб дала ҳовлиларига кўчиб кетадиган ўзбегим бугун келиб эшик тақилласа аввал деразадан мўралайдиган бўлиб қолди. Шунга ўхшаш касалликларнинг ижтимоий сабаблари бўлса-да ахлоқ-одоб борасида йўл қўйилган камчиликлар ҳам уларга сабаб бўлмоқда. Бир пайтлар оналар елкасига ағдарилган «эркинлик» юки уларнинг оиладаги биринчи навбатдаги тарбиячи эканликларини чишпакка чиқарди. Оналар мамлакат иқтисодий, моддий бойлигини кўпайтириш учун шунчалик дадил ва кенг жалб этилдики, пировардида улар ҳам жисмонан, ҳам маънавий, ҳам руҳий бойлигидан жудо бўлиб қолдилар. Бир неча болани вояга етказиш, тарбиялаш ва оёққа турғазишнинг ўзи улкан ижтимоий, миллий ва умумбашарий бойлик эканига аҳамият берилмади. Аёлларнинг ўзларига қарашга вақти бўлмагач, болалари тарбиясига вақти бўлармиди? Айрим ёшлардаги беандишалик, беҳаёлик ва безориликларнинг илдизи ана шунда.

Гоҳо шаҳарнинг гавжум хиёбонларида ўзбек йигит ва қизларининг бир-бирининг пинжига кириб, аксарият ҳолларда, ўпишиб ўтирганини кўриб қоламиз. Бу ҳолатдан улар эмас, биз уялиб кетамиз. Наҳотки шу беҳаё бир мўминнинг қизи бўлса, наҳотки шу йигит

Ўзбек хонадонида тарбия топган бўлса, деб ачиниб кетасан, киши.

И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқида айтганларидай, «Санъатда ошкораликни пеш қилиб, телевизор, кино экранларида, матбуот воситаларида бўлмағур лавҳаларни акс эттириш, бемаънилик ва ҳаёсизликни, баъзан эса ҳатто ахлоқий бузуқликни тарғиб қилишлар кўриниб қолган»¹ эди.

Бундай миллий урф-одатларимиз ва ахлоқимизга зид келадиган қилиқлар қаердан пайдо бўлди? Давр тақозосими? Инсоният камолоти ифодасими? Ёки маънавий-тарбиявий ишларимизнинг тўғри йўлга қўйилмаганлигимиз?

Шуни унутмаслик керакки, инсоният ва миллатлар такомилли ҳеч қачон миллий анъаналарни поймол этиш, ахлоқу одоб пардаларини гижимлаш эвазига эмас, аксинча, инсонни янада баландроқ маънавият, поклик ва одоб чўққисига олиб чиқишда намоён бўлади.

Одамларнинг онгини, руҳиятини, исму жисмини поклантириш ҳозирги кундаги тарбиявий-маънавий фаолиятимизнинг асосини ташкил этмоқда. Бунга сабаблар кўп. Бир ўринда ўтмиш даврлар асоратидан қутилиш кўзда тутилса, иккинчи ўринда инсон табиатида учрайдиган, кези келганда хуруж қилиб турадиган қусурлардан қутулиш эҳтиёжи ҳам мавжуд. Мустақиллик замони ана шундай объектив ва субъектив инсоний хусусиятлар, фазилатларни поклантириш йўлига, азалий ва миллий тараққиёт ўзанига солиб юборди. Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ўзининг умумбашарий моҳиятини намоён этиш имкониятига эга бўлди.

Миллий анъана ва қадриятлар ривожини шундай бир диалектик принципга асосланганки, кимки ўз халқи миллий қадриятини бошқа миллат қадриятларига тескари қўймаган ҳолда ва, аксинча, бошқа миллат маънавиятини чуқур ҳис қилиш даражасига ўсиб чиқса ва ўз миллий қадриятини бемаъл ва беминнат намойиш этиш имкониятига эга бўлса, миллий муносабатларда дўстона иқтисодий ва маънавий мулоқотдан ўзга ният бўлмаса, ана шунда турли миллатларнинг маънавиятини ифодаловчи умумбашарий қадриятлар ўсиб бораверади.

Ўз тарихини, маънавиятини, қадриятларни ўзи бунёд

¹ И. А. Каримов, «Истиқлол ва маънавият». Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 67-бет.

этувчи халқ, элат ва миллатларга энди шундай имкони-
ятлар яратилмоқдаки, халқимизнинг ҳам жаҳон халқ-
ларига фахрланиб, ифтихор туйғуси билан кўз-кўз қила-
диган фазилатлари қанчалик мўл-кўл бўлса, янги
туғилиб, шаклланиб қоладиган қусурларни бартараф
этишга ҳам ақли ва заковати етарлидир. Буни миллий
урф-одатларимиз, ахлоқу одобимиз, чин инсоний
неъматларимиз тақозо этади.

Бинобарин, «Аждодларимизнинг руҳи поклари ва
урф-одатлари, бизнинг энг яхши анъаналаримиз қайта
тикланганда ислохотлар муваффақиятга эришади. Ўта
ўқимишли, руҳан бардам ва жисмонан бақувват киши-
ларгина истиқлол ва тараққиёт йўлини босиб ўта ола-
ди. Сарчашмалари буюк аждодларимизнинг тафаккур-
лари ва муддаоларидан бошланадиган халқимизнинг
маънавий қадриятлари иқтисодий ўзгартиришлари-
мизнинг мустақкам пойдевори бўлиб хизмат қилади».¹

7. ЯНГИЧА ТАФАККУР — ЗАМОН ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарларининг 6 томи бугун Ўзбекистон ва у билан бирга Марказий Осиё минтақасидаги бошқа давлатлар кечираётган мураккаб, ғоят кескин муаммолар — хавфсизлик, барқарорлик ва собитқадам ривожланишларга бағишланган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияларида, республика Вазирлар Маҳкамаси йиғилишлари ҳамда турли халқаро учрашувларда сўзланган нутқлари, суҳбатлари ўрин олган.

Унда наинки Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар кечираётган мураккаб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий муаммолар таҳлил қилинади, ХХI аср бўсағасида Ўзбекистон олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатнинг дунё миқёсида хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлида нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги ҳар томонлама очиқ берилган. Ўзбекистон бутунлай янгича йўл, янгича тафаккур ва мафкура билан тараққий қилар экан, бу тараққиётнинг назарий-методологик асосларини чуқур идрок этиш замон талабидир. Бундай назарий-методологик қарашлар Президентимиз асарлари, маъруза ва суҳбатларида ўз ифодасини топган.

¹ И. А. Каримов, «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». Тошкент, «Ўзбекистон», 1994, 104—105-бетлар.

Ўтиш даврининг мураккаб бўҳронлари ичида адашиб юрмаслик учун, бозор иқтисодиётининг темир қонуниятларидан эсанкираб қолмаслик учун ҳар бир инсон ўз даври бош ғояси, асосий ижтимоий-сиёсий тараққиёт тамойилларини чуқур идрок этиши лозим. Бунинг учун ҳар кун, ҳар сония ўз тафаккурига маънавий озиқ бериши ва назарий жиҳатдан янги фикрлар, ғоялар билан қуроолланмоғи даркор. Ислом Каримов асарлари халқимизни ана шундай маънавият ва маданият шоҳсупалари томон чорловчи ёрқин юлдуз вазифасини бажармоқда.

Президентимизнинг ҳар бир навбатдаги асарида шунчалик кўп масалалар, муаммолар ва томонлар зикр этиладики, уларни бир ёки икки мақола билан изоҳлаб бўлмайди. Уларнинг мазмунини баён этиш учун алоҳида китоблар ёзишга тўғри келади.

Президентимиз асарларидаги ғояларни халқимизга етказиш, бу ғояларни уларнинг қалб мулкига айлантиришга ҳаракат қилиш бизнинг шарафли вазифамиздир.

Президентимиз олиб бораётган инсонпарвар сиёсат фақат халқимиз қалбидан чуқур ўрин эгаллабгина қолмай, жаҳон халқлари, давлат ва мамлакатларнинг ҳам диққат-марказида эканлиги бизда юксак қувонч ва ифтихор туйғуларини уйғотади. Дунёнинг нияти пок нигоҳи Ўзбекистонга қараган, ундаги барқарорлик ва тараққиёт кўпчиликда қизиқиш, ҳавас туйғуларини уйғотмоқда. Саккиз йил ичида эришилган бундай юксалиш нимага ва кимга боғлиқ бўлди, деган савол туғилди. Бу саволга халқимизнинг 8 ёшдан 80 ёшгача бўлган фуқаролари «Мустақиллик» ва «Ислом Каримов» деб жавоб бермоқдалар. «Мустақиллик»ни «Ислом Каримов»дан, «Ислом Каримов»ни «Мустақиллик»дан айириб бўлмайди. Бу икки табаррук тушунча бир йўла ва бир пайтнинг ўзида миллат ҳаётида, онги ва шуурида пайдо бўлди.

Замонлар ўтади, замонлар келади, авлодлар кетади, авлодлар келади, бироқ ўзбек халқи ва гўзал диёр кўкрагига офтоб нурини, маънавий юксалишни олиб кирган одамлар ҳақида гап кетганда Президентимиз номи ярқираб жаранглайди.

Тарихда буюк шахслар кўп ўтган. Лекин буюкликнинг ажиб бир мезони мавжуд; истеъдоди, ақли ва заковатини ўз шахсини тасдиқлаш йўлида меҳнат қилиб буюк кашфиётлар, ижодий муваффақиятларни қўлга киритганлар ҳам буюк бўлганлар; ўз истеъдоди, ақли

ва заковатини миллат, мамлакат ва инсоният йўлида сафарбар айлаганлар эса буюкларнинг сардоридир. Президентимиз ана шундай буюклар ичида ҳам ажралиб туради.

Ислом Каримов зиммасига асрлар мобайнида ўзлигини излаган халққа ўзлигини англатиш, асрлар мобайнида маънавият осмонида чарақлаган юлдузларнинг тафтини ўз халқига етказиш, ўтмиш билан келажакни бирлаштирувчи жамият пойдеворини яратиш бахти мурасар бўлди.

Президентимиз асарларини ўқиганда ана шундай хулосаларга келамиз.

Президентимиз Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунидан бошлаб ўзининг асосий ижтимоий-сиёсий вазифаси сифатида инсон манфаатларини, жонажон Ватанимиз равнақи, халқимиз бахт-саодатини биринчи ўринга қўйди. «Барчамизнинг эзгу ниятимиз, — деган эди И. А. Каримов ўзининг Ўзбекистон халқига Наврўз табриги муносабати билан, — юртимиз тинч ва обод, дастурхонимиз тўкин ва баракали бўлсин, оиламиз ва фарзандларимиз, ёру биродарларимиз соғ-саломат, бахтли-саодатли бўлсин»¹.

Бу ниятлар амалга ошган мамлакат бахтли, бахтиёр бўлмай, ким бахтли ва бахтиёр бўлиши мумкин? Ўзбекистонда олиб борилаётган барча ишлар ана шунга қаратилган. Агар ҳамма, ҳар қаерда шу ният, шу мақсад билан меҳнат қилганда эди, Президентимиз айрим вилоят кенгашларида бунчалик куюниб сўзламаган, изтироб чекмаган бўларди.

Ҳаётнинг мураккаблиги шундаки, барчани баравар кўриб бўлмас, барчага баравар бирор нарсани уқтириб бўлмас, барча бараварига қадам ташламас экан. Ана шундай мураккаб ижтимоий тараққиёт йўлида асосий ва бош мезон, талаб ва эҳтиёж ҳам бор. Бу — инсон қалби, онги, тафаккурининг ўзгариш тезлигидир. Онгни, тафаккурни ўзгартирмай туриб муҳитни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди.

Шунинг учун одамларнинг мустақиллик ғоясига, миллий мафкура ва истиқболга ишонч туйғуларини шакллантирмасдан олға юриш қийин бўлади. Президентимизнинг ёшлар ва яна ёшларга жиддий ҳамда катта эътибор бераётганликлари бежиз эмас.

¹ Ислом Каримов. «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида». Тошкент, «Ўзбекистон», 1998, 3-бет.

Ёшлар ҳаёт майдонига қадам қўяётган эканлар, қайси томонга қарайдилар (орқагами, олдингами), кимга эргашмоқчилар, нимани орзу қилмоқдалар, ўз ёшлик кучи, истеъдоди ва имкониятларини нимага сарф этмоқдалар — булар бевосита миллат ва мамлакат истиқболлини белгиловчи масалалардир. Ана шу маънода ёшларга бефарқлик истиқбол мевасининг илдиизига болта уриш билан баробар бўларди. Ёшларнинг миллат ва мамлакат истиқболлидаги улкан ижтимоий-тарихий ўрнини ҳамда масъулиятини теран идрок этган Президентимиз уларнинг ақлий-маънавий ўсишига, дунёқарашига катта эътибор бермоқдалар. Чунки инсон тафаккурида миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, аждодларимиз меросига, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш муҳим вазифадир. «Ҳаммамиз яхши биламиз, — дейди Ислоҳ Каримов, — 15 дан то 18 ёшгача бўлган давр — инсон умрида энг нозик, энг мураккаб даврдир. Шу ёшда инсон онги, хулқи ва ахлоқи, маънавий қиёфаси тугал шаклланади. Ҳали суяги қотмаган фарзандларимизни ўз ҳолига ташлаб қўйсақ, тарбияси, илми ва маънавияти билан шуғулланмасак, келажақда уларнинг қомил инсонлар бўлиб етишмоғига ким кафолат бера олади? Биз жамиятимиз, давлатимиз келажагини кимларнинг қўлига топшираимиз?»¹

Ана шунинг учун Президентимиз ишни халқ таълими тизимини бутунлай қайта ислоҳ қилиш ғоясини ўртага ташладилар, умумтаълим мактабларининг 9-синфини тугатган минг-минг ўсмирларнинг иш тополмай, ишга жойлаша олмай овора бўлиб юришларига чек қўйиш кераклигини уқтирдилар. 9-синфдан кейин ихтисослашган таълимни жорий этиш ёшларга бирор касб қулоғини ушлашга имкон беради, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этади.

Таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш кадрлар тайёрлашда муҳим омил ҳисобланади. Кадрлар бирдан ва бир йўла вояга етиб қолмайди. Аввало уларнинг ўқиш-ўрганиш, шаклланиш ва тараққиёт жараёнлари билан боғлиқ омилларга эътиборни қаратмоқ лозим.

Аввалги ўн бир йиллик таълим тизимининг моҳияти нимада эди? Унда асосий иллат шу эдики, миллий ўзига хослик, қадимий тажриба, анъаналар инобатга олин-

¹ Ислоҳ Каримов. «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида». Тошкент, «Ўзбекистон», 1998, 11-бет.

маган эди. Шунинг учун «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» эҳтиёжи туғилди.

1997 йил 5 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссиясининг йиғилишида Президентимиз сўзга чиқиб, таъкидлаган эдики, «Кадрлар масаласини ҳал этмас эканмиз, саъй-ҳаракатларимиз кутилган натижаларни бериши, ҳаётимиз, маънавиятимиз ўзгариши қийин кечади. Демакки, замонавий таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлмоғи даркор.

Чунки бизнинг халқимиз талант ва иқтидор жиҳатидан ҳеч кимдан кам эмас. Унга маърифатнинг равон йўллари очиб берилса, жаҳонда ўзига яраша обрўли ўринни эгаллай олади»¹.

Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишда аввало тарбия берувчиларни тарбиялаш вазифаси ётади. Агар тарбиячиларнинг билим савияси замон талабларига мос келмаса, эски замон дастурлари асосида дарс берса, ислоҳотлар моҳиятини теран англаб етмаган, янги тафаккурга эга бўлмаган бўлса, қандай қилиб улар замонавий ёшларнинг маънавий баркамол ўсишларига масъул бўладилар?

Эскича таълим-тарбия тизимининг энг катта нуқсонини шу эдики, унда ёшлар онгига қуруқ хабар беришдан нарига ўтилмас, ёшларнинг мустақил тафаккур юритишига эътибор берилмас эди. Мактабни битирган ёшлар ўз мустақил фикри ва ҳаваси йўлидан эмас, ота-онаси ҳамда таниш-билишларининг тавсияси, кўмаги ва кўрсатмаси бўйича касб-ҳунар танлар эдилар. «Мустақил фикрга эга бўлмаган одам эса ҳар қандай оломонга эргашиб кетаверади. Масаланинг энг муҳим жиҳати айнан мана шундадир»,² — деди юртбошимиз.

Замонавий билимга, миллий мафкура ва истиқлол дунёқарашига эга бўлган ёшларгина келажагимизни белгилайди. Шунинг учун ҳаммага бир хил эмас, балки билимига қараб турли даражали дипломлар бериш давр тақозоси бўлиб қолди. Бинобарин «Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир»³.

¹ Ислоҳ Каримов. «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида». 263-бет.

² Ислоҳ Каримов. Уша асар, 264-бет.

³ Ислоҳ Каримов. «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида». 266-бет.

Бу вазифани амалга ошириш учун республикамизда олиб борилаётган барча ишлар, асосан, инсоннинг ижтимоий-иқтисодий манфаати, маданий ва маънавий, ақлий лаёқатини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқини ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган.

Мустақилликка эришганимизга 10 йил бўлмоқда. Жуда кўп соҳаларда мустақиллик гоёси ва миллий мафкура ўз самарасини бермоқда.

Бу деган сўз буёғига ҳамма нарса хамирдан қил суғургандай бораверади, деган гап эмас. Мустақиллик инсон манфаатлари йўлида амалга оширилган экан, навбатдаги вазифа янги инсонларнинг янгича дунёқараши ва янгича тафаккур асосида қанчалик фидойилик билан меҳнат қилишларига ҳам боғлиқ. Ёшлар тарбияси ва билими кадрлар малакаси ва салоҳияти, халқ руҳиятининг тетиклиги ва тинчлик, барқарорлик масалалари мустақиллик натижасигина эмас, мустақиллик истиқболини ҳам белгилайди. Биринчи навбатда, тинчлик ва барқарорлик шароитида инсофли, диёнатли, ҳалол ва пок, талабчан ва қатъиятли, халқпарвар ҳамда ватанпарвар инсонларни шакллантириш ва тарбиялаш муваффақиятларимиз, истиқболимиз гарови ҳисобланади. Шу сабабдан «бугун ватанпарвар, янгиликка чанқоқ, замонавий соҳаларни чуқур англаб етадиган, ўз эл-юртига хизмат қиладиган инсонларни, биринчи навбатда ёшларни»¹ диққат марказида тутмоқ зарур.

Бу вазифа бизнинг миллий хусусиятимизни ҳам ифода этади. Халқимиз фарзанд тарбиясига, унинг келажаги, ахлоқ-одоби, касб-кори ва эл орасидаги обрўсига ниҳоятда эзгу бир фазилат тарзида қарайди. Фарзандига яхши ном қўйиш, яхши устоз қўлига топшириш, уни саводли, илмли, бирор ҳунар бошини ушлаш, уйлантириб, уйли-жойли қилиш каби халқимизнинг ажойиб анъаналари гуллаб-яшнайдиган замон келди.

Ёшларни тарбиялаш фақат оилалар вазифаси бўлибгина қолмай, умумжамият аҳамиятига молик ижтимоий бурчга айланди. «Фақатгина чинакам маърифатли одам, — деган эди И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқида, — инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда

¹ *Ислом Каримов. Ўша асар, 282-бет.*

яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин»¹.

Янги тафаккурга эга ёшларни вояга етказиш ва тарбиялаш мақсадида «Таълим ҳақида» қонун қабул қилинди, катта ишлар амалга оширилмоқда:

— олий мактаб соҳасида тест усули жорий этилди;

— вилоят марказларида педагогика институтлари университетларга айлантирилди;

— чет элларга тажриба алмашиш ва талабаларни ўқишга юбориш йўлга қўйилди;

— иқтисод ва бизнес соҳасидаги мутахассис ва ўқитувчиларни қайта тайёрлаш бошланди;

— ўтиш даврида 2 мингдан ортиқ талаба ва мутахассислар чет элларда ўқиб келишди;

— 200 дан ортиқ чет эл мутахассислари республикамиз ўқув муассасаларига жалб этилди;

— Давлат ва жамият, Банк ва Молия, Бадий академиялар ташкил этилди;

— «Маҳалла», «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Нуроний», «Улуғбек», «Умид» ва ҳоказо жамғармалар ишга фаол киришиб кетдилар.

Шу билан бирга таълим-тарбия тизимида тарбиячининг билими, салоҳияти масаласи ҳамон долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Бошланғич таълимга эътиборни кучайтириш бўлажак саводли ва билимли ёшларни тарбиялашнинг энг мақбул йўлидир. Ёшлиқда ким, нимани қўлга киритса у шунини ривожлантириш, давом эттириш имкониятига эга бўлади. Бошланғич таълим жараёнида бой берилган имкониятни кейинчалик тўлдириб бўлмайди. Шунинг учун юртбошимиз таъкидлаганларидек, «боланинг дунёқарashi, диди, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфларга энг етук, энг тажрибали мураббийлар бериштириб қўйилишини оддий мантиқнинг ўзи талаб этади».²

Бундан ташқари, мураббийлар замонавий дарсликлар билан қуролланган бўлишлари керак. Эски қолипда, мустабид даврда ёзилган дарсликлар туфайли эски мафкурадан халос бўлмасдан болаларимизни янгича фикрлашга ўргатиб бўлмайди. Мустақиллик даври дарсликларида миллат фикрининг, миллат тафаккури ва

¹ Ислам Каримов. «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида», 325-бет.

² Ислам Каримов. Уша асар, 329-бет.

миллат мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши зарур. Ана шундагина ёшларимиз онги ва қалбидан мустақиллик ғоялари, миллий қадриятларимиз, тарихий ва маънавий меросимиз ўрин олади. Қаерда айтилаётган гап билан, ёзилган нарса билан уларни идрок этувчилар ўртасида онгли интизом бўлса, яъни тингловчи билан тарбиячи маънавий дунёсининг мушта-раклиги вужудга келса, шу ерда таълим-тарбия ўз самарасини беради. Тарбиячи фақат тарбия «берувчи», талаб қилувчи эмас, «тингловчи» ҳамда ўз қўл остидагиларнинг мустақил фикр юритишига маънавий муҳит яратувчи бўлгандагина қарс икки қўлдан чиқади. Акс ҳолда бир-бирига қараб ўтирган, аммо хаёллари турли томонда бўлган одамларнинг ҳолатига тушиб қолинади. Бу ўринда тарбиячининг вазифаси мутлоқ эркинлик, яъни хоҳласам ўқийман, хоҳдамасам ўқимайман, дейдиган «мустақил фикрловчи»ларни эмас, уларга тўғри йўл кўрсатувчи, уларни билим ва маънавиятга қизиқтирувчи, орқасидан эргаштира оладиган чинакам мураббий, устоз бўлиши муҳимдир.

Бундай тарбиячилар олий ўқув юртларида шакллантирилади. Шунинг учун олий ўқув юртларига билимга чанқоқ, истеъдодли болаларни танлаш ва уларга етарли маълумот бермоқ зарур; олий ўқув юртларида қандай ва неча хил мутахассислик бўйича таълим берилиши ҳам ниҳоятда муҳим масала; замон талаб қилаётган янги мутахассисларни аниқлаб олиш зарур; бундай вазифалардан келиб чиқадиган мантиқий хулоса шуки, ўқув дастури ва программаларни замонавий талабларга мослаштириб тузиш ва жорий этиш керак; шунингдек, юртимиз ўғил-қизлари таҳсилнинг охириги йилларини тараққий топган давлатларнинг ўқув марказларига бориб ўқишларини ташкил қилиш, ўқитувчиларни ҳам чет элга малака ошириш ҳамда тажриба алмашиш бўйича юборишни уюштириш мақсадга мувофиқдир.

Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури шунга ўхшаш жуда кўп масалаларни ойдинлаштирадики, уларни ҳал қилиш мамлакатимиз фани ва маданиятининг келажакига, равнақи учун ниҳоятда зарурдир.

Президентимиз И. А. Қаримов кўрсатиб берганидек, кадрлар тайёрлашнинг 3 босқичдан иборат тизими қуйидаги асосий ғамойилларни ўз ичига олади:

— барча таълим муассасаларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш ютуқларидан самарали фойдаланиш;

— давлат таълим стандартларини жорий этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизмини ишлаб чиқиш;

— ихтисосликлар, малака даражасига кўра мутахассисларга бўлган умумдавлат ва минтақавий талабларнинг истиқболини аниқлаш;

— ўқитувчиларни ва мураббийларни қайта тайёрлаш;

— давлат ва ижтимоий муассасаларнинг касбга йўналтириш бўйича фаолиятини такомиллаштириш;

— ўқувчи ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

— умумтаълим мактабларини давлат томонидан молиявий ва моддий-техникавий тўлиқ таъминлаш меъёрларини ошириш ва унинг механизмини такомиллаштириш;

— кадрлар тайёрлаш ва таълим соҳасига чет эл сармоялари, халқаро жамғармаларнинг маблағларини жалб этиш. Халқ таълимининг асосий бўғинини узлуксиз таълим тизими ташкил этгани учун умумтаълим дастурларини мактабгача тарбия, бошланғич, умумий таълим ва мактабдан ташқари таълим тарзида тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бинобарин «Алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак, — дейди И. А. Каримов, — умумтаълим мактаби барчамиз учун мажбурий бўлиб, уларда болаларимизга умумий билим асосларини чуқур ўргатишимиз керак, том маънода фарзандларимизнинг дунёқарашини шакллантириш ва кенгайтиришимизга асос солишимиз керак».¹

Таълим тизими, касб-хунарни эгаллаш ва олий савиядаги мутахассис бўлиб шаклланиш қуйидаги поғоналар асосида содир бўлади:

1. Мактабгача таълим.

2. Бошланғич таълим. 1—4 синфларни ўз ичига олади.

3. Умумий таълим. 5—9 синфлар доирасида билим ва тарбия берилади.

4. Ўрта махсус билим ва касб-хунар таълими; академик ва касб-хунар лицейлари ва коллежларида ўқиш муддати 3 йилдан кам бўлмайди.

5. Олий мутахассислик таълими. Олий мутахассислик таълими бакалаврлик ҳамда магистратурага бўлинади.

¹ Ислам Каримов. «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида», 340-бет.

Бакалаврлик — базавий олий таълим бериш демакдир. Унда ўқиш камида 4 йил давом этади. Сўнгра магистратура — аниқ мутахассислик бўйича олий касбий таълим бўлиб, бакалаврлик негизида камида икки йил давом этади. Таҳсил якунида магистрлик диссертацияси ҳимоя қилинади.

Шунингдек, узлуксиз таълимнинг расмий тизимида яқунловчи бир босқич ҳам борки, унга аспирантура ва докторантура киради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аспирантура ниҳоясига етказилган магистрлик негизида 3 йил давом этади. «Фан номзоди» илмий даражасига эга бўлганларгина докторантурада ўз мутахассислиги бўйича 3 йил ўқийдилар.

Таълим-тарбия соҳасидаги миллий дастурнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унда ёшларнинг билим олиши ва касб-ҳунар эгаллашларида жуда катта эркинлик яратилишидир.

Юртбошимиз миллий дастурни амалга оширишда 3 йиллик таълим муассасаларини ташкил этиш ва бу поғонада болаларга билим бериш ва касб-ҳунарга ўргатиш энг оғир, энг мураккаб ва энг нозик масала эканлигини таъкидлайди. Биринчи ва асосий вазифа таянч умумтаълим босқичини тутатган ўқувчига ўзининг хоҳиш-иродаси ва интилишига қараб икки турдаги уч йиллик ўрта махсус ўқув юртларида таълимни мажбурий-ихтиёрий давом эттиришга шарт-шароит яратишдир:

— биринчи турдаги билим муассасаларини ўрта махсус билим юртлари (академик лицейлар) деб аташ мақсадга мувофиқ. Чунки 9 йил давомида мактабларда ўқувчилар умумий таянч маълумотини олсалар, ўрта махсус билим юртларида улар ўзи танлаган таълим йўналиши бўйича билимини ошириш ва муайян олий ўқув юртига кириш учун аниқ мақсадга йўналтирилган фанларни мукамал ўрганишга қаратилган махсус билим олиш имкониятига эга бўладилар;

— иккинчи турдаги 3 йиллик ўқув юртлари ва ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлари (коллежлар)да талабаларга ўзлари танлаган касб-ҳунар йўналишлари бўйича махсус билим берилади ва касб-ҳунар ўргатилади.

Таълим-тарбия тизимини бундай шаклда йўлга қўйиш ёшларнинг эркин ва ихтиёрий равишда ўз қобилиятларини рўёбга чиқаришга имконият беради.

Миллий дастур республикамизда таълим-тарбия

ислоҳотининг барча томонларини қамраб олган. Масалан, Президентимиз фикрига биноан, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос, жўррофий, этник хусусиятларидан ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, болаларнинг ота-оналар бағрида ўқиши, касб-ҳунар эгаллаши таъминланади ва шу билан бирга, бу билим юртлари ўша ҳудуднинг маданий-маърифий марказига айланиб қолади.

Ота-оналар ўз фарзандларининг бағрида бўлиб касб-ҳунарли бўлишини истайдилар. Миллий хусусиятларимиз ҳам шуни тақозо этади. Буни ҳисобга олган ҳолда жойларда уч йиллик замонавий махсус касб-ҳунар ўқув юртлари ташкил этилиши айни муддаодир.

Шундай улкан ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш учун махсус билим юртларида дарс беришга яроқли ўқитувчилар керак бўлади. Бунинг учун педагогика институтлари ва университетларида 3 йиллик билим юртлари учун ўқитувчиларни тайёрлайдиган махсус факультетларни ташкил этиш кўзда тутилди. Мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича алоҳида марказлар очилиши ҳам билим юртларида олиб бориладиган таълим-тарбия ишлари самарасини оширади.

Дастурни муваффақиятли амалга оширишнинг яна бир томони шундан иборатки, ўқув жараёнини унумли ва мазмунли ташкил этиш учун махсус дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари билан таъминламоқ зарур.

«Бу ерда, — дейди Ислом Каримов, — тамомила янгидан ташкил этилаётган 3 йиллик махсус билим юртларининг 1, 2, 3-курсларида нималар ва қандай ихтисосликлар ўқитилади, маҳаллий ва замонавий эҳтиёжлардан келиб чиқиб, талабаларга қандай касб-ҳунарлар берилади, деган қатор масалаларни ҳал қилиш тақозо этилади. Шу асосда оптимал давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш зарурати пайдо бўлади.

Мазкур ишларга мамлакатимизнинг йирик олимларини, тажрибали, юқори малакали амалиётчи ўқитувчилар, хорижий экспертларни кенг жалб этиш лозим».¹

Президентимиз сўзларидан кўриниб турибдики, халқ таълими ислоҳотининг давлат миқёсидаги дастури ишлаб чиқилган, аниқ ва изчил ислоҳот тамойиллари ҳамда босқичлари белгиланган. Галдаги вазифа бундай мураккаб ва шарафли ишни амалга оширмақ учун бутун

¹ Ислом Каримов. «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида», 345-бет.

жамоатчилик ва жамиятдан катта куч, маблағ ҳамда шижоат талаб қилинади.

Бундай олижаноб ислоҳот, гарчи катта маблағ ва улкан куч-ирода сарф этишни талаб этса-да, унинг натижаси ҳам иқтисод, ҳам сиёсат, ҳам маънавият нуқтаи назаридан қараганда ҳар қандай харажатларни оқловчи буюк неъматдир. Бу неъмат мустақиллик истиқболини қўлига олувчи ва уни асрлар оша авлодлардан-авлодларга етказувчи ёшларни тарбиялаб етиштириш билан изоҳланади. Ана шундай ишларни амалга ошириш натижасида янгича тафаккур юритадиган, янги замоннинг янги ворисларига эга бўламиз. «Ишончим комилки, — дейди юртбошимиз, — Ўзбекистоннинг бутунги салоҳияти ва иқтисодий ҳолати, халқимизнинг ақл-заковати ва иродаси бу ўта масъулиятли, шу билан бирга, шарафли, оддий тил билан айтганда, эл-юртимизнинг фаровон ва бахтли келажагини ҳал қилувчи вазифани муваффақиятли адо этишга замин ва имкон беради».¹

Халқимиз ерга кўчат экадими, чўлга сув олиб чиқадими, иморат қуриб, кўприklar бунёд этадими, доимо келажакни, келажакдаги фарзандларимиз истиқболини ўйлаб иш кўришга ўрганиб, одатланиб келган.

Келажакни ўйлаган одамнинг кўнгли пок, руҳи баян бўлади. Халқимизга хос бўлган ана шундай фазилатларни ёшлар онгига синдириш ва уларни озода ҳамда обод Ватан учун астойдил меҳнат қилишга жалб этиш бизнинг шарафли бурчимиздир.

8. ЎЗБЕКИСТОН XXI АСРГА ИНТИЛМОҚДА

(Президент Ислоҳ Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси муносабати билан)

Алғов-далғовли, ниҳоятда мураккаб, айна чоғда, миллатлар ва мамлакатлар ҳаётида жуда катта из қолдирган XX аср ортада қолди.

XX асрга яқун ясаб, унга баҳо берар эканмиз «Биз келгуси асрга ўзимиз билан нималарни олиб ўтишимиз мумкин ва зарур? Ва нималардан воз кечишимиз даркор? Ўз ҳаётимизни қандай йўллар билан яхшиламоқчимиз? Янги мингйилликда қандай муаммоларнинг ечими бизнинг диққат-эътиборимиз марказида турмоғи

¹ Ислоҳ Каримов. «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида», 346-бет.

лозим?» деган саволлар муҳим ижтимоий-тарихий аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон 1991 йилдан ўзининг янги тарихини бошлаган экан, мустақиллик туфайли халқимизнинг муқаддас қадриятларига, улкан тарихий, маънавий меросига, умумэътироф этилган демократик тамойилларга риоя қилинган ҳолда янги жамият қуриш имконияти яратилди.

Янги тарихимиз оғир шароитда бошланди. Бизга мустабид тузумдан заиф ва бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳокимлигига, бой минерал хом ашё ресурсларимиздан назоратсиз фойдаланишга асосланган, келажаги йўқ иқтисодиёт мерос қолган эди. Бу оғир мероснинг яна бир даҳшатли томони шунда эдики, инсон учун зарур барча нозу неъматларга бой мамлакатимиз марказлашган тақсимот туфайли оддий озиқ-овқат маҳсулотларидан то мураккаб техникагача четдан келтирилар эди.

«Оқ олтин»имиз, ҳақиқий тилломиз, рангли металлар, стратегик аҳамиятли материаллар, пилла, газ ва қорақўл каби жаҳон бозорида ўта харидоргир қимматбаҳо маҳсулотларимиз сув текинга ташиб кетиларди.

Бундан ташқари, мустабид тузум мафкураси одамларнинг миллий ва диний туйғуларини камситди, миллатларнинг тарихий тараққиётини бузиб кўрсатди, она тили ва миллий маданият ривожини кишанлаб қўйди.

Бу даврда миллий ўзликни англаш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. Миллий ўзликни англаш ўрнига сохта байналмилалликни тарғиб этиш, миллатпарвар инсонларни, миллат онги, виждони ҳисобланган кишиларни қатағон қилиш, синфий табақалаш туфайли бир миллат алломаларини ўз Ватани ва халқидан ажратиб, ўзаро ёвлантириш тамойили авж олган эди.

Мустақиллик ярим мустамлака мамлакат бўлиб қолган Ватанимизни эркин тараққиёт йўлига олиб чиқди.

Жамият ва халқ олдида ниҳоятда мураккаб вазифалар турарди: тарихан бошимизга тушмаган янги жумбоқларни ечиш, тараққиётнинг истиқболли йўлларини, тамойилларини ишлаб чиқиш зарур эди. Бу йўлда эсанкираб қолиш, ҳовлиқиб кетиш хавфи ҳам йўқ эмас эди. «Собиқ шўролар ҳудудидаги аксарият мамлакатлардан фарқли ўлароқ, — деди Президентимиз, — биз баландпарвоз ҳавас ва шиорларга, ҳавойи кайфиятларга берилмадик. Бу касалликдан ўзимизни сақлай олдик».

Эски тузум асоратлари, эски мафкура осонгина

одамларни ўз исканжасидан бўшатиб юбормаслигини унутмаган ҳолда, янги ижтимоий муносабатлар асоси аста-секин ва собитқадамлик билан қурилишини назарда тутган ҳолда иш кўрилди.

Янги демократик ташкилотларни шакллантириш, янги қонунларни, демократик тушунчалар, мустақил давлатни бошқарув тизими нормаларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва ҳаётга тадбиқ этиш учун, яъни жамиятни ислоҳ қилиш учун янгича фикрлайдиган одамларни тарбиялаш ниҳоятда зарур эди. Энг муҳими, одамларнинг тафаккур тарзини ўзгартириш ва янги ижтимоий муносабатларга ўргатиш бўлиб қолди.

Жамиятда ҳам, ҳар бир инсон ҳаётида ҳам янгилашни осон ва жўн кечмайди. Маълум қийинчиликлар, зиддиятлар туғилиши табиий. «Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, — дейди Президентимиз, — халқимизнинг кайфиятини бузмаслик мақсадида, ўтиш даврида унинг бошига тушган оғир юк ва ташвишларни енгил қилиш, мураккаб синовларда ҳеч кимнинг бурнини қонатмасдан, узоқ ва яқин кўшниларимиз билан тенг ва дўстона алоқа қуриб, босқичма-босқич сиёсат олиб боришга ҳаракат қилдик».

Ана шу одилона сиёсат натижасида қуйидаги муваффақиятлар қўлга киритилди:

— мустақилликка эришилди ва жаҳон харитасида янги давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди;

— мамлакатимизда маъмурий-буйруқбозликка асосланган мустабид тузумга барҳам берилди;

— эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатнинг конституцион, ҳуқуқий ва амалий асосларини яратишга муваффақ бўлинди;

— давлат, жамият, иқтисодиёт ва ижтимоий инфратузилма такомиллаштирилди, янги маънавий ҳамда ахлоқий қадриятларнинг устуворлиги таъминланди;

— жаҳон миқёсида тан олинган мамлакатимизнинг ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқаларининг мустақил йўли шаклланди;

— давлатимиз хавфсизлигини таъминловчи янги миллий армия тузилди;

— тарихий, миллий ва ахлоқий қадрият ҳамда анъаналаримиз, муқаддас динимиз қайта тикланди;

— мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликка эришилди;

— иқтисодиёт ва жамиятда шахсий мулк ва мулкдорларнинг, тадбиркорларнинг мавқеи ва ўрни мустаҳ-

камланмоқда. Йирик иншоотлар, корхоналар қурилди, микроиқтисодий барқарорлик вужудга келмоқда;

— одамларнинг тафаккури ва ҳаётга муносабатида ўзгариш содир бўлди, аҳолининг фаоллиги ошмоқда, ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва келажакка ишонч туйғуси ортиб бормоқда.

Қисқача баён этилган юқоридаги ишлар, фаолият ҳамда тамойиллар ўтган давр ичида халқимизнинг фидокорона меҳнати ва ақл-заковатидан далолат беради.

Ютуқларимиз, мустақиллик шарофати қанчалик улув ва мўътабар бўлмасин, 16 февраль воқеалари бизни янада сергак ва хушёр бўлишга чорлайди. 16 февраль воқеалари шундан далолат берадики, Ўзбекистон мустақиллигига, унинг миллий тараққиёт дастури ва истиқболига айрича кўз билан қараётган хавф-хатар мавжуд экан. Президентимиз ана шу хавф-хатарнинг иккитасига диққатни жалб этади.

Биринчи. Мамлакат ташқарисидаги тажовузкор ақидапараст кучлар ислом дини халқимиз учун муқаддас қадрият эканидан фойдаланиб, Ўзбекистонни демократик, маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга интилмоқдалар.

Иккинчи. Бизнинг мустақил йўлимизни кўролмайдиган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга уринаётган кучлар мавжуд.

Асоссиз бўлган бу хавф-хатарларнинг Ўзбекистонни ўз тараққиёт йўлидан ташқарига чиқариб юборишга кучи етмайди. Янги ва мустақил Ўзбекистонда демократик тараққиёт ва инсонпарварлик тамойилларига асосланувчи жамият аллақачон илдиз отиб бўлди. Бу илдизни на чошиб, на қуришиб бўлади. Аксинча, ундан янги жамият, янги ҳаётнинг гўзал мевалари унаверади.

Инсон ва инсониятни эркин, озод ҳамда бахтиёр қилишга қаратилган тарихий жараёни ортга қайтариб бўлмайди. Президентимиз эслатиб ўтадики, «ўз тақдирини ўз қўлига олган, эркинлик ва мустақиллик ҳавосидан бир бора кўксини тўлдириб нафас олган, танланган тараққиёт ва фаровонлик йўлининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилган ҳар қайси одам ва бутун бир халқ ҳеч қачон ўз эътиқодидан қайтмайди».

Бундан ташқари, чет эл давлатларининг раҳбарларидан тортиб, бизнесменлар, банк ходимлари ва ишбилармонларнинг бизга кўрсатаётган хайрихоҳлиги, ўзаро иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашга

интилишлари Ўзбекистон келажаги ва тараққиётининг орқага эмас, олдинга қаратилганига яна бир бор гувоҳ бўла олади.

Бинобарин, биз янги минг йиллик бўсағасида турган эканмиз, ўз истиқболимиз режаларини аниқлаш ва халқимиз, мамлакатимиз имконияти ҳамда эҳтиёжини ифодаловчи мақсадларни аниқлаб олишимиз зарур бўлади.

И. А. Каримов айтганларидай, биз жамиятни янгилашнинг инқилобий усулларига мутлақо қаршимиз. Биз тадрижий-эволюцион ислоҳотлар йўли тарафдорларимиз ва бунга қатъий амал қиламиз. Мамлакатимизнинг тарихий ва миллий хусусиятларини, халқимиз табиати — менталитетини инобатга олсак, ривожланишнинг мазкур йўли биз учун ниҳоятда мақбулдир. Шу нуқтаи назардан қараганда жамиятни ва иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг, янгилашнинг «ўзбекча модели» тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда, демократик ва бозор ислоҳотлари кучли ижтимоий сиёсат, аҳолининг ночор қатламларини муҳофаза қилиш билан уйғун олиб борилмоқда. Навбатдаги вазифа ислоҳотларнинг аҳоли томонидан қўллаб-қувватлашига таянган ҳолда, уларни янада чуқурлаштириш, мамлакатимиз ривожланиш стратегиясини, устувор йўналишларини белгилаб олишдан иборатдир.

Биринчи устувор йўналиш — мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш;

— сиёсий соҳани эркинлаштириш соҳасида аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур;

— сайловларни Конституциямиз ва қонунчилигимиз талабларига қатъий таянган ҳолда, умумэътироф этилган халқаро амалиёт меъёрлари доирасида ўтказиш муҳим аҳамият касб этади;

— давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштиришда ҳокимият барча тармоқларининг мустақил иш юритишга, фуқароларни ўз ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўтишига, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишга эътибор кучайтирилади;

— иқтисодиёт соҳасини янада эркинлаштиришда биринчи навбатда давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш кўзда тутилади.

Иккинчи устувор йўналиш — жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат. «Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, — дейди Ислом Каримов, — инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймониродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан».

Ҳозирги кунда эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни, яъни ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз ақлзаковатига таянадиган, ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган воқеаларга мустақил муносабат билдира оладиган, шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, баркамол инсонни шакллантириш ва тарбиялаш долзарб вазифа бўлиб қолди. Чунки «амалга оширилаётган ислохотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини билан узвий боғлиқдир».

Учинчи устувор йўналиш — кадрлар масаласи. Кадрлар наинки шу бугунги тараққиётимиз, балки келажакимизни белгиловчи маънавий потенциал куч ҳисобланади. Олий Мажлис IX сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш стратегик мақсадларимизнинг рўёбга чиқишида катта аҳамиятга эга.

Тўртинчи устувор йўналиш — халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишни тақозо этади.

Бешинчи устувор йўналиш — жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат. Бу борада Президентимиз таъкидлаб ўтганларидай, «Ўзбекистон бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқлилик асосида шерикчилик қилиш, барча можаро ва муаммоларни фақат тинч сиёсий ва

ҳуқуқий воситалар билан ҳал этиш тарафдори» сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга минтақадаги аҳвол, дунёнинг бошқа ҳудудларида вазиятнинг кескинлашуви Ўзбекистоннинг ўз хавфсизлик тизимларини яратишни тақозо этади.

Бу вазифалар фақат жамият эркинлашгач амалга ошиши мумкин. Ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида диққат-эътиборимиз қонунчилик фаолиятимиздаги камчиликларни тезроқ бартараф этишга қаратилмоғи зарур. Ҳар бир фуқаро қонун асосида яшашни ўзининг асосий ҳаёт тарзига айлантириши керак.

Жамиятни демократик асосда қайта қуриш жараёнида партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари сингари сиёсий тузилмалар — институтларни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш эҳтиёжи туғилади. Партиялар ҳақида гап кетганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, улар ҳокимиятнинг сайлаб олинаётган органларидан ўрин олар эканлар, мамлакатдаги ижобий ва ижодий ўзгаришларга таъсир эта оладиган аниқ мақсадларга, ҳаракат дастурларига эга бўлишлари керак. Шу билан бирга «Барча демократик давлатларда бўлганидек, бизда ҳам партияларнинг ўзаро кураши, ғоя ва қарашларининг рақобати, керак бўлса, сайловчилар овози учун кураш бўлиши табиий. Албатта, бу кураш мамлакатда қабул қилинган конституцион ҳуқуқий меъёрлар ва қонунчилик тартиб-қоидалари доирасида олиб борилиши керак».

Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат тизимларининг аҳамияти катта ва мавқеи тобора ўсиб бормоқда. Уларнинг фаолияти фақат хайрия ва мурувват кўрсатиш билан чегараланмасдан, демократик қадриятларни, кишиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат бўлиши зарур.

Мамлакатимизнинг мустақиллиги эълон қилинган кундан бошлаб аёллар ва ёшлар ҳаёти, турмуши ва фаолиятига катта эътибор берилмоқда. Президентимиз образли тарзда айтдиларки, «Жамиятимизнинг гуллари айнан мана шу аёлларимиз ва ёшларимиздир, десак, асло муболаға бўлмайди. Шунинг учун ҳам аввало Аёллар йили муносабати билан қабул қилинган дастур тадбирларини оғишмай, изчил амалга ошириш зарур. Бундан ташқари, аёллар меҳнатини енгиллаштириш, айниқса, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш ҳақида

жиддий ўйлаб кўриш ва керакли тадбирларни амалга ошириш даркор!»

Ёшлар билан ишлаш ҳам алоҳида эътибор, алоҳида чора-тадбир ва масъулиятни талаб этади. Бизнинг келажакимиз бутунги ёшларимизнинг қандай камол топганига, қандай бўлаётганликларига, қандай маънавий озиқ олганига, уларнинг ҳаётга қандай муносабатда ва қандай олий мақсадни ўз олдларига қўйганига боғлиқ. Зеро «Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур».

16 февраль воқеалари бизни, жамиятимизни, жамоатчиликни янада сергаклантириши керак. Тарбиячилар, ота-оналар ва жамоатчилик орасидаги беғамлик, лоқайдлик, ишимиздаги камчиликлар айрим ёшларни жиноий гуруҳлар, экстремистлар, диний мутаассиблар таъсирига тушиб қолишига сабаб бўлди: бутун мамлакатимиз аҳолисини ларзага солган 16 февраль воқеаларидан қанчалик узоқлашган сари шунчалик унинг ёвузлигини ҳис қилиб, тегишли хулосалар чиқаришга тўғри келмоқда.

У ёки бу мамлакат, халқ ҳаётида қўпоровчилик хатти-ҳаракатларининг учраб туриши инсоният тарихининг нақадар мураккаблашиб кетганидан, ижтимоий-сиёсий майдондаги турли-туман кучларнинг ҳар қандай кураш усулларида фойдаланишга уриниб кўраётганидан дарак беради.

Президентимизга, мамлакатимиз ва халқимизга нисбатан уюштирилган суиқасднинг қандай мақсадларни кўзлагани аён бўлди. Мунофиқ кимсалар биринчи навбатда сиёсий мақсадни кўзлаганлар. Суиқасд натижа-сида Ўзбекистонни ўз юртбошисидан, мустақиллик карвонини ўз йўлидан жудо қилишга, пировардида амал ва мансаб илинжида юрган «қора юрак»ларнинг бош кўтаришига эришмоқни ўйладилар.

Бу ўтакетган хомхаёллик ва разолат эди. Суиқасдни уюштирганлар ва уни бажарувчилар ҳаёлида бундай воқеадан кейин мамлакат ҳаёти издан чиқиши ва тарихда кўп бўлиб турган қўпоровчилик ҳаракатлар кучайиб, халқ орасида эсанкираш ва норозилик кайфиятлари кучайиши керак эди. Бундай бўлмади. Хомхаёллик хомхаёллигича қолди.

Аксинча, телевидение ва радиодан Президентимизнинг мамлакат ва халқ ғам-ташвиши билан йўғрилган

изтиробли, айни чоғда, мулойим, босиқ ва ўктам овози янгради.

Сиёсий курашнинг энг тубан усулини қўллаганлар мурод-мақсадларига эриша олмадилар. Агар улар мард ва ҳақ бўлганларида ўз сиёсий тамойиллари ва дастурлари билан халқ олдига очиқ-ойдин чиққан ва ошкора кураш олиб борган бўлардилар. Уларнинг бунга на маънавий, на ақлий ва на ҳуқуқий идроклари бўлмагани учун жаҳолат йўлини танладилар.

Қўпоровчилар кирдикорларидан иккинчи хулоса шуки, улар сиёсий мақсадларидан ташқари, иқтисодий зараркунандаликни ҳам кўзда тутганлар.

Ўзбекистоннинг шу бутунги ижтимоий-сиёсий муҳтида сиёсий мақсадларни тезда ва бирдан амалга ошириб бўлмаслигини олдиндан ҳис қилган шахслар ҳеч бўлмаганда мамлакатимизга иқтисодий зарар келтиришни кўзлаганлар. Бир йўла олти жойда портлаш юз бериши ва бунинг оқибатида қанча-қанча бинолар зарар кўриши, одамлар ҳалок бўлишини билишмасмиди? Билишган, албатта! Лекин ҳеч бўлмаса шу йўл билан «Биз — алақандай ёвуз кучлар бормиз, қўлимиздан мана шунақа ишлар келиши мумкин» деб огоҳлантириб, халқни қўрқитиб қўймоқчи бўлдилар.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача, дейди халқимиз.

Гарчи бир неча бегуноҳ ҳамюртларимиз қурбон бўлиб, баъзи биноларга зарар келтирилган бўлса-да, мамлакатимизнинг энг нодир бойлиги — руҳи ва иймонига зарар етгани йўқ. Биноларни таъмирлаш ўз йўлида бўлиб кетади. Ҳозирги буюк қурилишлар олдига бу кичик бир иш. Халқимиз бегуноҳ ҳалок бўлганлар, шахид кетганларни ҳеч қачон унутмайди.

Хомхаёл кимсалар, учинчидан, ўз қора ниятларида маънавий мақсадни ҳам кўзлаган бўлишлари мумкин. Президентимиз ўтиш даврининг қийинчиликларини яширмасдан айтиб турган бир пайтда, мамлакат ва миллат бағрида маънавият ва маърифат чироғини ёқишга бор кучини сарф қилаётган замонда, улар ўз ҳаракатлари натижасида халқ орасида маънавий парокандалик юз беради, деб ўйлаган бўлсалар керак. Бунда ҳам хомхаёллик жаҳолат билан чатишиб кетгани кўринди. Халқимиз мудҳиш воқеа содир бўлган ондан «Биз Президентимиз ёнидамиз, халқни Президентдан, Президентни халқдан ажрата оладиган куч дунёда йўқ» деган шиор билан чиқди. Қўпоровчилар ўйлаган маъ-

навий эсанкираш ўрнига маънавий бирлик, аҳиллик, ҳушёрлик ва огоҳликка даъват ҳисси барчанинг онгини, вужудини эгаллади. Эркин Воҳидов бу воқеаларга бўлган ўз муносабатини қуйидаги оташин мисраларда ифода этади:

ЮРТИМ, ОЛИС ЙЎЛГА ЧИҚҚАН КАРВОНИНГ БОР

Бу дунёда яхши-ёмон кунлар кўрдим.
Ўкинчим йўқ, майли, йиллар қаддим эгсин.
Мен ҳамон бир аскарингман, она юртим.
Сен томонга отилган ўқ менга тегсин.

Ҳали комил атолмасман маконимни,
Бекам одил санолмасман замонимни,
Лек киприқда асрайман бу давронимни.
Бу давронга отилган ўқ менга тегсин.

Юртим, олис йўлга чиққан карвонинг бор,
Карвонингга посбон, уйфоқ сарбонинг бор,
Эл дардида ҳаловатсиз ўғлонинг бор,
Шу инсонга отилган ўқ менга тегсин.

Тонг нурисан, ватан, кўнглим осмонида,
Эркин азал аждодларнинг армонида,
Мехринг абад авлодларнинг иймонида,
Шу иймонга отилган ўқ менга тегсин.

Ўтган давр ичида мамлакатимизда амалдаги давлат бошқаруви тизими таркиб топди. Давлатимизда қонун чиқарувчи олий орган Олий Мажлис бор, сайлаб қўйиладиган маҳаллий органлар — Кенгашлар мавжуд, Президентга эгамиз, Бош Вазир, Бош вазир ўринбосарлари, тегишли ваколатга эга вазирлар ва маҳкамалар раҳбарлари бор. Буларнинг барчаси халқ иродаси ва умидларини рўёбга чиқаришга даъват этилган. Бу тизим фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида Президентимиз қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди:

— давлат бошқаруви тизимининг ўзини ривожланган ва демократик мамлакатлар намунаси асосида, уларга ўхшатиб такомиллаштириш;

— кадрлар масаласини ҳал этиш, юқори малакали кадрларга эга бўлиш;

— ижроия ҳокимияти устидан жамоатчилик, зарур

ваколат берилган халқ депутатлари амалга оширадиган назоратни кучайтириш.

Давлат бошқарув тизимини ана шундай ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш натижасида фуқаролик жамиятини қуриш мумкин бўлади. «Фуқаролик жамиятини қуриш, — дейди Президентимиз, — бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни кўзда тутлади».

Мамлакат ва давлат тизимида бошқарувни дифференциал равишда олиб бориш фуқаролик жамияти барпо этишда катта аҳамиятга эга. Масалан, давлат тасарруфида асосан конституцион тузумни, мамлакат мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулк эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, самарали ташқи сиёсат ўтказиш каби вазифалар қолади; стратегик аҳамиятга молик масалалар, муҳим иқтисодий ва ҳўжалик масалалари, пул ва валюта муомаласи, экология масалалари, умумреспублика коммуникация шохобчаларини ривожлантириш сингари масалалар давлат миқёсида ҳал этилади.

Бозор ислохотларини амалга ошириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этиб борилади.

Худди шундай қилингандагина фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини барпо этиш мумкин. Пировардида маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доираси кенгайди, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич топшириш имконияти пайдо бўлади. «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти ана шунда намоён бўлади. Натижада бу дастурни амалга ошириш жараёни фуқароларнинг ўзларига ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг имконият яратилади.

Фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида суд, проку-

ратура ва адвокатура тизими фаолиятини такомиллаштириш ниҳоятда зарур. Адвокатура тизимини кучайтириш ва унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш жамият ҳаётини соғломлаштиришда, суд ва прокуратурага нисбатан халқ муносабатини ўзгартиришда катта аҳамият касб этади. «Суд тизимини ислоҳ қилиш, — дейди Президентимиз, — аввало, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак. Фақат шундай қилганда ҳозир судни жазоловчи орган деб биладиган одам судга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиш лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади. Ана шундагина суд ҳокимиятнинг ҳақиқий мустақил учинчи тармоғига айланади».

Фуқаролик жамияти қуришда тўртинчи ҳокимият вазифасини бажарувчи оммавий ахборот воситалари олдида ҳам улкан вазифалар мавжуд. Оммавий ахборот воситалари кун сайин ҳаётимизга чуқурроқ кириб бормоқда, мустақиллик мафкураси, маънавият ва маърифат масалаларига жиддий эътибор бермоқда. 490 та газета ва 138 та журнал фаолият кўрсатмоқда.

Газета ва журналлар, радио ва телевидение олдида улкан вазифалар мавжуд:

— қабул қилинган қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоат назоратини, давлат ҳамда мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширадиган жанговар механизмга айланишда оммавий ахборот воситалари мавқеини кучайтириш зарур;

— оммавий ахборот воситалари жамият ҳаёти ва истиқболи ҳақида ҳар ким ўз мустақил ва эркин фикрини айта оладиган минбар бўлиши керак;

— шунингдек, оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик қадриятларини ва тушунчаларини ҳимоя қилиш, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим.

Оммавий ахборот воситалари доимо жамоатчилик фикрига кучли таъсир этиб келган. Бундай оммавийлик ва инсон онги, тушунчаларини ўзгартириш ва қайта шакллантириш имкониятига эга бўлган оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналист кадрларнинг масъулияти ниҳоятда каттадир. Улар одамлар, уларнинг қалби ва дунёқараши билан бевосита мулоқотда бўладилар. Шунинг учун журналист кадрларни тарбиялаш ҳамда жой-жойига қўйиш ҳам жуда муҳим вази-

фа. «Биз, — дейди Президентимиз, — журналистлар аҳди сиёсий етук, масъулиятли, ҳалол ва виждонли, ўз ишини яхши биладиган, мамлакатимизнинг ватанпарвар кишиларидан иборат бўлишига эришмоғимиз даркор».

Мамлакатимиз ва халқимиз тарихида биринчи бор фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилувчи жамият қураётган эканмиз, бу жамият равнақи кишиларнинг ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билишини, улардан фойдалана олишини, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олишини ҳам тақозо этади. Бинобарин, одамларда ҳуқуқий маданиятни ошириш керак.

Бунинг учун қандай ишларни амалга оширмақ зарур? Президентимиз ҳуқуқий маданият қуйидаги омилларни ҳал қилгандагина рўёбга чиқишини кўрсатиб берди:

— инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган муассасаларнинг яхлит тизимини барпо этиш;

— инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро шартномаларга қўшилишга доир ишларни давом эттириш;

— фуқароларнинг ижроия органларига мурожаатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг шикоятларини ўз вақтида ва одилона кўриб чиқиш учун давлат органлари масъулиятини ошириш мақсадида «Давлат органлари томонидан фуқароларнинг шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида» қонун қабул қилиш зарур.

И. А. Каримов Олий Мажлис, XIV сессиясида иқтисодиёт масалаларига ҳам кенг тўхталди. «Бу соҳада биринчи галдаги асосий вазифа, — деди Президент, — мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш лозим. Бошқача айтадиган бўлсак, биз ўз олдимизга қўйган мақсадни — хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш мақсадини амалга оширишимиз керак».

Ана шундагина пайчилик муносабатлари орқали фермер ва деҳқон хўжаликлари ривожлантирилиб, қишлоқда эгаллик туйғуси қайта тикланади, хусусий тадбиркорлик ривожланади. Шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни кенг ривожлантириш ўтиш даври тақозосидир. Кичик бизнес учун бошқарувчи кадрлар тайёрлайдиган, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини оширадиган бизнес мактаблари тармоғини вужудга

келтириш зарур. Ана шундагина хусусий корхоналар сони кўпайиб, яхлит миллий маҳсулотда уларнинг улushi ортиб боради.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, шунингдек, ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш билан узвий боғлиқ. Рақобат бўлмаса бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Монополиялардан қанчалик тез чиқилса, бозор иқтисодиётига ўтиш, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳаларида самарадорлик шунчалик юқори бўла бошлайди. Бинобарин, «Табиий монополиялар тўғрисида қонун қабул қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чоратадбирларни ишлаб чиқиш даркор».

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида бозор инфратузилмасини ривожлантириш, молия ва банк тизими фаолиятини такомиллаштириш зарур бўлади. Чунки Президентимиз айтганларидай, «Кенг тармоқли бозор инфратузилмаси — фонд ва улгуржи бозорлар, биржалар, кредит ва молия муассасалари, лизинг ва консалтинг компаниялари, тадбиркорларга хизмат қилиши лозим бўлган бошқа тузилмалар том маънода шакллантирилмас экан, улар тўла куч билан ишlamас экан, биз иқтисодиётимизни очик, эркин, энг муҳими, самарали, қисқа қилиб айтганда, ҳақиқий бозор иқтисодиётига айлантира олмаймиз».

Бутун дунё савдо ташкилотига аъзо бўлиш учун ташқи иқтисодий фаолиятимизни ташкил этишнинг бутун тизимини тубдан қайта кўриб чиқишга тўғри келади. Бу соҳадаги расмиятчилик ҳамда маъмуриятчиликка барҳам бериш керак. Иқтисодиёт соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш учун «иқтисодиётимизга хорижий сармояни янада кенгроқ жалб этиш учун, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида, жаҳон бозорида рақобат қила оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишда хорижий инвесторлар янада фаол иштирок этиши учун яратилган ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни такомиллаштиришимиз лозим» бўлади.

Валюта тизими ва бозорини эркинлаштириш заририяти туғилди.

Шу билан бирга, Президентимиз ўз маърузасида алоҳида эътибор бериб таъкидлайдики, иқтисодиётни эркинлаштириш, аввало, давлат ва турли текширувчи, назорат қилувчи органлар томонидан корхоналарнинг

хўжалик фаолиятига ноўрин аралашини чеклаб қўйиш билан боғлиқ. Гарчи бу соҳада тегишли қарорлар қабул қилинган бўлса-да, корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашини, ортиқча тафтиш қилиш ҳоллари учраб туради.

Мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислоҳотлар пировардида кадрлар масаласига бориб тақалади.

Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга оширилиши мамлакатимиз ва давлатимиз келажаги ҳамда тақдири учун муҳим аҳамият касб этади. Бу дастурни бажариш учун қандай вазифаларни бажариш лозим деган савол туғилади.

Кадрлар масаласига дахлдор шахслар ва ташкилотлар олдига Президентимиз қуйидаги масалаларни қўяди:

— таълим тизимида Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур қандай ўтаётгани ва унинг натижаларини чуқур таҳлил қилиш;

— янги дарсликлар, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқишни алоҳида назорат остига олиш;

— юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга эътиборни кучайтириш;

— ихтисослашган қурилиш трестлари тузишни ниҳоясига етказиш, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини фойдаланишга топшириш ишларини тўла ҳажмда бажариш. Ана шу мақсадда 2000 йилда 180 та янги касб-ҳунар коллежи ва 15 та академик лицей қуриб фойдаланишга топширилади. «2005 йилга қадар, — дейди Президентимиз, — биз республикамизда 1611 та касб-ҳунар коллежи ва 181 та академик лицейдан иборат бўлган ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув юртларининг замонавий тармоқларини бунёд этишимиз керак. Бу тўққизинчи синфларни битирувчиларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мактабларига тўла қамраб олишни таъминлайди».

Мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислоҳотлар биринчи навбатда, халқ фаровонлигини кўзлаган ҳолда бажарилмоқда:

— ана шунинг учун мамлакатимизда вужудга келаётган макроиқтисодий вазиятга ҳамда иқтисодиётнинг амалда юксалишига асосланиб, яқин беш йил ичида иш ҳақининг энг кам миқдорини 3,5 баравар ошириш кўзда тутилган;

— аҳоли даромадларини ошириш билан бир қаторда уларнинг харид қувватини ҳам ошириш; бунинг учун пулнинг қадрсизланишига қарши чора-тадбирлар кўриш, ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига ички истеъмол бозорини кундалик зарур товарлар билан тўлдириш;

— аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг амалдаги кўри-нишини танқидий баҳолаган ҳолда унинг аниқ тоифадаги кишиларга қаратилишини кучайтириш; фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш тажрибаси-ни янада кенг жорий этиш; болалар ногиронлигининг олдини олишни, уларга тиббий, ижтимоий жиҳатдан мадад бериш ва меҳнат қобилиятини тиклашни, касб ўргатиш ва сўнгра ишга жойлаштиришни кўзда тута-диган махсус давлат дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

— меҳнат бозорини шакллантириш, янги иш жой-ларини барпо этиш ва аҳолининг иш билан оқилона бандлигини таъминлаш бўйича фаол сиёсат ўтказиш; ишсизликнинг олдини олиш мақсадида, меҳнатга яроқ-ли ҳар бир фуқарони ўз меҳнати эвазига яшаши учун шарт-шароит яратиш учун, айниқса, қишлоқ жойларда 2000—2005 йилларда ишчи кучларини жалб этишга мўлжалланган янги иш жойларини барпо этиш дасту-рини ишлаб чиқиш;

— ижтимоий инфратузилмани, аввало, қишлоқ жой-ларда янада ривожлантириш, аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан қабул қилин-ган давлат дастурини бажариш. Яқин беш-етти йил ичида мамлакатда сифатли ичимлик сув билан таъмин-ланмаган биронта аҳоли пунктлари қолмаслиги керак. 2005 йилгача қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш 85 фоизга, табиий газ билан таъминлаш 82 фоизга етказилиши лозим. Ана шунда, дейди юртбо-шимиз «Халқ фаровонлигини барқарор, муттасил оши-ришни, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни устувор йўна-лиш қилиб белгилаб, шу йўл билан ислохотлар фақат инсон манфаатларини кўзлаб, унинг фаровонлиги учун амалга оширилади, деган асосий қоидамизни яна бир бор тасдиқлаган бўламиз».

Ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатимиз ҳуду-дини тинч-омон сақлаш ва мустақилликни мустаҳкам-лаш учун ўз Қурулми Кучларимизни янада замонавий руҳда ислох қилиш зарурияти туғилади. Бизнинг Қу-

ролли Кучларимиз бошқа бирон мамлакат ёки давлат суверенитетига хавф солиш ниятида эмас, аввало ва биринчи навбатда, мамлакатимиз ва халқимиз тинч ҳаётига посбон тарзида шаклланган. Лекин замон уни ҳам ислоҳ қилишни тақозо этмоқда. Бу ислоҳотларни Президентимиз қуйидаги омилларда кўради:

— мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини самарали ҳимоя қилишга қодир бўлган, тезкор, жанговар қобилияти юксак, ҳар жиҳатдан яхши таъминланган Қуроли Кучларни шакллантириш зарур; биз шунга эришмоғимиз керакки, ҳарбий хизмат сўзда эмас, балки амалда фарзандларимизнинг, ёшларимизнинг нуфузли иши, шон-шараф иши бўлмоғи лозим;

— илғор мамлакатлар армияларининг тажрибаларини ўрганган ҳолда Қуроли Кучларимизни ташкил этиш тартиби ва бошқариш тизими кўриб чиқилади;

— ислоҳот ҳарбий хизматчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга, профессионал тайёргарлигини кучайтиришга, жангчиларимизда ватанпарварлик, юксак маънавий фазилатларни тарбиялашга қаратилиши лозим;

— Қуроли Кучларни ҳарбий-техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш ва янгилаш комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

Мустақил Ўзбекистон, жонажон мамлакатимиз ва давлатимиз юқорида зикр этилган буюк ишларни бажариб келди ва ХХI аср бўсағасида янада улуғвор вазифаларни бажариш ниятида кун сайин ҳар жиҳатдан мустаҳкамланиб бормоқда. Юртбошимиз айтганларидай, «Биз ХХI бўсағасида турибмиз, биз янги буюк ишлар олдида турибмиз. Сиз билан бизнинг вазифамиз давр олдимизга қўяётган барча талабларга муносиб жавоб қайтаришдир. Истиқболимизни аниқ ва равшан тасаввур этиб, халқимизга тинч ва фаровон турмушни таъминлашдир, жаҳон майдонида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаб олишдир».

Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси халқимиз ва мамлакатимизнинг ХХI аср сари йўналган ижтимоий-иқтисодий фаолиятининг назарий-маънавий дастуриламали бўлиб қолади.

9. МИЛЛИЙ ҒОЯ — КОНСТИТУЦИЯ — МИЛЛИЙ МАФКУРА

«Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ёки муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир».

Ислом КАРИМОВ

Инсоннинг бирор куни йўқки, у мақсадсиз яшаган бўлса. Мақсадсиз ҳаёт — бесамар умрдир. Шунинг учун ҳар бир инсондан тортиб, мураккаб ижтимоий ҳаётгача орзу, идеал ва аниқ-равшан мақсад билан яшайди. Агар алоҳида шахс мақсади унинг ақл-идроки, турмуш тарзи ва салоҳиятлари натижаси сифатида кўзга ташланса, жамият, мамлакат ва миллат мақсади жуда кўп ижтимоий, сиёсий, моддий ва маънавий жараёнларни қамраб олади. Жамият, мамлакат ва миллат мақсади, идеали ана шу тариқа муайян даврнинг тараққиёт ва истиқбол кўзгуси бўлиб гавдаланади.

Истиқбол сари мақсадсиз қадам ташлаб бўлмайди. Акс ҳолда бепоён чўл қўйнида йўлдан адашган карвон ҳолига тушиб қолиш мумкин.

Мустақиллик даврида эришган улкан муваффақиятлар фақат тўпланган ва истеъмол қилиб бориладиган маънавий неъматларгина эмас, шунингдек, улар билан қуролланган ҳолда яна бир бор олдинга интилиш, истиқболга боқиш ва келажак сари интилишимизнинг режа ва тадбирларини белгилаб олишдан иборатдир.

XXI аср бўсағасида бош стратегик мақсадимизни белгилаб олиш ва унга бутун ижтимоий-сиёсий ва маънавий фаолиятимизни қаратиш ниҳоятда долзарб масала бўлиб қолди. Президентимиз Ислом Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқида бизнинг истиқболга қаратилган асосий мақсадимиз бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш ҳамда фуқаролик жамиятининг мустақам пойдеворини шакллантиришдан иборат эканлигини таъкидлаган эди.

Бу деган сўз:

— ривожланган давлатларнинг тажриба ва тараққиёт йўлларида кўр-кўрона нусха кўчирмаган ҳолда

уларга хос юксак ҳаёт даражаси ва сифатига эришиш;

— мамлакатимизда миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланадиган, фаровон турмуш тарзи таъминланадиган демократик ривожланиш йўлини изчил давом эттириш;

— халқимизнинг асрий олижаноб анъаналарига, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятига, миллий қадриятларимизга содиқ қолиш.

Бундай улуввор вазифаларни амалга ошириш учун Президентимиз турли соҳалардаги (сиёсий, давлат қурилиши ва бошқаруви, иқтисодиёт, маънавият, суд-ҳуқуқ, ташқи сиёсат, хавфсизликни таъминлаш) вазифаларни аниқ-равшан кўрсатиб берди.

Жумладан, сиёсий соҳани олиб кўрадиган бўлсак, бу борадаги муҳим масалалардан бири мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиришдан иборатдир. Бу жараёнда, аввало, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини кучайтириш ва инсоннинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариши учун тегишли шарт-шароит яратиш кўзда тутилади.

И. А. Каримов айтганларидай, «Жамиятимизда мавжуд бўлган турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантирсак, ҳаётимизнинг барқарор ва мустақкам тараққиётини мукамал кафолатлаган бўлар эдик».¹

Бунинг учун ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга сергак муносабатда бўладиган, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш керак бўлади.

Мустақиллик йилларида маънавият соҳасида эзгу ишлар амалга оширила бошланди: асосий вазифамиз миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий мустақиллик мафкурасини шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги

¹ Президент Ислоҳ Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузаси. — Халқ сўзи, 2000 йил, 23 январь.

ўрнини ва ҳурматини тиклаш сингари масалаларга қаратилди. Галдаги вазифа бу эзгу ишларни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтаришдан иборат бўлиб қолди.

Маънавият масалалари кун тартибига қўйилгач, баландпарвоз гаплар ва чақириқларга ружу қўйиш ҳоллари ҳам бўлди. Маънавиятшунослар сони кўпайди. Мавриди келса келмаса, ўрни бўлса бўлмаса маънавиятдан жар солиб, «маънавият» чайқовчилиги ҳам кўзга ташланди. Дастурлар чоп этилди, дарсликлар устида иш бошланди, аммо кўзга кўринарли натижаларга эришиш қийин бўлмоқда. Бундай пойганинг бефойда эканлигини, маънавият масалалари айрим кишилар ўйлагандай тезда ва ёшасига ҳал этиб бўлмаслигини И. А. Каримов ниҳоятда зийраклик билан кўрсатиб берди. Умумий гаплардан, аравани қуруқ олиб қочишдан кўра конкрет ва изчил режалар асосида иш юритиш лозимлигини уқтирди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида И. Каримов маънавият соҳасидаги истиқболга йўналган қуйидаги вазифаларга эътиборни қаратди: «Ҳар қайси ижтимоий тоифа ва қатламнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, умумий гаплар билан эмас, амалий ишлар билан маънавиятни юксалтириш диққатимиз марказида бўлиши шарт».

Бу — маънавият соҳасида айтилган янги гап ва келажак сари йўналтирилган стратегик кўрсатма бўлди.

Маънавиятга сон-саноксиз таърифлар берилиб бўлди; маънавиятга дахлдор соҳалар, сифатлар, жиҳатлар ва қадриятлар бирма-бир санаб ва кўрсатиб бўлинди; маънавият бўйича олий ўқув юртларида проректор лавозими таъсис этилди; айрим ташкилотларда аввалги «Ленин бурчаги» ўрнида «Маънавият хоналари» ташкил этилди. Гўё маънавият хоналари ташкил этилиб, у ерга беш-ўнта газета-журнал ва китоблар териб қўйилса, кўргазмали қуроллар сифатида плакатлар, шиорлар осиб қўйилса, бу даргоҳда маънавият масалалари яхши йўлга қўйилгандай тасаввур туғилмоқда.

Масалага ана шундай юзаки қарашлар, маънавиятни жўн тасаввур қилувчилар кўпайиб бораётган бир пайтда Президентимиз маънавият масаласи мамлакат ва миллат ҳаёти, тақдири ва келажаги билан боғлиқ минглаб мураккаб муаммоларни ўз ичига қамраган жараён эканлигини уқтирди.

Маънавият — турғун ва тугал нарса эмас, у ҳаёт каби ўзгарувчан жараёнدير. Шунинг учун унга нисбатан маълум ўлчов билан ёндошиб бўлмайди. Уни жонли ва узлуксиз жараён тарзида идрок этмоқ ва ҳар қайси ижтимоий тоифа ва қатламнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, миллат, мамлакат ва конкрет инсоннинг жамиятдаги ўрни ҳамда вазифасини белгиловчи жараён тарзида тушунмоқ керак. Чунки маънавият ҳақида гапиришдан, маънавият бўйича қайғуришдан мақсад — мустақил дунёқарашга эга, ажодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс — комил инсонни тарбиялашдан иборатдир. Ана шунинг учун маънавият бўйича олиб борилаётган ишларда «ҳар қайси ижтимоий тоифа ва қатламни ўзига хос хусусиятлари инобатга» олиниши ва шунга яраша тарбиявий, маърифий, ахлоқий, эстетик камолот жараёнларига эътиборни кучайтирмоқ зарур.

Тўғри, агар маънавият соҳасидаги ишларимиз ҳар қайси ижтимоий тоифа ва қатламларни ўзига хос хусусиятларига қаратилса, маънавиятдек инсон шахси ҳар хиллигини тақозо этувчи улкан бир олам тасаввур қилинса, унда қандай қилиб барча миллат, мамлакат ва шахсларни бирлаштириш, жамият маънавиятида муштаракликка эришиш мумкин деган савол туғилади. Бу саволга ҳам Президентимиз жавоб беради ва ҳозирги пайтдаги миллий мафкурамиз моҳиятини белгиловчи миллий ғояларга диққатни тортади. Мамлакатимиз тинчлиги, Ватанимиз равнақи, халқимиз манфаати ва фаровонлиги миллат ва мамлакатни бирлаштирувчи, истиқбол сари интилишларини уйғунлаштирувчи миллий ғоя сифатида кўзга ташланади.

Инсон, миллат ва мамлакат маънавиятини белгилашда миллат, мамлакат ва шахс ҳаётини белгиловчи тинчлик, барқарорлик ва тараққиётга интилишдан бўлак луғвор мезон бўлиши мумкин эмас.

2000 йил 6 апрель куни Оқсарой қароргоҳида Юртбошимиз файласуф, тарихчи, сиёсатшунос, социолог, психолог, педагог ва адабиётшунослар, журналистлар, таниқли адиблар, жамоат ташкилотлари вакиллари билан учрашиб миллий мафкура масалалари бўйича нутқ сўзлади.

Ислом Абдуғаниевич биз яшаётган даврни инсоният тарихида ўхшаши ва андозаси бўлмаган мураккаб бир давр эканини, нафақат иқтисодий ҳаётимизда, шунинг-

дек, онгу тафаккуримизда ҳам янгилиниш, ўзгариш жараёни кечаётганини таъкидлайди.

Бундай кенг кўламли ижтимоий-тарихий ўзгаришлар бўлаётган экан, у ўзича ва осонликча рўй бермайди. Шовуллаб оқаётган дарёнинг юзида ва тагида нималар содир бўлмайди?! Худди шундай тарихий бурилиш давларида одамлар руҳи ва кайфияти мураккаб ижтимоий-психологик ва маънавий-интеллектуал жараёнларни ҳам тақозо этади.

Онг ўзгариши, дунёқараш шаклланиши оддий нарса эмас. У ақл билан иш юритиш, руҳиятни тетик тутиш, иродани жамлаш, имонни поклаш сингари кўзга кўринмас, аммо инсон амалларида ифодаланувчи маънавий салоҳиятларни талаб этади. Инсон табиатида энг оғир ва қийин ўзгарадиган, маълум муддат ва катта руҳий балоғатни талаб этадиган жиҳатлар — бу инсон онги ва дунёқарашининг шаклланиши ва ўзгаришидир. Онг ўзгариши инсон ҳаёт тарзининг ўзгариши бўлса, дунёқараш ўзгариши инсоннинг ҳаётга бўлган муносабатининг ўзгаришидир. Шунга биноан ўтган асрларда халқимиз онгини банд этган, кўникма тарзида унинг ҳаёт тарзини белгилаб келган жиҳатларни ўзгартириш учун, миллат ва мамлакат маънавиятини мустақиллик ғоялари асосида шакллантириш ва ривожлантириш учун жамият тараққиётида катта роль ўйнаётган мафкура масалаларига эътиборни қаратиш лозим эди. Бу мафкура бизга руҳий-маънавий қувват бўлиб, мустақил тараққиётимиз пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилиши зарур эди.

Ана шунинг учун Президентимиз миллий ғоя ва миллий мафкура масалаларини ҳар доим истиқболимиз йўлидаги долзарб масала тарзида ўртага ташламоқда.

Миллий ғоя ва миллий мафкура бир масала эмас, аммо улар ўзаро зид ҳам эмас. Бир иккинчисини доимо тақозо этади.

Миллий ғоя — муайян даврдаги муайян халқ ва мамлакатнинг миллий эҳтиёжлари, ҳаёт тарзи, ижтимоий тараққиёт тамойиллари ва идеалларини ифода этади. Бизнинг миллий ғоямиз — мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатда тинчлик ва барқарорлик, халқ фаровонлигига эришиш йўлида ижодкорона меҳнат қилишдир.

Ҳозир миллий ғоя ва унинг тарихий аҳамияти, халқимиз маънавиятида тутган ўрни ҳақида жуда кўп га-

пирадиган бўлди. Лекин кўпчилик миллий ғоя деганда уни аниқ тушуниб етмайди ёки тасаввур қила олмайди.

«Миллий ғоя» — абстракт тушунча эмас. У Ўзбекистон, ўзбек халқи ва мамлакатимиз маънавий об-ҳавоси, мақсади ва орзу-умидларининг йўналиш моҳиятидир.

Бу ғояларни Президентимиз Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқидеъ баён этган эди:

— Конституциямиз умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар, Хўжа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, буюк Амир Темур замонида шакланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттиради. Шу кўҳна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, танглик каби улуғ хислатлар бу муборак ҳужжатдан муносиб ўрин олган;

— Конституциямиз азиз ва муқаддас заминимизда истиқомат қилаётган инсонларнинг дунёқарашини, уларга хос ўзаро муносабатларни, хусусиятларни, меҳроқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга нисбатан ҳурмат, илму фанга интилиш, ор-номус, иффат ва ҳаё каби эзгу фазилатларни ўзига асос қилиб олган;

— бизнинг Конституциямиз умуминсоний ғоялар— тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қилади;

— янги Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, давлат ҳимоясига олинган.

Бинобарин, миллий мафқурани Конституцияда зикр этилган ғояларнинг инсон дунёқарашига, ҳаёт тарзига айланиш жараёни сифатида идрок этар эканмиз, у халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига мос келувчи, умумбашарий ғоялар ва маънавий қадриятларни ўзида акс эттириб, келажакка ишонч, меҳроқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини халқимиз онгига сингдиришда, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида улкан маънавий-тарбиявий аҳамият касб этади.

Ислон Абдуғаниевич 1993 йилдаёқ миллий мафкура ҳақида кўп гапирилатгани ва фикримизни, дунёқарашимизни ўзгартирадиган бу муҳим масалада тезроқ

сўздан амалий ишга ўтиш зарурлигини таъкидлаган эди. «Мафкуравий масалани ҳал этмасдан, уни амалда тадбиқ қилмасдан туриб, — деган эди Ислом Каримов, — Конституция белгилаб берган мақсадларга эришиш, у олдимизга қўйган талабларга жавоб бериш мушкул бўлади». Ана шунинг учун миллий ғоялар ва миллий манфаатларимиз ифодасини топган Конституцияни чуқур билиш, ҳис этиш ва унга амал қилиш миллий мафкура шаклланишининг асосий тамойилидир.

Айрим жамиятшунос олимлар ва оддий одамлар тасаввурида Конституция фақат юридик ҳужжат бўлиб, адлия ходимлари учунгина дастуруламал вазифасини ўтайди. Бундай тушунча натижасида Конституциянинг миллий мафкура моҳиятини белгиловчи энг буюк маънавий қомус эканлиги унутилмоқда.

Маънавият ҳақида, Президентимиз айтганларидай, қуруқ гап сотгандан кўра амалий ишларга эътиборни қаратиш керак. Масалан, Конституциямизнинг ҳар бир банди ва ундаги ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини қамраб олган ғояларни мактаб ёшидаги болалардан тортиб, барча меҳнаткаш оммага етказиш лозим. Ана шундагина миллий мафкурани шакллантириш ва мустаҳкамлаш бўйича амалий иш қилинган бўлади. Акс ҳолда «миллий ғоя», «миллий мафкура» сўзларини такрорлайверган билан асл мақсадга эришиш қийин бўлади.

Конституциямиз миллий мафкурамизнинг ижтимоий-сиёсий, назарий ва маънавий асосини ташкил этади. Ана шу маънода Конституциямиз — миллий ғояларимиз мажмуаси, миллий мафкуранинг мазмуни ва моҳиятини ташкил этади. Дунёқарашда шахснинг ижтимоий идеали, фалсафий, диний, бадий-эстетик қарашлари ва турли-туман шахсий майллар ўз ифодасини топса, мафкура шахс маънавиятини белгиловчи асосий ижтимоий-сиёсий мезон ҳисобланади. Шунинг учун унинг мазмуни, йўналиши Конституцияда белгиланган миллий ғояларга боғлиқ бўлади.

Маълум даврдаги мамлакат Конституцияси ҳар бир бандининг аниқ, изчил амалга ошиши миллий мафкуранинг маънавият тараққиётининг амалдаги ҳаётини, умрини белгилайди. Конституцияга қўшимча барча қонунлар ҳам мафкуравий тус олади, жамият, шу мамлакат мафкурасини ойдинлаштиради, тараққиёт йўлини белгилашда халқ учун, давлат ва мамлакат учун компас вазифасини ўтайди. Бинобарин, ҳаётга тадбиқ

этилаётган ҳар бир фармон, фармойиш, қонун ёки буйруқлар инсон сари, унинг маънавияти сари йўналтирилган маънавий-мафкуравий тадбирга айланади.

Мафкура — беморга ёзиб бериладиган рецепт эмас, мафкура — бемор ичса тузалиб кетадиган тайёр дори ҳам эмас. У инсон маънавий қиёфасини, дунёқараши-ни белгиловчи, шахснинг фикр ва амаллари муштараклигини ифодаловчи руҳий конституциядир. Мафкура аниқ ва конкрет тус олиши учун шахс ва жамият, миллат ва мамлакат ижтимоий мақсад ва идеалларининг муштараклиги зарур. Бу муштараклик мамлакат Конституциясида ўз аксини топади. Агар мафкура инсон учун ҳаракат дастури бўлса, ижтимоий идеаллар бу ҳаракатнинг тезлигини кўрсатади.

Ана шу маънода бизнинг Конституциямиз илмий ғоялар жамланган миллий мафкурамиз моҳиятини ифодаловчи миллий маънавий қомусдир.

Миллий мафкура Конституцияда ифода этилган жамиятимизнинг барча қатлам ва бўғинлари, барча ижтимоий ҳаёт қирраларини қамраб олувчи, одамлар онги ва дунёқарашидан тортиб, табиат ва жамият ҳодисаларининг миллий истиқлол ва миллий истиқбол сари йўналтирилган миллий-интеллектуал салоҳиятларини, бутун дунё ва барча халқлар билан бўладиган ижтимоий-сиёсий ва маънавий мулоқотлар мазмунини белгиловчи миллий ғояларнинг назарий ифодасидир.

Бинобарин, ҳар бир янги ижтимоий тузум ўз Конституциясини яратмасдан, ўз мафкурасининг амалиётдаги ҳаракатини таъминлай олмайди. Президентимиз таъбири билан айтганда, ўз миллий ғоясига таянмаган жамият инқирозга дучор бўлади, ўз йўлини йўқотиб қўяди.

Биз мустабид ва тоталитар тизимдан эркин ва озод тизимга ўтишни мақсад қилиб қўйган эканмиз, чуқур ўйланган, пухта ишланган ижтимоий ва мафкуравий дастурга — Конституцияга эга бўлишимиз лозим эди. Худди шундай қилинди. Навбатдаги вазифа мафкуравий назарий асосларнинг ҳаракатдаги амалий дастури-ни ишлаб чиқишдир. Бу нарса шунинг учун зарурки, одамлар онгини мустабид тузум даврида шаклланган эскича қараш ва эскича мафкура асоратларидан тозалаш қанчалик зарур бўлса, энди вояга етаётган ёшлар онги ва руҳиятини мустақиллик билан боғлиқ ғоялар билан бойитмоқ шунчалик долзарбдир.

Агар ёшлар масаласини умумжамият миқёсидаги

масала тарзида идрок этадиган бўлсак, ёшларни тарбиялаш — ёшлар онги ва руҳиятини муайян ғоялар ва қарашларга қаратмоқдан иборатдир. Ёшлар қандай ғоялар билан қуролланган бўлса, уларнинг амалиётдаги фаолияти ҳамда феъли-атвори ҳам шунга яраша бўлади.

Бинобарин, Президентимиз айтганларидек, «Тарбиявий-ахлоқий масалаларда, маънавий ҳаётда, керак бўлса, миллий манфаатларимизга мос келадиган сиёсатни изчил олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмаслигимиз учун ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз даркор».¹

Чунки мафкуравий жараён жуда нозик ва мураккаб кечади. Айрим ижтимоий кучлар ўз мафкурасини ўтказиш учун ҳеч нарсадан қайтмайдилар. Бундай бирдан кўзга кўринмайдиган, ўта ниқобланган, ҳатто ошқора тазйиқ билан ўтказиладиган сохта ғояларнинг асл моҳиятини ёшлар тезда англаб етмайдилар, тузоққа илиниб қолганини сезмай қоладилар. Бунинг учун жамиятимизнинг барча томонларини бирдай қамраб олувчи ва турли табақа ҳамда қатламлар манфаатини ифодаловчи Конституциямизда акс этган ғояларни миллий мафкура дастури сифатида ҳаётга тадбиқ этиш ҳаводай зарур бўлиб қолди.

Ана шундай қилинганда миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашига, ўзининг миллий қадриятларини, урф-одатларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, авайлаб, эъозлаб, янги, ўсиб келаётган авлодга етказиб бериш имконияти кучаяди.

Бинобарин, миллий мафкура, И. Каримов уқтириб ўтганларидай, биринчи навбатда, халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, миллий қадриятларимизга, халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланиб, шу билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати ва фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор.

Миллий мафкуранинг амалий дастурини яратиш уни қотиб қолган ва абадий ўзгармас ақидалар мажмуаси тарзида тасаввур этмаслик керак. Миллий мафкура — эркин авлод, эркин шахс ва эркин миллатнинг эркин

¹ И. А. Каримов. Миллий мафкура — мамлакат келажаги пойдевори. — Ўзбекистон овози, 2000 йил, 8 апрель.

тафаккури, ҳаёт тарзи, эзгу мақсадлари, рамзи бўлсагина у оммавий тус олади ва ўз ҳаётийлигини кўрсатган бўлади.

Миллий мафкурани ҳаётга тадбиқ этишдаги асосий мақсадимиз уни миллат, мамлакат ва шахсни бирлаштирувчи маънавий куч эканлигига эришишдан иборатдир. Миллий мафкура яқиндан ва узоқдан ҳилпираб турувчи, барчани ўзига чорловчи ва бирлаштирувчи юракдаги маънавий машъал бўлмоғи лозим.

Чунки янги давлат, янги жамият қураётган эканмиз, ҳаётда, жамиятда ва инсон онгида жуда катта ўзгаришлар, мутлақо янги жиҳатлар пайдо бўлаётганини кўриб турибмиз. Шахс билан давлат, инсон билан жамият, одамзод билан табиат, инсон билан инсон муносабатларида батамом янгича хусусиятлар, янги тамойиллар пайдо бўлмоқда.

Ижтимоий ўзгаришлар, янги-янги тамойиллар бутун жамият, мамлакат ва миллат ҳаётида содир бўлаётган даврда ҳар бир инсон жамият тараққиёти ва уни янгилашга ўз муносабатини билдириши, бу жараёндаги ўз ўрни ва бурчини аниқлаб олиши, шунга яраша ижтимоий ўзгаришлар йўналишига ўз улушини қўшиши керак.

Шахсдаги бундай ижтимоий фаоллик унинг мафкурасига, қандай эзгу ният ва мақсадларни кўзлашига боғлиқ. Шунинг учун Президентимиз «Фидокор» газетасининг муҳбири саволларига берган жавобида ҳам мафкура масалаларига кенг тўхталади.

Дарҳақиқат, мафкура ҳамма замонларда ҳам энг долзарб сиёсий-ижтимоий, маънавий масала бўлиб келган. Ҳар қандай мафкуранинг мақсади муайян ғоялар асосида жамиятни бирлаштириш, ўз муддаоларига эришишнинг маънавий-руҳий куч-қудрати бўлиб хизмат қилган. Мафкура соҳасидаги ожизлик ёки мафкура масалаларига эътиборсизлик жамият пойдеворини емириб ташлаган, ижтимоий парокандаликка сабаб бўлган.

Қачонки мафкура жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради ва буни амалиётдаги исботига айлансагина у ўз яшовчанлигини ҳамда инсонпарварлик моҳиятини кўрсата олади. Шунинг учун И. А. Каримов таъкидлаб ўтадики, «Токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кун уфқларини

ўзининг миллий ғояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади».¹

Агар мамлакатлар, давлатлар, миллатлар манфаатлари мафкуравий хилма-хилликни келтириб чиқарса, мафкуранинг миллат, мамлакат ва шахс онгидан чуқур ўрин эгаллаши, маънавий куч-қудратга айланиши унинг нечоғли халқ табиати, турмуш ва тафаккур тарзи, ҳаёт моҳиятига мос келишига боғлиқ. Маълум мафкурага эътиқод ва амал қилиш тилда баён этилса-да унинг қанчалик маънавий кучга айланганини шахс, жамият ва миллат амалий фаолияти ва турмуш тарзи орқали кўринади. Мафкуравий яқинлик қанчалик табиий кечса, мафкуравий келишмовчилик шунчалик шиддатли тус олади.

Мафкура — эътиқоднинг ижтимоий-маънавий рамзидир. Маълум маънавий куч тарзида шакланган мафкурани тезда йўқотиб ёки тезда ўзгартириб бўлмайди. У вақт ва макон нурида чайилади, миллий ғоялар тафтида вояга етади. Конституцияда ўз назарий моҳиятини ифодалайди.

Турли мамлакатлар, турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари турли мафкуравий таъсир, ғоявий курашларни тақозо этади. Миллий мафкура ғояларини халқ онгига сингдириш, ана шундай кураш майдонларида эсанкираб қолишдан кишини сақлайди, унинг онгига, дунёқарошига, билагига куч-қудрат ато этади.

«Бутунги кунда, — дейди Ислон Каримов, — инсоният кўлида мавжуд бўлган қурол-яроғлар ер куррасини бир неча бор яксон қилишга этади. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф — инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади».

Инсоният шундай поғонага ўсиб етдики, энди айрим давлатлар ёки сиёсий марказлар очиқдан-очиқ бошқа халқлар ва ҳудудларни босиб ололмайдиган бўлиб қолди. Энди курашнинг қурол-яроғлари ўзгарди. Ҳозир мафкуравий тазйиқ ўтказиш, ўз таъсир доирасига олмақчи бўлган мамлакатларнинг аҳолиси онгини ўзига қарам қилишга интилиш тамойили кучайди.

¹ И. А. Каримов. Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман. Президент Ислон Каримовнинг «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавоблари. «Фидокор», 2000 йил, 8 июнь.

Ана шундай бир шароитда қайси мамлакатда мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, у ерда ўзга мафкура ўтлари илдиз отади. Мафкуравий бўшлиқ — миллий ғоялар тараққиёти ва барқарорлигига раҳна солувчи, ёт ғоялар ўсиб унишига имкон яратувчи муҳитни вужудга келтиради. Мафкуравий бўшлиқ содир бўлганда бузғунчи, ғаламис, нопок, миллий манфаатларга бегона, ёш авлод қалби ва онгини заҳарлайдиган ғоялар, ақидалар уруғи кўпаяди.

Ҳозирги ҳаётда учраб қолаётган айрим экстремистик ва кўпоровчилик ҳолатлари, ислом фундаментализми ғояларини ёшлар онгига сингдириш учун қилинаётган ҳаракатлар ана шундай мафкуравий бўшлиқ натижасидир. Иккинчи томондан, пировард мақсадлари дин ниқоби остида ҳокимиятни қўлга киритмоқчи бўлган, халқаро кўпоровчилик ҳаракатлари билан узвий боғланган айрим гуруҳлар ёшлар онгини заҳарлаш, уларни жаҳолат ва жиноят ботқоғига тортишга муваффақ бўлган ҳолатлар ҳам бўлди. Ҳокимият учун курашда бу гуруҳлар ҳеч нарсадан тап тортмаётирлар. Улар нарқобизнес орқали маблағ кўпайтиришга, бу даромадларга қурол-яроғ сотиб олишга ва кўпоровчилик учун алоҳида шахсларни, виждонини забун этган нусхаларни ёллашга уринмоқдалар. Бундай мамлакат тинчлиги, барқарорлигига раҳна солишга йўлбошчилик қилаётганлар ҳамда уларга эргашувчилар республика-миз миқёсида кун сайин мустаҳкамланиб, одамлар онги, ёшлар шуурини белгилайдиган миллий ғоялар, миллий уйғониш моҳиятини тушуниб етишдан йироқдирлар. Улар даҳолик ва доҳийликни даъво этиб, амал ва мансаб касалига, жиззаки ҳақпарварлик касалига мубтало бўлиб қолдилар.

Тинч ҳаётимизга таҳдид солувчи қора кучларнинг ошқора хатти-ҳаракатларидан ташқари яна шундай но-зик ва қалтис йўллар борки, улар орқали ҳам ёшлар онги, тафаккури ва иродасига таъсир этилади. Жангари фильмлар, оддий инсон имкониятидан четга чиқувчи, томошабинлар тафаккурига эмас, ҳирсиётига таъсир этувчи фильмлар кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. Бу — мафкуравий тазйиқнинг осон ва оммавий кўри-ниши. Гарчи бу фильмларда сиёсат ҳақида гап бормаса ҳам, юзаки қараганда беозор ёки кўнгил очар туюлса ҳам уларнинг инсон руҳиятида содир этадиган ишлари зарарлидир.

Инсон табиатининг мураккаб жиҳатлари ҳақида

Ислом Каримов шундай дейди: «Аслида, менинг назаримда, одамнинг қалбида иккита куч — бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади. Афсус билан таъкидлашимиз лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни хатти-ҳаракатларини кўзғатиб юбориш осонроқ».

Шунинг учун телевидение орқали бериладиган фильмлардан тортиб, оддий реклама ёки кўргазмали қуролларгача инсонда порлоқ туйғулар, юксак идеаллар уйғотмоғи даркор. Акс ҳолда ёшларда шафқатсизлик, тошбағирлик, зўравонлик, ахлоқсизлик каби иллатлар шаклланиб қолади.

Бундай иллатларнинг олдини олиш миллий мафкурани ёшлар онгига сингдиришнинг бир йўлидир. Бунинг учун нима қилиш керак? «Бунинг йўли, — дейди Ислом Каримов, — одамларимиз, авваламбор ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш. Уларнинг мен ўзбек фарзандиман, деб ғурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир».

Демак, мустақилликни мустаҳкамлаш учун ҳам, жамиятнинг тараққиёти учун ҳам, ёшларимиз тарбияси ва истиқболи учун ҳам миллий мафкуранинг амалий дастури зарур экан. У авваламбор миллатимизнинг асрлар мобайнида шаклланиб келган анъана ва урф-одатларига, ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-эстетик идеалларига, ўзлигини намоён этиш хусусиятларига, бунёдкорлик салоҳиятларига асосланиши зарур.

Биз шундай янги жамият қурмоқдамизки, у юксак маънавий ва ахлоқий-эстетик қадриятларга, инсонпарварлик руҳи билан суғорилган бадий, фалсафий ғояларга асосланган ҳолда ёшларни миллий истиқлол ғояси ва мафкураси, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга давват этилган. Наинки «Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўп-кўп муҳим масалалардан иборат».

Бунинг учун ёшларни замонавий билимлар, маъна-

вий бойлигимиз ва келажақдаги режаларимиз билан яқиндан таништириш, маърифий ташвиқот ва тарғиботни изчил йўлга қўймоқ керак. Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий жараёнлар ҳақида махсус дарсликлар, қўлланмалар, оммабоп адабиётлар яратиш ниҳоятда зарур.

Шунингдек, миллий мафкура ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш жоизки, мустақиллик, истиқлол, миллат ва мамлакат маънавий жараёнларини ифодаловчи ва белгиловчи миллий мафкурага ҳам қотиб қолган, ҳар доим ва ҳар ерда бирдек ўзгармас ақидалар мажмуаси сифатида қарамаслик керак. Миллий мафкура — бу миллат фаолияти ҳамда тафаккур тарзининг узлуксиз ва жонли жараёнидир. Миллат манфаати ҳамда мамлакат қиёфаси миллий мафкурага ҳам сабаб, ҳам натижа бўлади. Муайян даврдаги миллат тараққиётига қараб миллий мафкура мазмуни ҳам бойиб боради. Шунинг учун миллий мафкурани тепадан туриб халқ онгига сингдириб бўлмайди. У ҳаётнинг ўзидан андоза олади ва одамлар онги, тафаккури тарзида яна конкрет амалларда моддийлашади. Миллий мафкурани одамлар онгига сингдириш ва амалий фаолиятларимизнинг дастуруламалига айлантиришда ислом динининг инсонпарварлик қонун-қоидаларидан фойдаланиш, диний ақидапарастликнинг зарарли оқибатларини очиб ташлаш зарур.

Ислом фалсафаси ва ахлоқий-эстетик тамойиллари инсон табиатини юмшатишга, одамлар орасида қадрқиммат ҳамда биродарлик туйғуларини кучайтиришга қаратилган. Бундай инсонни поклантирувчи қарашлар ва таълимотлар ҳам миллий мафкурамиз мазмунидан ўрин олиши лозим.

«Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, — деди Ислом Каримов, — инсон дунёқарашининг шаклланишида маърифатнинг, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни беқиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими — уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга».¹

Лекин ижтимоий фанлар соҳасидаги ишларимиз

¹ И. А. Каримов. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам продасига ишонаман. «Фидокор», 2000 йил, 8 июнь.

ҳали кўнгилдагидай эмас. Айрим дарслик ва қўлланмалар эскича ҳолатда қолиб кетмоқда. Психология, этика, эстетика сингари фанларга эътибор деярли йўқ даражада.

Агар Президентимиз ташаббуси билан тарихимизни ўрганиш ва уни объектив тадқиқ этиш жараёнида биров силжиш юз берган бўлса-да ўтмиш алломаларимиз ижодида катта ўрин эгаллаган, комил инсон ва унинг маънавияти билан боғлиқ психология, этика ва эстетика сингари инсоншуносликнинг асосини ташкил этувчи фанлар бўйича биронта дарслик ёки қўлланма яратилмаётир.

Жаҳон ва Шарқ халқлари фалсафий фикр тараққиёти, жаҳон ва Шарқ халқлари психология ва ахлоқий-эстетик тафаккур тарихи сингари тадқиқотлар ва таржималар ниҳоятда зарур. Шундай қилингандагина ёшларимизни бирон бир қараш, ақида ёки назарияга боғлаб қўймасдан, ҳаётнинг ўзи турли-туман ғоялар қарашидан, баҳсу мунозаралардан иборат эканлигини ҳис қилишга жалб этилади. Тафаккурда кўр-кўрона бировга эргашиш ғоявий янгилинишга, янгидан-янги қарашларга олиб келмайди. Бизнинг мақсадимиз эса одамларда кенг, эркин ва ижодий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир. И. А. Каримов айтганларидай, «Ўз мустақил фикрига эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан қарайди. У жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларга, ҳаёт ҳақиқатига суянган ҳолда ҳар қандай ғаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади».

Фикрлар хилма-хиллиги мамлакат ва миллатнинг маънавий бойлигидан далолат беради. Бир хиллик ёки қолипдан чиқмасликка интилиш маънавий қашшоқлик белгисидир. Ана шунинг учун миллий ғоялар кўлами, миллий мафкура мазмуни ва моҳиятини халқимиз орасига, ёшлар онгига сингдириш учун бизнинг эркин ҳаёт кечиришимизга назарий асос ва кафолат бўлувчи Конституциямизни кенг ва чуқур тарғиб қилишимиз, уни ҳар бир фуқаронинг маънавий мулки, ҳаракат ва ҳаёт дастурига айланишига эришишимиз зарур.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
1. «Маънавий»нинг маъноси	6
2. Мустақиллик ва маънавий	18
3. Миллий истиқлол мафкураси	42
4. Куч — билим ва тафаккурда	63
5. Ёшларнинг маънавий қамолоти	89
6. Миллат ва маънавий қадриятлар	103
7. Янгича тафаккур — замон талаби	117
8. Ўзбекистон XXI асрга интиломда	128
9. Миллий ғоя — Конституция — Миллий мафкура	145

ТИЛАБ МАҲМУДОВ

МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ

*(Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ислом Каримов асарлари асосига)*

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2001

Муҳаррир МаҳкамМаҳмудов
Рассом Кайрат Акчулаков
Техник муҳаррир Диана Габдрахманова
Мусаҳҳиҳ Юлдуз Бизаатова

Теришга берилди 17.01.2001. Босишга рухсат этилди 16.02.2001.
Бичими 84X108^{1/32}. Балтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
тобоғи 8,4. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 8,5. Адади 10000 нусха. Буюртма
№ 1498. Баҳоси келишув асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.